

R440
1949/6

МАРК ЮЛДУЗИ

6

9 из-
н 2

1970
ТОШКЕНТ



К 440
1949/6

ДОСАР ЙОЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

6



ИЮНЬ



ТОШКЕНТ
1949



МУНДАРИЙЖА

	Бет
Марксизм-ленинизм классикларининг А. С. Пушкинга муносабати	3
Илгор адабиёт ва ижтимоий онг арбоблари А. С. Пушкин ҳақида	4
М. Ю. Лермонтов. Шоирнинг ўлими. Ше'р	7
А. С. Пушкин. Тош мәхмон	9
 · А. С. ПУШКИН ШЕ'РЛАРИ ·	
Чаадаевга атаб	26
Сибирьга мактуб	27
Анчар — заҳар дарахти	27
Кўзёши	30
Чол	31
*	
Мирза Фатали Охундов. А. С. Пушкиннинг ўлими ҳақида Шарқ поэзияси	32
И. Новиков. Греклар қўзғолони	35
 ЎЗБЕКИСТОН ШОИРЛАРИ А. С. ПУШКИН ҲАҚИДА	
Султон Жўра. Пушкинга. Ше'р	58
Ойбек. Пушкин. Ше'р	59
Фозил Йўлдош ўғли. Пушкинга. Ше'р	60
М. Шайхзода. У кун. Ше'р	61
С. Сомова. Пушкинга. Ше'р	62
В. Лицко. Поэзия қўёшига. Ше'р	64
Мирмуҳсин. Пушкин номида колхоз. Ше'р	65
Ҳ. Ниёзий. Эрк куйчисига. Ше'р	66
Ж. Абдуллахонов. Пушкин ҳайкали. Ше'р	67
	69
 МАҚОЛАЛАР	
В. Зоҳидов. Бизнинг Пушкин	70
Ж. Шарифий. Пушкин ўзбек тилида	79
Карелова. Пушкин лирикаси Ўзбекистон композиторлари ижодида	81
А. А. Семёнов. Александр Сергеевич Пушкин ва бир Шарқ қўлёзмаси	90
*	
А. Соғонов. Москвалилар характеристи. Пьеса	94
	122

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ КЛАССИКЛАРИНИНГ А. С. ПУШКИНГА МУНОСАБАТИ

И. СТАЛИН

Гитлерчилар партияси — демократик әркинлик душманларининг партиясидир, ўрта аср тескаричилиги ва қирғинчи қора гуруҳчилар партиясидир...

Номус ва виждондан маҳрум бўлган мана шу кишилар, ҳайвон сифат кишилар, Плеханов ва Ленинни, Белинский ва Чернишевскийни, Пушкин ва Толстойни, Глинка ва Чайковскийни, Горький ва Чеховни, Сеченов ва Павловни, Репин ва Суриковни, Суворов ва Кутузовни етиштирган буюк рус миллатини қириб ташлашга разилона да'ват қилмоқдалар...

ПОЛЬ ЛАФАРГ

Маркс 50 ёшга етган вақтида рус тилини ўрганишга киришди ва бу тилнинг қийинлигига қарамай, уни олти ой чамаси вақт ичиди шу қадар ўрганиб олдики. рус шоир ва адилларининг асарларини завқланиб ўқийдиган бўлиб олди, рус ёзучиларидан айниқса Пушкин, Гоголь ва Шчедринни жуда қадрлар эди.

Н. К. КРУПСКАЯ

Мен Сибирьга Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларини олиб бордим. Владимир Ильичбу китобларни кроватининг ёнига... қўйиб қўйди; шу китобларни кечқурунлари қайта-қайта ўқир эди. Айниқса Пушкин асарларини кўпроқ севарди.

ИЛГОР АДАБИЁТ ВА ИЖТИМОЙ ОНГ АРБОЛАРИ А. С. ПУШКИН ҲАҶИДА

А. М. ГОРЬКИЙ

Буюк Пушкин энг улуғ ифтихоримиз ва Россиядаги ма'навий кучларнинг мукаммал ифодасидир.

Даставвал, Пушкин халқ ижодиётига э'тибор берган ва уни давлатнинг „халқчилик“ тоясига ҳам сарой шоирларининг мунофиқона майдилларига мослаб сохталаштирмай адабиётга олиб кирган биринчи рус ёзучиси бўлди; у халқ қўшиғи ва эртагини ўз таланти блан безади, лекин уларнинг ма'носини ва кучини ўзгартиргани.

Пушкин... улуғ рус ёзучиси, ўзининг гўзаллиги ва донолиги блан мафтун қилути эртаклар яратган халқ шоири, биривчи реалистик роман— „Евгений Онегин“нинг автори, энг яхши тарихий драмамиз „Борис Годунов“нинг автори,— ше'рнинг гўзаллиги жиҳатидан ҳам, ҳис ва фикр ифодасининг кучи жиҳатидан ҳам ҳозирги кунгача унга ҳечким етиб ололмаган шоир, улуғ рус адабиётининг отаси бўлган шоирдир.

Пушкин — адабиётнинг биринчи даражали музҳим аҳамиятга эга бўлган миллий иш эканини, бу маҳкама ишидан ва сарой хизматидан аллақанча юқори эканини ҳаммадан олдин ҳис қилди, у адабиётчи деган унвонни ўзига қадар кўрилмаган юксакликларга биринчи бўлиб кўтарди. Унинг кўзида шоир: халқнинг бутун ҳис ва ўйларини ифода этучидир.

У... ўз замонининг улуғ рус шэригина эмас,
балки барча халқларнинг улуғ шэри... бутун жа-
хонга шуҳрат чиқарган шоир эди...

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Пушкинга қадар Россияда чинакам шоирлар
бўлмаган... У бизнинг поэзиямизнинг ҳақиқий ота-
си, рус оммасида олижаноб эстетик завққа муҳаб-
бат йўғотган мураббийдир...

Н. А. ДОБРОЛЮБОВ

Пушкиннинг аҳамияти фақат рус адабиёти та-
рихидагина эмас, балки рус ма'рифати тарихида ҳам
буюкдир. У рус кишиларини биринчи бўлиб ўқишига
ўргатди, — бу унинг улуғ хизматидир. Унинг ше'р-
ларида жонли рус тили биринчи марта ўз ифодаси-
ни топди ва бизга чинакам рус дун'ёси биринчи
марта очилди.

А. И. ГЕРЦЕН

Қуллик ва мусибат ҳукм сурган вақтларда Пушкиннинг жаранглама ва ма'нодор кўйларигина эши-
тилиб турди; бу кўйлар ўтмиш замонларни кўз
оздимиэда гавдалантириди, ҳозирги замонга мардана-
ворлик бағишлади ва узоқ келажакка жар солди.

Н. В. ГОГОЛЬ

Пушкян номи тилга олинган замоно фикрда рус
миллий шоирининг ёрқин сиймоси гавдаланади.
Ҳақиқатан ҳам, шоирларимизнинг биронтаси ундан
юқорироқ миллий шоир деб атала олмайди; бу
ҳуқуқ унинг ўзигагина берилган.

Ф. Е. ОДОЕВСКИЙ

„Пушкин!“ Сан'ат чўққиларига чиқиб олган
сан'аткорлар орасида ҳам, оддий одамлар орасида
ҳам, унинг ше'рларини бир умр ўқимаган, лекин
бошқалардан эшитган кишилар ичida ҳам унинг
номини тилга олсангиз,—бу ном ҳарерда электр
куватидек ларзага келтиради.

А. П. ЧЕХОВ

Лермонтовнинг „Тамани“ блан Пушкиннинг „Ка-
питан қизи“ ... шинам рус ше'рининг нафис проза
блан бир тан бир жон эканлигини яққол исбот
қиласади.

A. Н. ОСТРОВСКИЙ

(Пушкин бизга тұхфа қылған ҳазивалар ҳақиқатан ҳам буюк ва бебаҳодир.

E. A. БАРАТИНСКИЙ

Бизнинг ажойиб тилемиз ҳамма нарсага қобил, гарчи мен буни амалда күрсата олмасам ҳам, лекин сезиб тураман. Бизнинг тилемиз Пушкин учун, Пушкин эса тилемиз учун яратилган.

G. И. УСПЕНСКИЙ

Пушкин рус илхом парисининг жүшқинлигидир... Пушкин дўстининг узоқдаги овозини ҳам, лўли қизининг жавлишини ҳам, Грузия куйларини ҳам, бургут ҳайқиригини ҳам, океанинг ғамгин ҳасратини ҳам әшигади... Пушкин ўз қиёфаси блан жаҳон минбарига кўтарилади... Пушкин ҳарқандай халқда ва ҳарқандай тилда ҳурмат ва шуҳрат топади.

F. М. ДОСТОЕВСКИЙ

Бизнинг бутун адабиётимизда шубҳасиз даҳолардан, шубҳасиз янги фикр соҳибларидан фақат учтагина бўлган: Ломоносов, Пушкин ва қисман Гоголь.

G. Р. ДЕРЖАВИН

(Менинг замоним ўтди... Ҳа демай дун'ёга бошқа бир Державин келади: у лицейдаёқ барча ёзучиларни орқада қолдириб кетган Пушкиндири.

I. С. ТУРГЕНЕВ

Умид қиласи, шоир асарларини ҳозир ўқий олмайдиган оддий халқимизнинг фарзандлари ҳам кўп ўтмай Пушкин деган номният нима әканлигини билиб оладилар.

A. В. КОЛЬЦОВ

Александр Сергеевич Пушкин вафот этди...
Осий тақдир! Ажабо, бизда ўлганлар каммиди?
Э вое, улим ўз балосини ҳәд'я қилишга Пушкиндан
бошка киши тополмадими? Нобакорлар кўп-ку ахир
дун'ёда!—Нега уларни ардоқлайсан, нега асрайсан?
Нобакор тақдир!

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

ШОИРНИНГ ЎЛИМИ

Қасос, подшоҳим, қасос истайман,
Тиз чўқай сенинг оёқларингга:
Жазола қотилни адлинг блан,
Уни қатл айла, то бундан бўён
Еғсин одил ҳукминг наслларга,
Золимлар ибрат олгайлар бундан.¹

Шоир халок бўлди — номус қурбони,
Қасосга ташналик, тўушда қўрошин,
Бахллар аҳлининг фийбат бўхтони
Хам қилди шоирнинг ғурурли бошин.
Ҳеч чидолмади шоирда виждон
Фасодга, фийбатга, тухматга қарши
Киборлар фикрига қўзғади ис‘ен
Яна ҳам тоқ қолди... Ўлдирилди у.
Ў-ку ўлдирилди... Энди фифонлар,
Қалбаки маҳташлар шовқини нега?
Ожиз оқланишлар кимга ҳам даркор?
Бу ишга тақдирнинг ҳукмидир эга...

Сиз масми энг олдин та'қиб остида
Шу дадил, ҳур таб'ни этганлар қувғин,
Сўнучи чўғлардан эрмак қасдида
Қалаб қўйдиларинг даҳшатли ёнгин?
Қийналди бечора... Энди бўлинг шод,
Сўнгги азобларга чидолмай тинди,
Муҳташам гултожи бўлибди барбод,
Ажойиб даҳонинг чароги сўнди.
Тўппонча ўқталди шоир қотили...
Қақшатғич бир зарба... Нажот ҳечқанча!
Пинагин бузмади унинг пуч дили,
Қўлида титрамай турди тўппонча.
Ғалати эмасми?.. Узоқ эллардан
Келучи юзларча қочқинлар каби
У бизга йўлиқди қазо-кадардан.

¹ Жан Ротрудан.

Кўнглида — бахт, амал овлаш талаби.
Ёт юртниң тилини, расмини, йўлин
У кулиб масхара қиласди ёмон,
Бизнинг ша'нимизга бермади омон,
Тушинолмасди шу қонли замон
Қандай бир кишига кўтармиш қўлин?..
У ўлди... хокини қучди бир мазор,
Худди у ажойиб тароналарда
Кўйлаган нома'лум, лекин беозор
Қўшиқчи сингари рашик ичра банда
Инсофисиз бир кўлда бўлди хору-зор.
Нега у тантин завқ, дўстликни ташлаб
Шу баҳл ва бўғиқ оламга кирди?
Эркин қалб, қизғин ҳис бу ерда хароб.
Тўҳматчи пастларга нега қўл берди?
Калбаки гапларга ишонди нечун,
У-ку билар эди одамлар ичин?
Аввалги гултоҗин бошидан олгач,
Унга кийигиздилар тиканли бир тоҷ.
Бу тоҷнинг яширин игнаси оғу,
Шарафли манглайга яра ва қайгу.
Муттаҳам нодонлар шиприндисидан
Заҳарга айланди сўнгги дамлари,
Ўлди-ю, чиқармай ўчни эсидан,
Дилида алданган умид ғамлари.
Гўзал қўшиқларнинг саслари ўчди,
Ортиқ эшитмайсан уларни энди,
Ўзи тор, қоронги маконга кўчди,
Лабларга босилган муҳри-абадий.
Сиз эса пастликда донг отган бадном
Ота-боболарнинг кибор авлоди,
Бенасиб уруғлар қолдигин тамом
Банда обғингиз босди — топтади.
Сиз, таҳт атрофида очкўз аламон
Хуррият, даҳонинг, шоннинг жаллоди,
Қонунлар сиз учун пана-соябон,
Суд ҳам, ҳақиқат ҳам жимжит туради!..
Лекин, эй бузуқлик маҳрамлари, бор,
Бор ҳукми, илоҳи: у сизни кутар,
Олтин, кирай деса, беркдир у дарбор,
Бўлғуси ишларни олдиндан битар.
У маҳал сизларга ҳеч кор этмайди,
Беҳуда лофларинг, гийбат-бўхтонинг,
У қора қонларнинг ювиб кетмайди
Шоирнинг мусаффо, табаррук қонин.

ШАЙХЗОДА
таржимаси.

А. С. ПУШКИН

ТОШ МЕХМОН

Leporello. O statua gentilissima
Del gran Comandatore!..
... Ah Padrone!

Don Giovani *

БИРИНЧИ САҲНА

ДОН ГУАН ВА ЛЕПОРЕЛЛО

Дон Гуан. Биз шу ерда кутажакмиз тунни. Ниҳоят.
Шу Мадриднинг қопқасига етдик. Ҳа демай,
Мўйловимни плаш блан, қошиб бўркила
Ёпиб, таниш кўчалардан елдай учаман.
Нима дейсан? Мени бирор танирмикан-а?

Лепорелло. Ҳа! Мумкин Дон Гуанини танимоқ зинҳор!
Ахир, ундаи кишиларнинг сон-саноғи йўқ!
Нечун ҳазил? Ким танийди?

Дон Гуан. Биринчи посбон,
Лепорелло. Бирор лўли, ё учраган сармаст созанда,
Ёки эски бир жўрангиз, плашни кийиб
Қиличини қўлтиғига қисган беҳаё.

Дон Гуан. Танийберсин, бокиси йўқ. Қиролнинг ўзи —
Лепорелло. Дуч келмаса басдир менга. Ростин айтсам, мен
Мадрида ҳечбир кимсадан кўрқмайман асло.
Дон Гуанинг ижозатсиз, сургундан қайтиб,
Мадридга кирганлиги эрта кундаёқ
Қиролгача бориб етар — хўш, айтинг-чи, у
Сизни нима қилас?

Дон Гуан. Яна жўнатар такрор.
Ахир, улар кесмаслар-ку менинг бошимни,
Мен хиёнат қилганим йўқ ахир давлатга.

* Лепорелло: О, буюк командорнинг севимли ҳайкали!. Сҳ, афандим!
Дон-Жуан».

Қирол мени севиб туриб бадарға қилди;
Үлдирилган у кишининг аҳли-хонаси —
Жонимга қасд қилмасин деб...

Лепорелло.

Буни қаранг-а!

Дон Гуан.

Сиз бу ерда тинч юрсангиз ма'қулроқ эди.
Кечирасиз каминани! Мен у ерларда
Ёлғизлиқда үлай дедим. Қандай одамлар,
У қандай ер! Осмони-чи?.. Худди тутунзор.
Хотинлар-чи? Эй сен тентак Лепореллом, бил;
Андалуснинг энг оддий бир деҳқон хотинин
Ўша ернинг дилбарига алишмайман мен.
Улар аввал кўм-кўк кўзи, оппоқ бадани,
Камтарлиги, ҳаммадан ҳам янгилиги-ла
Менга ёқди — кўзларимни қувонтиrolди;
Минг шукурки, тезда фаҳмим етди барига —
Улар блан яқин бўлмоқ гуноҳ деб билдим —
Уларда жон асари йўқ — мум қўғирчоқлар!
Оҳ бизларнинг хотинлар-чи!. Аммо, қара-я,
Бу ер бизга таниш; сен ҳам таниёлдингми?

Лепорелло.

Таниганда қандоф: бу ер худди Антоний —
Монастири. Сиз бу ерга кўп келардингиз,
Бу чорбоғда отингизни ушлаб турардим.
Рост сўзласам, бу, — ла'нати вазифадир. Сиз
Вақтингизни мендан кўра хуш ўтказгансиз —
Ҳа, ишонинг.

Дон Гуан

(ўйчан). Оҳ бечора гўзал Инеза!

Энди у йўқ! Уни қандай яхши кўрардим!

Лепорелло.

Инеза! Ҳа, у қора кўз... Ҳамон эсимда.

Уч ой унга сиз хушомад қилиб юрдингиз,

Аммо иблис сизга ахир мададга келди.

Июль ойи... Тунда. Унинг ма'юс нигоҳи,

Жонсиз-жонсиз лабларидан ғалати бир завқ,

Ажиб роҳат олган эдим. Бу кўп таажжуб.

Уни гўзал эмас деган эдинг шекилли.

Ҳа, чиндан ҳам, унда асл чирой кам эди.

Фақат кўзлар, унинг ёниб турган кўзлари...

Ва боқиши... Мен у каби нафис боқишни

Учратолган эмасман ҳеч... Овози esa

Худди бемор товушидай сокин ва ожиз.

Унинг эри тош юракли муттаҳам эди,

Буни кейин билиб қолдим... Эссиз Инеза!..

Лепорелло.

Бокиси йўқ, янгилари топилди.

Дон Гуан.

Бу ҳақ!

Лепорелло.

Омон бўлсак, яна кўпи топилғўсидир.

Дон Гуан.

Бу ҳам тўғри.

Лепорелло.

Боргандан сўнг, Мадридда энди

Қайсибирин ахтарамиз?

Дон Гуан.

О, Лаурани!

Мен ўшанинг ҳузурига югураман,

Лепорелло. Соз!
Дон Гуан. Эшигингни қоқажакман — агар уйида
Бирор бўлса, деразадан қочсин — сўрайман
Лепорелло. Бу турган гап. Хурсандчилик чакки бўлмади.
Марҳумалар бизни узоқ безовта қилмас.
Бирор келар, ким бўлса у?

(Роҳиб киради)

Роҳиб. Ҳозир шу ерга
У келади. Ким бу? Булар Дона Аннанинг
Одамлари эмасмикан?

Лепорелло. Йўқ, йўқ,— биэлар ҳам —
Ўзимизга ўзимиз бек Зиёрат қилиб
Юрмоқдамиш.

Дон Гуан. Ҳўш сиз кимни кутиб турисиз?
Роҳиб. Дона Анна марҳум эри мақбарасига
Ҳозир етиб келажакдир.

Дон Гуан. О, Дона Анна
Де-Сольва! У, ўлдирилган марҳум командор
Рафиқаси... Эслолмайман ким ўлдирганин?

Роҳиб. Фаҳш, виждонсиз, худосини сотган Дон Гуан.
Лепорелло. Оҳо! Буни қаранг-а! Дон Гуан қиссаси
Ҳатто сокин монастиръга кирибди. Энди
Ўзлатдаги зоҳидлар ҳам куйлар мадҳини.
Роҳиб. Балки сизга танишдир у?

Лепорелло. Бизгами? Асло
Ҳозир қайда бўлса экан у?

Роҳиб. Бу ерда йўқ,
Ўзоқларда, бадарғада.

Лепорелло. Худоға шукур.
Қанча олис бўлса, шунча яхши. Барча шу —
Бузуқларни битта қопга ёолиб, бирақай
Худ денигизга ташлаш керак.

Дон Гуан. Бу қанақа лоф?
Лепорелло. Сукут сақланг; мен атайн шундай сўзладим
Шу турбага кўмилганди, демак, командор?
Дон Гуан. Ҳа, шу ерга. Ери үнга ҳайкал тиклади,
Арвоҳини қувонтироқ учун ҳар кун у
Қабристонга келиб дуо ўқиди ҳамда
Кўзларидан ёш тўкади.

Дон Гуан. Ғалати бева?
Хусни қалай?

Роҳиб. Хотинларнинг гўзаллигига
Бизлар — тарки дун'ё аҳли, мафтун бўлмаймиз.
Аммо ёлғон гапирмаклик гуноҳдир; ҳатто
Тақводор ҳам учинг ҳуснин иикор этолмас.
Раҳматликнинг рашк қилиши бечиз эмас-кан.
У хилватда тутар эди Дона Аннани,

Хечбиримиз уни кўра олмаган эдик.
Мен у блан сўзлашмакка кўп ишқбозман.
Дона Анна эркак киши блан зўзлашмас,
Бу ҳақиқат.

Роҳиб.
Дон Гуан.
Роҳиб.

Сўзлашарми сиз блан, ота?
Мен роҳибман — менинг блан сўзлашар албат.
Ана ўзи.

(Дона Анна киради)

Дона Анна.
Роҳиб.

Қани, отам, эшикни очинг.
Ҳозир, хоним: кутиб турган эдим мен сизни.

(Дона Анна Роҳибнинг орқасидан боради)

Лепорелло. Хўш, қанақа?

Беваликнинг қора чодраси —

Уни тамом қоплаб олиб кўрсатмас бизга,
Фақат нозик товонини кўриб қолдим мен.
Сизга шу бас. Қолганини тасаввурингиз
Бир нафасда беками-кўст чизиб беради;
Хаёлингиз наққошдан ҳам моҳир ва чаққон,
Хоҳ қошидан бошланг, хоҳи оёқларидан,
Сизнинг учун баб-баравар...

Дон Гуан.

Эй, Лепорелло,

Мен у блан тинишаман.

Лепорелло. Энди шуми етмас эди! — Қатл этиб эрин,
Беванинг кўзёшларини сайд этмоқчисиз
Шунча сурбет!

Дон Гуан.

Оқшом ортиқ яқинлашмоқда.

Тепамизда ой намоён бўлмасдан бурун,
Нури блан зулумотни қувмасдан бурун.
Биз Мадридга кирмоғимиз даркор!

(Кетади.)

Лепорелло.

Ёраббим.

Испания бегзодаси, худди ўғридай
Тунни кутар ва ойдиндан чўчир, ҳайиқар.
Эҳ, ла'нати тириклилик! Ахир тобакай
Мен у блан сарсон бўлғум? Бездим, зерикдим.

ИККИНЧИ САҲНА

Хона. Лаура зиёфат беради.

Биринчи
меҳмон.

Онт ичаман, эй Лаура, ўзинг ҳечқачон
Ўйнамаган эдинг бунча камолот ило.

Иккинчи
меҳмон.
Учинчи
меҳмон

Ўз ролингни тушунибсан, ғоят ҳаққоний!
Сан'атингни нозик ечдинг! Забардаст, жўшқин!

Сан'атингга қойил!

Лаура.

Биринчи
мекмон.

Лаура.

Ҳамма.
Биринчи
мекмон.

Иккинчи
мекмон.

Лаура.

Дон Карлос. Кимнинг дединг? Дон Гуаннинг сўзи дедингми?

Лаура. Бу зўэларни бир вақтлар у содиқ дўстим,

У ҳавоий ишқибозим тўқиган эди.

Дон Карлос. Худосини сотган, аблаҳ у Дон Гуаннинг,

Сен бўлсанг, сен аҳмоқсан.

Лаура.

Гарчи испан бекзодаси бўлсанг ҳамки сен,
Фармон берсам, навкарларим бошингни олар.

Дон Карлос. (ўрнидан туради). Чақир ўша навкарларни.

Биринчи
мекмон.

Лаура.

Дон Карлос. Дон Карлос, сен хафа бўлма. Эсини епти...

Нечун? Гуан, акасини қиличбозликда

Халол туриб ўлдиргани учунми? Афсус,

Ўлдирмапти бунинг ўзин.

Дон Карлос.

Мен тентакман.

Лаура. Аҳа! Икрор бўлдинг ўзинг, бас,

Ана энди ярасамиз.

Дон Карлос.

Гуноҳкорман. Аммо ўзинг яхши биласан,

Унинг номин асло лоқайд әшитолмайман...

Лаура. Унинг номи ҳар лаҳзада тилимга келар,

Ўзинг айтгил, шунинг учун гуноҳкорманми?

Мекмон. Сен жаҳлингдан тушганлигинг нишонасига,

Куйлаб бергил, Лаура.

Ҳа, мен бугун ҳар зарбнинг,
Ҳарбир сўзнинг ма'носини чертдим ўрнида,
Қалбим блан мафтун бўлдим илҳомга эркин,
Сўзлар ожиз хотиранинг меваси эмас,
Балки кўнгил чашмасидан қўйилди равон.
Бу гапинг ҳақ. У кўзларинг ҳамон чақнайди.
Ёноқларинг ҳамон ёнар, эрка шодлигинг
Вужудингни қопламишдир. Лаура, кўйла,
Севинчингнинг сўнишига йўл қўйма асло,
Бирор нарса куйла яна.

Созни беринглар.

(Гитарани олиб, куйлади)

Баракалла! Баракалла! Мислсиз гўзал!
Раҳмат сенга, сиҳргар қиз. Сен кўнглимизни
Мафтун қилдинг. Ҳаёт завқу-сафоларидан
Фақат севги қаршисида музика бандা;
Аммо ишқнинг ўзи куйдир.. Ана, назар сол,
Та'сирланди ҳатто Карлос — мағрур мекмонинг.
Бу не овоз! Жоннинг ўзи сингмишдир унга!

Кимнинг сўзи Лаура бу?

Дон Гуанники.

Гарчи испан бекзодаси бўлсанг ҳамки сен,
Фармон берсам, навкарларим бошингни олар.

Дон Карлос. (ўрнидан туради). Чақир ўша навкарларни.

Лаура, бас қил;

Дон Карлос, сен хафа бўлма. Эсини епти...

Нечун? Гуан, акасини қиличбозликда

Халол туриб ўлдиргани учунми? Афсус,

Ўлдирмапти бунинг ўзин.

Жаҳлим қўзгади,

Мен тентакман.

Лаура. Аҳа! Икрор бўлдинг ўзинг, бас,

Ана энди ярасамиз.

Кечир, Лаура.

Гуноҳкорман. Аммо ўзинг яхши биласан,

Унинг номин асло лоқайд әшитолмайман...

Лаура. Унинг номи ҳар лаҳзада тилимга келар,

Ўзинг айтгил, шунинг учун гуноҳкорманми?

Мекмон. Сен жаҳлингдан тушганлигинг нишонасига,

Куйлаб бергил, Лаура.

Лаура.	Ха, хайрлашамиз, Тун ҳам бўлди. Энди нима кўйласам экан?
Ҳамма.	Ҳа, тингланглар. (<i>Кўйлайди.</i>)
Лаура.	Жуда ҳам соз, мислсиз гўзал!
Меҳмоилар.	Хайр, энди, афандилар.
	Хайр, Лаура.

(Мехмонлар кетади. Лаура Дон Карлосни тўхтатиб қолади)

Лаура Эй сен шаддод, меҳмоним бўл бу кеча менинг,
Менга чиндан ёқиб қолдинг; ҳақорат қилиб,
Тишларингни тишларингга босар экансан,
Дон Гуанга ўҳшаб кетдинг.

(Лаура бошини қимирлатаб, севганилигини изҳор қиласди)

Жуда ҳамми?

Дон Карлос. Сен ҳозир ҳам севасанми?

Лаура. Шу лаҳзадами?

Шу наңзадамыт
Йүқ, севмайман. Икки ёрни сева олмайман.
Энди сени севиб қолдим.

Дон Карлос. Оди сени севио ҳолдим.
Айтгил, Лаура,
Неча ёшга кирдинг ҳозир?

Лаура. Үн саккиз ёшга.

Дон Карлос. Сен ниҳолсан... Яна беш, ё олти йилгача
Ниҳол каби яшнайсан сен. Теварагингдан
Яна олти йил аримас ишқибозларинг,
Улар сени эркалайди, тухфалар берид,
Кечалари куйлаб, ором бағишлайдилар,
Сени дея, катта йўлнинг чорраҳасида
Тўқнашишиб, бир бирларни ўлдирадилар.
Аммо фаслинг ўтажакдир, кўзларинг сўнар.
Қовоғларинг ажинларга тўлиб, қораяр,
Тундай қора сочларингга оқ оралайди,
Ҳамма сени кампир дейди; ўшанда, айтгил,
Сен ўшанда нима дейсан?

Лаура. Нима дер эдим?

Нечун бундай хаёлтлар? Гапингни қара!
Кел — айвонни очиб қүй. Күк шу қадар сокин.
Илиқ ҳаво ҳаракатсиз, тун қучогида
Анқиб ётар лиму блан дафна бўйлари.
Ой порлайди қорамтил тун кўкида равшан,
Сукунатдан дарак берар посбонлар саси.
Балки олис шимол ёқда — Парижда бу он
Булутлар-ла қоплангандири мовий осмон.
Балки совуқ ёмғир ёғар, аччиқ ел эсар.—
Бизнинг қандай ишимиз бор? Қулоқ сол,

Карло

Сендан талаб этаман мен, менга кулиб бок;
Қани, бир кул қани-қани!

Дон Карлос.

Эй азиз Иблис!

(Эшик тиқирлайди)

Дон Гуан. Ҳей, Лаура!

Лаура. Кимдир келган? Кимнинг товуши?

Дон Гуан. Эшикни оч...

Лаура. Наҳотки у?.. Ё раббим!..

(Эшик очилади. Дон Гуан киради)

Дон Гуан. Салом!..

Лаура. Дон Гуан!..

Дон Карлос. Ким? Дон Гуанми?

(Лаура ўзини Дон Гуаннинг бағрига отади)

Дон Гуан!..

Лаура, жоним!..

(Кизни ўпади).

Уйингдаги ким, Лаурам?

Дон Карлос. Мен, Дон Карлосман.

Дон Гуан. Кутылмаган бир учрашув! Мен эртагаёқ
Хизматингга тайёрдирман.

Дон Карлос. Йўқ, ҳозир — шу он.

Лаура. Дон Карлос, бас! Сиз кўчада эмассиз ҳозир,
Ахир, менинг уйимдасиз. Кетингиз дарҳол...

Дон Карлос (қулоқ солмайди). Ахир, сенинг қиличинг
бор. Мен кутаяпман.

Дон Гуан. Агар сабринг чидамаса, майли, мен рози.

(Улар олишадилар)

Лаура. Ҳой! Ҳой! Гуан!

(Лаура ўзини ётоққа ташлайди. Дон Карлос ишқилади)

Дон Гуан. Тур, Лаура, иш тамом бўлди.

Лаура. Нима бўлди? У ўлдими? Ўз уйимда-я!

Ана холос! Энди нима қиласман, шайтон?

Жасадини қайга ташлай?

Дон Гуан. Балки у ҳали

Үлмагандир.

Лаура (жасадни кўздан кечиради). Ўлмаганмиш! Ҳай,

муттаҳам, ҳай;

Юрагига тиф санчипсан — янгишмапсан ҳам,

Уч қиррали жароҳатдан ҳайто қои келмас,

Нафаси ҳам ўчиб қолган — сен нима қилдинг?

Ўзи шуни истади-ку. Мен нима қилдим?

Дон Гуан. Эҳ, Дон Гуан чиндан алам қиласди жуда.

Сен ҳамиша қилгиликни қиласан, лекин

Хеч гуноқкор бўлмайсан сен... Қаердан
келдинг?

Качон келдинг?

Ҳозиргина келдим яширив,
Ахир, ҳали гуноҳимни кечганлари йўқ.
Шу ондаёқ Лаурангни эсга олдингми?
Яхши нарса, яхши бўлур. Ҳа, энди етар,
Сенга ортиқ ишонмайман. Сен тасодифан
Уйни кўриб қолгандирсан, шу ердан утиб...
Йўқ, Лаурам, ишонмасанг, сўрай оласан,
Лепореллом айтиб берар. Шаҳар четида
Бир ла'нати қабристонни қўналға этдим.
Мен Мадридга Лаурани излаб келганман.

(Уни ўлади)

Азиз дўстим!.. Тўхта!.. Улил ҳузурида-я!..
Уни нима килсак экан?

Ишинг бўлмасин?

Эрта блан, тонг чорида ридога ўраб,
Уни мен бу ердан олиб чиқиб кетаман,
Чорраҳага ётқизаман.

Эҳтиёт бўлгил,

Сени яна бирор киши кўриб қолмасин.
Сен бир лаҳза кейин келиб, яхши иш қилдинг!
Ўртоқларинг зиёфатда эди шу ерда.
Ҳозиргина тарқалишиб улар уйимдан.
Яхши бўлмас эди агар рўбарў келсанг!
Айт, Лаура, қачон кўнгил қўйгансан бунга?
Кимга? Эсинг жойидами?

Иқрор бўл ҳозир,

Мен бу ердан кетганимдан бери неча бор
Бевафолик қилдинг менга?

Сен чи, тентагим?

Олдин сен айт... Майли, кейин суҳбатлашамиз!

УЧИНЧИ САҲНА

Командор ҳайкали.

Дон Гуан.

Ҳамма нарса тобора сөз; мен тасодифан
Дон Карлосни ўлдиргандан кейин, шу ерда
Дарвеш булиб яшириидим — мен энди ҳар кун
Бу чорбоғда кўрмакдаман гўзал бевамни,
У ҳам мени пайқагандир.— Шу пайтга қадар
Сипоҳ тутдик ўзимизни,— аммо мен бугун
Унинг блан сўзлашаман; бас шунча кутмоқ.
Гапни қандай бошлай? Ҳа, „Мен
ботинолдим..“ Йўқ;
„Сеньора...“ деб бошлайман... Э! Бошга не келса,
Мен ўшани айтаман-да, тайёргарликсиз,

Ишқ қүшиғин тұқучиси каби бемалол...
Энди кела қолса эди... Менимча, у сиз
Бу ерда күп зерикади ёлғиз командор.
Заб боҳодир сифат турар бу ерда мағрур!
Елкаларни қаранг! Қандай Геркулеснамо!
Мархұм пастибұй одам эди, жажжи ва тажанг;
Оәқ учин бунда босиб чүзсайди құлин —
Хайкалининг бурнига ҳам етказолмасди.
Ескуръялнинг ёнида дуч келганимизда,
Қиличимни бир қададим, нина санчилган
Чигирткадай қотиб қолди — ва лекин ўзи
Жасоратли, мағрур эди, руҳи шиддатнок...
Ха! Ана у.

(Дона Анна киради)

Дона Анна.

У яна шу ердадир. Отам

Ногоҳ келиб, фикрингиэни бўлдим шекилли.
Афв этинг.

Дон Гуан.

Мен, хоним, сиздан афв сўрайман.

Балки ғаму-ғуссанғизни бемалол, эркин
Ёзарқансиз, сизга халал берәётиран.
Йўқ, отажон, қайғуларим ўзимга аён,
Олдингизда дуоларим осмонга қадар
Хеч мони'сиз етиб борар — сиздан сўрайман,
Овозимга қўшинг азиз овозингизни.

Дон Гуан.

Дона Анна, мен сиз блан дуо ўқийми!
Бу қадарли саодатга лойиқ эмасман.
Менинг осий лабларим-ла сизнинг муқаддас
Сўзларингиз такрорлашга жур'ат этмайман —
Бошингизни аста эгиб, тун каби қора
Сочингизни оқ мармарга сочар экансиз,
Мен олисдан ихлос блан сизга боқаман.
Шундай гўзал бир фаришта бу мақбараға
Сирл - учеб келган каби түйилар менга,
Шунда қалбим бир изтироб блан ўртаниб,
Дуо келмас тилимга. Мен ҳайрон термулиб,
Гўзал малак нафасила ёнган, севгининг —
Кўз ёшидан баҳраманд бу совуқ мармарнинг
Соҳибини күп баҳтиёр дея ўйлайман.
Сўзларингиз кўп ғалати!

Йўғе, сеньора?

Менга ахир... Унутмангки...

Дона Анна.

Сабаб? Ёки мен

Дон Гуан.

Чиндан дарвеш эмасманми? Гуноҳкор садом —
Бу даргоҳда шунча баланд янгратасинми?
Шундай тўйдим... Мен ҳеччарса

Дона Анна.

тушунолмадим...

Дон Гуан.

Оҳ, англадим: сиз барини билиб олдингиз!

Дона Анна.

Мен нимани билдим?

- Дон Гуан. Я'ни, мен роҳиб эмас —
Дона Анна. Қошингизда тиз чўкаман, узур сўрайман.
Дона Анна. Ё раббим! Йўқ, туринг, туринг... Сиз кимсиз
ахир?
Дон Гуан. Мен бир бадбаҳт, оқибатсиз севги қурбони.
Дона Анна. Ё раббим! Қабр тепасида бу қандай сўзлар!
Кетинг ҳозир!
Дон Гуан. Дона Анна, биргина лаҳза,
Мен бир лаҳза қолай фақат!
Бирор келса-чи?
Дона Анна. Панжара берк. Бир лаҳзага ижозат беринг!
Дона Анна. Қани, айтинг! Сизга нима керакдир?
Дон Гуан. Ажал...
Майли ҳозир оёғингиз остида ўлай,
Шу чорбоққа дағн этилсин бечора таним;
Шу яқинга, сизга аэз бўлган қабрнинг
Яқинига эмас, балки нарироқ ерга.
Дарвозанинг яқинига, худ остонаяга;
Зулфингизни қўйи солиб, ёш тўқмак учун
Магрур ҳайкал сари келар әкансиз, токи
Либосингиз, обғингиз енгил тегаркан,
Мозоримнинг тошини сиз айланг баҳтиёр.
Дона Анна. Эс-ҳушингиз жойида-мас.
Дон Гуан. Ё, Дона Анна,
Телбаликнинг белгисими ажал тиламоқ?
Агар телба бўлсан, тирик қолмоқ истардим,
Қалбингизни тоза севгим отashi ила
Қўзғотишдан бўлаолар эдим умидвор;
Агар телба бўлсан эди, кечаларни мен,
Қўшиқ айтиб, уйқунгизни қилиб безовта.
Балконингиз қаршисида ўтказар эдим;
Агар телба бўлсан, сукут сақлаб ҳамиша
АЗоб чекиб юрмас эдим...
Дона Анна. Сизнинг сукутда
Юрганинг шуми ҳали?
Дон Гуан. Эй, Дона Анна,
Бир тасодиф йўлим очди, йўқса, сиз ҳеч он
Менинг ғамли сирларимни билмас эдингиз.
Дона Анна. Кўпдан бери мени севиб қолгансизми сиз?
Дон Гуан. Қачон севиб қолганимни ўзим билмайман,
Аммо ўша дамдан бери шу бир лаҳзали
Хаёт менга қимматлидир, ўшандан бери
Мен англадим толи' деган сўзнинг қадрини.
Дона Анна. Нари кетинг — сиз қўрқинчли одам әкансиз.
Дон Гуан. Нима учун?
Дона Анна. Мен қўрқаман сўзларингиздан.
Дон Гуан. Мен тинаман; фақат мени мангу қувламанг,
Сизни фақат кўриш ўзи менга саодат.
Мен бепарда ниятларни ўйламайман ҳам,

Сиздан ҳечбир нарса талаб қилмайман, агар
Менга яшаш насиб экан, сизни күрмагим
Керак.

Дона Анна.

Кетинг, бу ер бундай сүзлар ва бундай
Телбаликлар ўрни эмас. Эртага бизнинг
Үйга келинг. Агар мени ҳурмат қилишга
Онт ичсангиз, сизни қабул қиласман, фақат
Оқшом чори, балки яна кечроқ келасиз.
Бева бўлиб қолганимдан бери ҳечким-ла
Кўришмадим...

Дон Гуан.

Дона Анна, гўзал фаришта!
Сиз бугун бир бечорага таскин бергандек,
Тангри ўзи сизни қўллаб, берсин тасалли.

Дона Анна.

Энди кетинг.

Дон Гуан.

Яна қолай бир лаҳзагина.

Дона Анна.

Йўқ, мен ўзим кетақолай... Зотан тилимга
Оятлар ҳам келмай қолди. Сиз бу дун'ёвий
Гаплар блан банд этдингиз; менинг қулоғим
Бу сўзларга кўпдан бери бегона эди.
Сиз эртага келинг.

Дон Гуан.

Ҳамон ишонолмайман.
Ҳамон кўзим етмас баҳту-саодатимга...
Наҳот эрта сизни кўрсам!—
Очиқ-оидин!

Дона Анна.

Ха, эртага, куни эртага.
Исмингиз на?

Дон Гуан.

Диего де Кальвадо исмим...

Дона Анна.

Хайр энди. Дон Диего. (Кетади)

Дон Гуан.

Эй Лепорелло!

(Лепорелло келади)

Лепорелло. Нима хизмат?

Дон Гуан.

Азиз Лепорелло! Мен жуда
Бахтиёрман! Эртагаёқ — оқшомда, кечроқ...
Лепореллом, эртагаёқ — тайёрликни кўр...
Чақалоқдай баҳтиёрман!

Лепорелло.

Дона Анна-ла
Сиз сўзлаша олдингизми? Балки у сизга
Икки оғиз ширингина сўз сўйлагандир
Ёки уни дуо қилган бўлсангиз керак.
Лепорелло, йўқ, ундеймас! У менинг ила
Кўришмакни ва'да қилди!

Дон Гуан.

Йўғе, мумкинмас!
О, бевалар, барингиз ҳам шундай.

Лепорелло.

Мен баҳтли!
Мен куйлашга, бор жаҳонни қучишга тайёр.
Лепорелло. Командор-чи? Бунга нима дейди командор?

Дон Гуан. У рашк ичра ёнади деб ўйлайсанми сен?
Йүқ, бундаймас; у ақлли-хушли бир одам,
Итоаткор бўлиб қолган ўлгандан бери.
Лепорелло. Йүқ; командор ҳайкалига бир назар ташланг.
Дон Гуан. Нима бўпти?
Лепорелло. У сиз томон тикилиб, гўё
Зарда қилган каби.
Дон Гуан. Қани, бор, Лепорелло,
Унга айтгил, меникига марҳамат қиласин,
Йўқ, эртага — Дона Анна уйига борсин.
Лепорелло. Ҳайкал меҳмон бўладими? Нечун?
Дон Гуан. Аёнки,
Дона Анна блан суҳбат қилгали эмас;
Ҳайкалга айт, эртагаёқ, кечроқ келсину,
Дона Анна эшигининг остонасида
Эшикбонлик қилиб турсин.
Лепорелло. Ҳазилни қўйинг.
У ўлик-ку!
Дон Гуан. Бор дедим, бор.
Лепорелло. Лекин.
Дон Гуан. Тезроқ бор.
Лепорелло. Эй шарафли, эй чиройли, ажойиб ҳайкал!
Афандим Дон Гуан сиздан ўтиниб сўрар,
Ташриф қилиб... Худо урсин, гапиролмайман,
Кўрқиб кетдим.
Дон Гуан. Кўрқоқ! Шошма!
Лепорелло. Марҳамат қилинг.
Афандим Дон Гуан сиздан ўтиниб сўрар.
Сиз эртага рафиқангиз уйига келиб,
Дарвозада соқчи бўлинг...

(Ҳайкал бошини қимирлатиб, розилигини
 билдиради)

Вой!
Дон Гуан. Не гап?
Лепорелло. Вой! Вой!..
Вой!.. Ўламан!
Дон Гуан. Сенга нима бўлди, нима гап?
Лепорелло (бошини тебратади).
Ҳайкал... Вой, вой!..
Дон Гуан. Унга та'зим қиласанми?
Лепорелло. Йўқ!
Мен эмас, у!
Дон Гуан. Қўй, бўлмаган, беҳуда гапни!
Лепорелло. Ўзингиз бир боринг.
Дон Гуан. Сени қара, лўттибоз

(Хайкалга)

Командор, мен ўтинаман сендан, эртага
Бева қолган хотинингнинг ҳузурига бор.
Мен бораман. Сен эшикда соқчи тур. Хўпми?

(Хайкал яна бошини қимирлатади)

Ё раббим!

Лепорелло.
Дон Гуан.

Хўш? Айтмадимми...

Қани, кетамиз.

ТЎРТИНЧИ САҲНА

Дона Аннанинг хонаси

ДОН ГУАН ва ДОНА АННА

Дона Анна. Дон Диего, сизни қабул қилдим мен; фақат
Қўрқаманки, менинг дардли суҳбатим сизни
Зериктириб қўймаса деб, бечора бева
Унутолмас ҳамон оғир мусибатини.
Кўз ёшларим жилва блан қўшилар экан,
Апрель ойин эслатади. Нечун жимсиз?

Дон Гуан. Мен

Гўзал Дона Анна блан хилватда қолиб,
Висол завқи блан мастман. Сизни бу замон
Бахтили ўлик мақбараси қаршисида-мас,
Мармар ёрнинг ҳузурида тиз чўккан ҳолда —
Эмас, балки ўз қошимда кўриб турибмав.

Дона Анна. Дон Диего, шунча рашкли экансиз — эрим
Сизни ҳатто қабрида ҳам қийнамоқда.

Дон Гуан. Мен —
Сра ҳам рашк қилмаслигим керак. Сабабли,
Сиз ўзингиз уни танлаб эр қилгансиз.

Дона Анна. Йўқ,

Дон Альварга онам эрга берган мажбуран,
Биз камбағал, Дон Альвар бой эди бағоят.
Бахтиёр эр! У қуп-қуруқ хазиналарни
Олиҳанинг оёғига тўкиб, шунингчун
Жаннат завқу-сафосини сурипти! Агар
Аввал билган бўлсан эдим сизни, мен бутун
Шавкатимни, бойлигимни биргина қувноқ
Боқишингиз учун буткул бағишлар эдим;
Мен муқадлас фармонингиз қули бўлардим,
Барча эрка ҳавасингиз ёд қилиб олиб,
Ҳеч ўринсиз қолдирмасдим; бутун умрингиз

Сиҳру эъжоз блан тўлар эди муттасил.
Эвоҳ! тангри менга бошқа қисмат ёзибди.

Дона Анна. Диего, бас; сизга қулоқ солсам, гуноҳим
Яна ортар — сизни севмак мен учун маҳол,
Қабрга ҳам бева содиқ бўлмоғи керак.
Дон Альварнинг мени қандай севганлигини
Сиз билсангиз эди! О, Дён Альвар мабэдо
Бева бўлиб қолса, бирор ма’шуқани ҳеч
Қабул қилмас — рафиқаси муҳаббатига
Содик бўлиб қолар эди.

Дон Гуан. Мени қийнаманг.
Дона Анна, эрингизни ҳамиша эслаб
Юрагимни азобламанг. Шундай жазо бас,
Шу жазога гарчанд лойиқ бўлсам ҳам.

Дона Анна. Нечунг?
Шариатнинг қонунлари сизни ҳечким-ла
Боғламаган — тўғримасми? Мени севсангиз,
Менинг ҳамда худованднинг олдида ҳақсиз.
Олдингизда? Ёраб!

Дон Гуан. Менинг ҳузуримда сиз
Дона Анна. Бирор гуноҳ қилганмисиз? Айтинг, нечун.
Дон Гуан. Иўқ.
Хеч айтмайман.

Дона Анна. Диего, бу жуда ғалати!
Хуэуримда ноҳақмисиз? Нечун, айтингиз.

Дон Гуан. Иўқ! Айтмайман!
Дона Анна. Диего, бу жуда ғалати!
Мен сўрайман, сиздан талаб этаман.

Дон Гуан. Иўқ, иўқ.
Дона Анна. Ҳа! Шунчами сизнииг менга итоатингиз!
Шу соатда менга нима деган эдингиз!
Менинг қулим бўлмакликни истадингиз-ку,
Жавоб беринг, Диего: мен хафа бўламан,
Менга қарши қандай гуноҳ?

Дон Гуан. Жур'ат этмайман.
Агар айтсам дарҳол мендан нафратланасиз,
Иўқ, иўқ. Сизни ҳозирданоқ афв этаман,
Аммо билмак истайман мен...

Дон Гуан. Асло истаманг.
У даҳшатли, аянч асрор — сир бўлиб қолсин.
Дона Анна. Аянч асрор! Менга азоб бермакдасиз сиз.
Мен қўрқмайман, айтинг ҳозир, қандай асрор у?
Қандай қилиб этолдингиз мени ҳақорат?
Аввал сизни билмас эдим — душманларим иўқ,
Илгари ҳам бўлмаган. Бир ду шиним фақат
Ўз эримнинг қотилидир.

Дон Гуан (ўзича). Иш бўлар тамом!
Менга айтинг: бахти қора Дон Гуани сиз.
Аввал танир эдингизми?

Дона Анна. Йўқ, мен ҳеч қачон
 Уни кўрган эмасман.
 Дон Гуан. Сиз юрагингизда
 Унга ёвлик сақлайсизми?
 Дона Анна. Номус туфайли.
 Аммо мени, Дон Диего, сиздан сўраган
 Саволимдан чалғитишга уринаяпсиз,
 Сиздан талаб этаман мен...
 Дон Гуан. У Дон Гуанни
 Учратсангиз нима қилар эдингиз?
 Дона Анна. Ханжар —
 Санчар эдим қора қалбига.
 Дон Гуан. Дона Анна,
 У ханжаринг қани? Мана қалбим?
 Дона Анна. Диего!
 Бу нимаси?
 Дон Гуан. Мен Диего эмас, Гуанман,
 Дона Анна. Ераб, йўқ, бу мумкин эмас, мен ишонмайман.
 Дон Гуан. Дон Гуан мен.
 Дона Анна. Тўғри эмас.
 Дон Гуан. Сенинг эрингни
 Мен ўлдиридим, ачинмайман қилган ишимга,
 Тавба қилиш ниятим йўқ, пушаймон бўлиб.
 Нималарни эшиздим мен? Йўқ, йўқ, мумкинмас.
 Мен Дон Гуан, сени чиндан севиб қолганман.
 (ийқилади). Қаердаман?. Қаердаман?... Бошим...
 Дона Анна. Ё худо!
 Дон Гуан. Нима бўлди? Дона Анна, сенга не бўлди?
 Дона Анна. Тур, тур уйғон, эсингни йиғ; сенинг Диегонг,
 Дон Гуан. Қулинг оёқ остингдадир.
 Дона Анна. Мени тинч қўйгили.
 (Ожизона)
 Оҳ, сен менга ёвсан — менинг ҳаётимдаги
 Бор нарсамни тортиб олдинг —...
 Дон Гуан. Э азиз малак!
 Гуноҳимни ювмакликка ҳар он қодирман.
 Фармонингни кутмакдаман оёқ остингда,
 Майли — ўлдир, майли — қолдир, фақат сен учун
 Мен яшайман...
 Дона Анна. Дон Гуаннинг ўзи шу, демак...
 Дон Гуан. Дона Анна, рост эмасми, уни бир ёвуз,
 Ва йиртқич деб та'рифлаган эдилар сизга,—
 Балки буткул ноҳақ эмас бундай овоза,
 Менинг ҳорғин виждонимда ҳали ҳам балки
 Ёвуэликнинг асари бор... Узоқ вақт фаҳшнинг
 Кўп ғайратли талабаси бўлиб юргандим.
 Аммо сизни кўрганимдан бери гўёеки
 Бу дун'ёга янги инсон бўлиб туғилдим.

Сизни севиб, яхшиликни севиб қолдим мен,
Үз умримда биринчи бор унинг олдида
Сиҳрланиб ва қалтираб тиз чўкмакдаман.
Дона Анна. О, Дон Гуан сўзга моҳир — буни биламан.
Эшитганман; ҳийла блан йўлдан ураркан.
Сизни ҳамма худосини сотган фаҳш дейди,
Сиз иблиснинг худди ўзи. Қанча бечора
Хотинларни бузгандирсиз?

Дон Гуан.

Бирортасини

Шу вақтгача севмаганман.

Дона Анна.

Мен шу Дон Гуан

Биринчи бор севади-ю, менда яна бир

Янги қурбон изламайди деб ишонайми!

Дон Гуан.

Хаёлимда бўлса эди сизни алдамоқ,
Эшитишга тоқатингиз бўлмаган номни
Айтармидим, бўлармидим шу йўсин иқрор?
Қандай макр, ҳийла бордир ахир бу ерда?

Дона Анна.

Сизни билиб бўладими?— Аммо сиз қандай
Келолдингиз, сизни ҳамма танир бу ерда

Ўлимингиз муқаррардир қўлга тушсангиз.
Ўлим нима? Бир лаҳзалик висол завқига
Ҳаётимни шикоятсиз бераман.

Дона Анна.

Энди

Қандай чиқиб кетасиз, эй эҳтиёти йўқ!

Дон Гуан.

(Унинг қўлини ўлади)

Сиз бечора Гуан учун шунчалик ташвиш
Чекасизми! Демак, сенинг малак қалбингда,

Дона Анна, менга нафрат йўқ экан, ростми?
Оҳ, агар мен сизга нафрат сақлай олсайдим!

Дон Гуан.

Аммо ҳозир лозим бўлди бизга айрилмоқ.

Дона Анна.

Яна қачон кўришамиз?

Билмайман, балки

Бошқа бир кун...

Эртагачи?

Дона Анна.

Қайдар?

Дон Гуан.

Шу ерда.

Дона Анна.

О, Дон Гуан, менинг кўнглим ниҳоятда бўш.

Дон Гуан.

Афв этмоқнинг гаровидир беғараз бўса...

Дона Анна.

Етар энди, кет.

Дон Гуан.

Биргина, совуқ, беозор...

Дона Анна.

Сен нақадар елимсан? Ол, бўсани майли.

Қандай товуш?.. Оҳ, панага қочгил, Дон Гуан.

Дон Гуан.

Хайр, энди кўришгунча, эй азиз дўустим.

(Хонадан чиқади, яна қайтиб югуриб киради)

Оҳ!

Дона Анна. Ҳа, сенга нима бўлди? Оҳ!..

(Командорнинг ҳайкали киради. Дона Анна
ерга йиқилади)

Ҳайкал.

Дон Гуан.

Ҳайкал.

Дон Гуан.

Ҳайкал.

Дон Гуан.

Э воҳ тангри! Дона Анна!

Уни тинч қолдир,
Бас, вассалом. Дон Гуан, сен бунча титрайсан?

Менми? Асло. Ҷақирганман, кўрдим,

хурсандман.

Қўлингни бер.

Мана қўлим... Тош панжаларнинг
Амбур каби сиқувидан омон йўқ, э воҳ!
Менга тегма, қўйиб юбор менинг қўлимни,
Мен ўламан — бари тамом — оҳ, Дона Анна!

(Иккови ағдарилиб тушади).

А. С. ПУШКИН ШЕРЛАРИ

ЧААДАЕВГА АТАБ

Севги, умид, мәғрүр шұхрағ орзуси
Бұлмади овунчоқ биэга күп замон.
Үтди ёшлигымиз ўйин-кулгиси
Гүёки түш, гүё тонгдаги тумон.

Аммо жұшар ҳали орзумиз бизнинг,
Шумли салтанатнинг зулми остида —
Тұзимсиз қалбимиз талпинишида
Тинглармиз да'ватин ватанимизнинг.

Ошиқ йигит шириң хилват дамини
Зориқиб күтгандай, бўлиб ниғорон —
Муқаддас озодлиғ минутларини
Ишончла кутамиз энтиқиб ҳамон.

Ҳали әрк майлида ёнар әканмиз,
Юрак ҳаёт әкан номусга-шонга.
Дүстгинам, ватанга жонни тикканмиз,
Кўнгил орзулари бағиш ўшанга.

Дүстим, ишон: шаксиз болқиб қолқажак,
Дилбар бахтиёрлик ёруг юлдузи.
Россия уйқидан тез уйғонажак,
Ҳам ҳокими мутлақ вайронасига
Бизнинг номларимизни албат ёзажак.

1818

СИБИРЬГА МАКТУЙ

Сибирь конларининг тагида
Магрур сақтай олингиз чидам:
Ғамгин захмат кетмас беҳуда —
Юксак хаёл, амалингиз ҳэм.

Баҳтсизликнинг содиқ синглиси —
Умид қора чуқурда, ионн,
Қўзғар ғайрат, қувноқлик ҳисси,
Келур орзу этилган замон.

Мушкил жазо инларингизда —
Озод товушим етган сингари.
Қопқоқлардан ўтиб ичкари —
Севги, дўстлик етади сизга.

Парчаланур оғир кишанлар,
Зиндов қулар ва эрк шодумон
Пешвуз бўлур эшикда у он,
Қилич берур тағин ёронлар.

1827

МИРТЕМИР·
тарж имаси.

АНЧАР — ЗАҲАР ДАРАХТИ

Офтобнинг ўтли газаби
Қовжиратган хасис саҳрода
Анчар, қўрқинч посибон каби
Қаққайгандир, якка дун'ёда.

Ташна чўллар хилқати уни
Түққан эди қаҳрли кунда,
Томирларга бериб оғуни
Ўлик шохлар асради бунда.

Томар экан пўстлоқдан заққум
Пешингача ҳамон эрийди,
Оқшом эса шаффоф, қуюқ мум —
Каби қотиб тамом қурийди.

Унга қуш ҳам, қоплон ҳам келмас,
Фақат ба'зан қора гирдибод
Тўқиниб бу дараҳтга бир пас —
Қочиб кетар сассиқ ва барбод.

Мабодо ул сим-сиё, бенур
Баргларига булут қуйилса,
Бутоқлардан заҳарли ёмғур
Егар ўтли құмларга роса.

Лекин бир кун одамни одам
Сен анчарга бор деб буюрди,
Итоат-ли йўл олди ул ҳам,
Эртасига заҳар келтириди.

Ўлим муми ва барги сўлган
Бир бутоқни келтириди инсон,
Унинг сўлғин пашонасидан
Тер оқарди нақ — чашмасимон.
Келтириди тўбсизланди ул
На йиқилди чодир олдида,
Ўлиб кетди шу бечора қул
У ҳокими — қодир олдида.

Бек ўзининг ром ўқларига
Югуртириб берди оғуни,
Қўшниларнинг ёт диёрига
Отиб сочди ўлим ўқини.

1828

ШАЙХЗОДА
таржимаси.

.. Қайтадан келдим
Ёруғликнинг бу гўшасига—
Сезилмаган у икки йилни
Кувғин бўлиб кечирган жсйга.
Ун йил ўтди ўша замондан,
Менинг учун ушбу ҳаётда
Кўп ўзгариш бўлди. Ўзим ҳам
Бўйинсиниб умум қонунга
Узгаргандим,— бу ерда тагин
Ўтмиш илдам қучоқлар мени.
Кеча юрдим шекиллик сарсон
Бу толзорда...

Мана осий уй—
Фарид момам ила яшардим.
У йўқ энди, девор оргида
Эшитилмас оғир қадамлар.

Кечалари бошим устида
Үтиrmайди бўлиб парвона...
Мана толзор тепа, кўпинча
Қимирламай ўтирадим ман.
Боқар эдим кўлга шу ердан—
Эслар эдим ҳасратга чўмид
Ўзга қирғоқ — ёт тўлқинларни...
Олтин дала, яшил яйлоқлар
Ўртасида ёйик, кўм-кўк кўл:
Аваисиз сув узра балиқчи
Судраб юзар ғариб тўрини.
Ёнбағрида, кўл қирғонида
Кўринарди тарқоқ қишлоқлар.
Ундан нари қийшиқ тегирмон—
Қанотини зўрга кўтарган,
Айланади шамол зарбида.
Бобо мулки чегарасида,
Тоққа қарай йўл чиққан жойда
Ёмғур ювган учта қарагай
Тураг,— бири анча нарида.
У иккисин ораси яқин:
Ойдин, ёруғ кеча қўйнида
Мен ўтгандан булар ёнидан,
Баргларининг шитирлашлари,
Таниш садо мени қутлаган...
Ўша йўлдан ўтдим яна мен,
Яна кўрдим қарагайларни
Қўз олдимда... ҳамон ўшалар,
Ўша ошна шарпа келади.
Аммо, кўхна илдизларининг
Ён-верида (бир чоқ бўш эди).
Ёш новдалар ўсипти энди,
Кўк оила, қалин шохлари—
Соясида чўзишибди бўй,
Гуё унинг болалари дай...
Узоқларда битта тумрайган
Қўш қарагай дўсти туради.
Эски бўйдоқ, сўққабош, танҳо—
Илгари бир кўрганим каби
Айланаси бўш.

Салом бўлсин—
Таниш эмас новқирон насл.
Мен кўрмасман, сенинг қудратли
Бўй чўзишинг сўнгги замонда;
Менга ошна қарагайлардан
Юксалганда, ўзиб ўтганда;
Менга ошна қарагайларининг
Бошларига соя тўкканда,
Ўтганлардан беркитганингда,

Мен күрмасман, броқ неварам
Дўстона бир сухбатдан қайтиб
Хуш ва хурсанд фикрга тўлиқ—
Ёнингиздан тунда ўтганда.
Саломлаган шовқинингизни
Эшитар ва хотирлар мени...

1835

МИРТЕМИР
таржимаси.

* * *

Ҳаёт сени алдаса агар,
Қалб ўртама, ҳеч чекма захмат.
Дардли кунга қилгил қаноат,
Инон, қувноқ кунлар ҳам келар.
Дил келажак ишқида яшар,
Бу кундаги ғам чекиш, қадар
Бир лаҳзалик, ҳаммаси ўтар.
Неки ўтса, ўша му'табар.

* * *

Азалдан севаман, қиличлар сасин;
Илк ёшдан мухлисман жавғ шуҳратига.
Мафтунман урушнинг ҳароратига,
Улим ҳам ёқимли туюлар бутун.
Ким ёшлиқ йиллари, озодликни деб,
Содиқ жангчи бўлиб кўрмапти ўлим,
У шодлик тотидан мутлақо маҳрум,
Хотин нозига ҳам эмас муносиб.

К Ү З Ё Ш И

Кеча, қуюб арғувон бода,
Гусар блан ултирас эдим.
Ўйчан ҳасрат бўлса зиёда,
Узоқ йўлга термулар эдим.
„Нега боқдинг йўлга бунчалик?—
Бериб қолди гусарим сўроқ.—
Шукур қилки, бу йўлга ҳали
Дўстларингни кузатганинг йўқ“.
Шу чақ эгиб кўксимга бошим
Дедим унга оҳиста: — „Гусар.
Менингла йўқ эркам, йўлдошим.“
Жим қолдим оҳ, дилни ғам эзар,
Кипригимга тизилган кўзёш

Томчи-томчи қадағға оқди.
„Қиз учунми шүнчалик йиғлаш?
Уял!“ деди гусар, тутақди.
„Құй, қалбимни тирнама, гусар,
Күймаганга үхшайсан ҳали.
Хайқот, томчи күзёши етар
Бир қадағни зақарлагали.“

Ч О Л

Киборлар олами тонг қолғав
Серзәвқ ошиқ мен әмас әнди.
Бағор, өзім ох, ўтиб бўлган,
Иzlари ҳам кўринмас әнди.
Ёшлик йиллар тангриси Амур
Сенинг содиқ мухлисинг әдим.
Агар қайта туғилсам, билур —
Эдим қандай хизмат қилмоғим.

*ШУҲРАТ
таржимаси.*

МИРЗА ФАТАЛИ ОХУНДОВ

А. С. ПУШКИННИНГ ЎЛИМИ ҲАҚИДА ШАРҚ ПОЭМАСИ¹

Улур рус шоъри А. С. Пушкин фақат Европа ҳалқларининг тишина
эмас, балки Шарқ ҳалқларининг ҳам маданият ва адабиётига баракали
та'сир кўрсатган буюк сан'аткордир. Бу ҳалқлар инчидан етишиб чиққан
ёзучилар, сан'аткорлар ўз ижодларини камолга етказишида, рус ада-
биёти ва сан'атидан унумли фойдаландилар. Ана шундай кишиларниң би-
ри—Озарбайжон ҳалқининг буюк демократ ёзучиси, мутафаккири Мирза
Фатали Охундовдир.

М. Ф. Охундов (1812—1878) А. С. Пушкин билан замондошdir. У
Шарқ ҳалқларининг маданий меросини тўлиқ эгаллаган, рус тили, адабиё-
тини ва у орқали Европа ҳалқларининг адабиёти ва сан'атини
пухта ўрганган, ўз даворининг оғирликларини Пушкин сингари
ҳис этган ва чоризм истибододига қарши актив курашган иљгор фикрли
кишилардан бири эди. У 1837-нчи йилда Пушкинниң ўлдирилишини
эшитар экан, «А. С. Пушкинниң ўлими ҳақида шарқ поэмаси» деган
машҳур асарини ёзди. Бу унинг поэтик ижодининг илк мевасиiddir. Мир-
за Фатали бу асарда рус фани, адабиётига ва Пушкинга бўлган сами-
мий муҳаббатини, шунинг билан бирга, шоирнинг қотилларига иисбаган
қаттиқ газабини баён қилди. У буюк шоирнинг фожиасини қонхўр қо-
тилларнинг қўли билан ўюштирилган оғир жиноят деб атади. Аммо буюк
шоирнинг асарлари узоқ асрлар давомида ҳам ўлмаяжак, деди.

Биз М. Ф. Охундовнинг ана шу поэмасини ўзбек тилида босамиз.

Қоранғи тун, кўзларимга уйқи бермайин,
Деяр эдим: „Сир гавҳарин кони, эй кўнгил,
Нима бўлди, гулшанингнинг булбули ғамгин?
Нима бўлди, сўз тўтиңг лол; нутқиз, малул?..
Назминг йўли боғланибди, нимадир сири?
Нима бўлди, хаёл отинг қолди бемадор?
Баҳор келди, бок, табиат қизин ҳарбери
Ўз жамолан бир безакла этиди изҳор...
Бинафшалар безак бўлган ҳарбир қирғоққа,
Гулзорларда олов каби ёнади гуллар.

¹ Автор бу поэмани форс тилида ёзган бўлиб, Озарбайжон тилида насрни
таржимаси ҳам бордир. Биз ўзбек тилига таржима қилишда ана шу ҳар иккни ну-
хадан ҳам фойдаландик.

Чўл келини безанибди; унга сочмоққа
Богнинг шоҳи этагида ғунча инжулар.
Фунчалар — тож бошларида дараҳтлар шоҳин,
У виқорла туар; сусан ва нилуфарлар —
Амалдорлар каби, тўла шабнам шаробин
Лолаларнинг қадаҳида такрор ичишар...
Ёсумонлар гулзор саҳнин безабти шундай:
Қамашиқдан боқа олмас хумор кўз нарғас.
Кеэзучига „Хуш келдингиз, меҳмон!“ дегандай,
Чимдимида гул япрогин тутар булбул, маст...
Гулшанларга сув сепмоққа булатлар шошар,
Тонг насими ҳар томонга пуркар гулобин.
Саҳар файзи, наш'асидан қушлар нағмагар:
Эй, табиат гўзали, йирт чанглар ниқосин!
Жонли зотнииг ҳарбири ҳам, не ҳунари бор,
Бу бозорда ўз матоин қилмиш намоён.
Бири ҳусни, ишвасила бўлар жилвадор,
Бири эса ўз ишқидан чекади фифон...
Ҳамма шодлик ва завқ блан яшайди буткул,
Бу фаслда ғам-ғуссадан осуда ва тинч,
Сенки, фарах ва шодликдан маҳрум, эй кўнгил,
Ёки сукут уйқисидан уйғонмайсан ҳеч?..
Мафтун этмас сени ҳавас, на бирар дилбар?
На шуҳратга, на шे'рга—сенда қизиқмоқ?
Нўқса, фикринг денгизидан тизиб инжулар,
Безардинг-ку ма'но қизин сен ҳам гўзалроқ?
Нимадандир тутқунлигинг қайғинг сабаби?
Англамадим, малуллигинг, айтгин, қаердан?
Нима бўлди, мотамзада дийдалар каби
Ёш тўқасан, оҳ тортасан, тушкун, ғамгинсан?..
Кўнгил деди: „Эй, мунисим, менинг йўлдошим,
Бундан сўнгра ўз ҳолимга мени қўй мангу!
Оғир мотам қайғусидан солинди бошим.
Мафтун этмас на ҳой-ҳавас, на кўзи жоду!
Гўзал баҳор насимининг ортидан ҳазин
Куз шамолин келишини билмасам эдим,
Бу курашда, шуҳрат учун сўз суворисин
Шону-шуҳрат қиличини тақиб безардим.
Аммо менинг замонамнинг бевафолиги,
Ғадорлиги, оқибати—менга ма'lумдир!
Кенг далани кезиб-кезиб бир тариқ учун,
Домга тушган қуш қандайин ақлли бўлур?..
Шону-шуҳрат ва ҳунарнинг овозасини
Бу бесукут кўк гумбазда ногорадай бил!
Чиқар бошлан бошқа орзу-ўй ҳавосини,
Бу кажрафтор фалак амри ма'lумдир буткул!
Бўлмаса сен, эй дун'ёдан бехабар инсон,
О, Пушкиндан бирар хабар эщитмасмидинг?
Сўз мулкининг қўшинига эди қўмондон,

У шўрлининг тақдиридан рамз этмасмидинг?..
Унинг чуқур ма'но тўла ше'ларига
Ҳар тарафдан юксаларди та'рифлар саси.
Ҳатто қоғоз одлоқ бетин қора қилишга
Шошиларди,—қаламига майдон бўлгали...
Хиром этса товус каби унинг хаёли,
Сўздан минг хил ранг кўрсатиб, товланар эди.
Ломоносов безаб кетди назм богини,
Пушкин гўзал хаёллари шундан бойиди.
Державин сўз ватанини фатҳ этган бўлса,
Бу юртга ҳукм ва низомни Пушкин юритди.
Карамзинки, илм майдан тўлатди коса,
Бу қадаҳдан лим-лим майни Пушкин нўш этди.
Унинг оқил, фозиллиги, нурдай бемалол,
Хитойдан то Татаргача—дун'ёни тутди.
Шарқлиларга баҳт кўрсатгич бўлгандай ҳилол,
У Шимолнинг осмонида ёруғ юлдузи...
Шундай қобил, ақли расо, доно ўғилни
Етти ота ва тўрт она туғмаган эди.
Таажжубки, мендан эшиш, шу ота-она
Шундай азиз фарзандини қасдан мавҳ этди.
Унинг танин ўлим ўқига нишон этдилар,
Минг таассуф, жон томирин жаллодлар кесди.
Ва шуларнинг амри блан қора булуғлар
Ҳаёт боғин мевасини тўқди, йўқ этди.
Ажал ели сўндирипти руҳ чирогини
Пок жисмининг шабистони бўлди зим-зиё.
Кекса боғбон боғ саҳнидан қад ниҳолини
Зулм-стам болтасила кесибди, эвоҳ!..
Ақл тўла боши бўлди илонларга ем,
Илон каби замонанинг қўллари блан.
Унинг та'бин булбулига нағма баҳш этган —
Қалб ғунчасин тупроғидан кўкарди тикан!
Руҳин қуши учди тани—ош'ёнидан,
Еш-қарини оғир ғамга айлади йўлдош.
Қайгу ичра янграп садо Рус тупроғидан:
„Жинояткор, қотил қўллар ўлдирди рўйрост!..“
Бу жодугар, эски тақдир найрангларидан
Қутқазмади тилисминг ҳам, бермади бардош,
Ўзоқ кетдинг ердаги ёр ва дўстларингдан,
Кўкда бўлсин ҳақ раҳмати сен блан йўлдош!
Боқчасарой мулкидаги икки гулингнинг
Атрин сепар қабринг узра баҳор сабоси.
Мотамзада „чол“ Кавказдан ше'ларингнинг
Янграб ётар асрларга акси-садоси!

1837 йил

М. БОБОВ
тиражаси

И. НОВИКОВ

ГРЕКЛАР ҚҰЗГОЛОНИ

(„Пушкин құвғында“ романыдан парча)

Пушкин Каменкадан тезроқ жұнаб кетишігә қанчалик шошилса ҳам, қишлоқнинг түпроғы оғирлик қилиб қолди.

Қишлоқ ҳаёти аввалгидай шошмасдан, уйқили күзларини очмасдан ўтарди. Ака ука Давидовлар Киев ларзасидан кейин ҳузур қилиб истироҳатта берилдилар. Сигирнинг харом ўлгани, ўт түшгани, сув түғонни ўпиріб кетгани каби ажамиятсиз ҳодисалар өтиборга олинмаса, тамом осойишталиқ ҳукм сурар, бу осойишталиқка эса Кишинёвдан келаётган ҳархил ташвипли овозаларғына ҳалақит берар әди. Ҳали ис'ён бошланмаган, лекин Александр Испиланти укалари блан Россия чегарасидан ўтган зоҳоти у ерда ҳалқ ғовури бошланған. Боярлар, зили-замбил бўлиб ўтирган ўз мулкларидан құзғалиб, Бессарабияга йўл олганлар. Бу нарсалар Пушкинни безовта қилмай қолмади, уни ҳам жойидан құзғатди.

Қайтиб келган дастлабки кунлардаёқ, уни яна ғусса ва ёлғизлик сиқинтиси чўлғаб қолди. Шу ерда, худди мана шу ернинг ўзида, ўтган ва хотирида қаттиқ сақланиб қолган кеча, бир баҳтсизлик каби эсига тушиб, уни ларзага келтирди. У ўзи ҳақидаги: „Яланғоч новдалар ёлғиз — Титрайди япроги ожиз“ деган шे'рини қайта-қайта айтар ва янада кучайтирас әди... Бунинг ёлғиз Екатерина Николаевнагагина оид әмаслигини шу ерда яна ҳам чуқур ҳис әтди... Бир вақтлар ҳам мажлисдан кейин бутун вужудини титратган шундай ёлғизлик алами блан юрганича боққа чиқиб кетгани әди. Ҳозир ҳам худди ўшандай қилди...

Унда бу хил ҳолатлар тез тез бўлиб туради. Рұхий ҳислари бутун борлигини ўраб олган кезларда ҳам ақлу-хушидан, қилиб турган фикридан ажралмайди. Лекин ба'зан ҳислари қалбининг өнг чуқур жойларидан бош күтариб чиқади-да, ма'лум фурсат ўтгандан кейин ўз ше'ларини ўқиб, бирдан бошқа ма'нолар топади. Ана шундай кезларда уларни достонга киритмаслик керак деган қат'ий қарорга келади.

Лекин Раевскийларни ҳам эсдан чиқазаолмади. Уннинг ҳамма еридан Киев ҳаво и әнқиб турар, бутун уй, бутун ояла уни бир өханграбо каби ўзига тортар әди. Хотираларини бир-бир хаёлдан

үтказар, тақдирдан нолир, бўлиб ўтган ҳақиқий майдо ва хаёлдаги катта хижолатпазликлар учун ўзини койир эди.

У шу ҳолатда сра ўзига ўхшамай кетарди.

Лекин гулгун қилиб юборган қўлбозмаси блан яккама-якка қоларкан, яна ўзлигига қайтарди. Сезилмас бир табассум лабларида жилвалайди. Қўли блан ҳаракат қилади ва ўйга ботгандай шундай ҳотиб қолади; кейин бармоқлари қимирлайди, у яна ёзади. Шунда лаблари бир-бирига маҳкам қисилади, жиддий тус олади. Ҳис ва фикр, ирода ва эҳтирос, — ҳаммаси бир ажойиб меҳнат қўшини. У шу ҳолатда тўлиб-тошади. Бутунлай ўзлигига қайтади: қудратли ва ҳимматли, қидиручи ва топучи бўлади. Қидирганини топиб қофозга кўчиради, шу блан бирга ўзини ҳам топади.

Унинг Каменкада кечирган сўнгги кунлари ишхонага айлантирилган хилват биллиард бўлмасида ўтди. „Кавказ асири“ни тамомлаш ва жилолаш блан машғул бўлди. Иш оғир эди, лекин у шоирни ҳолдан тойдирмадигина эмас, балки, аксинча, унга янги кучлар берди. Фусса ўрнига ажойиб, тароватли сурур пайдо бўлди. Қалбиди нур чароған экан, қандай зулмат бўлиши мумкин эди? Ўзинг ҳар кунги ишингда тўсқинликларни муттасил синдириб борар экансан,— синдира ва яна янгидан ясар экансан, қандай „баҳтсизлик“ қаддингни синдираолсан!

Мана, қўлбозма тайёр. Пушкин сопла-соғ, қалб хасталиклари гўё бўлмагандек. Энди жўнаш, тездан жўнаш керак!

Пушкин уй эгалари блан хайрлашди, улар шоирни жон-диллари блан қабул қилган эдилар. Лекин Каменкада қолган одамлар ичидаги фақат Адельгиниа Пушкин хаёлларига ҳамроҳ бўлди.

— Келаси йил бувим туғилган кунга келарсиз-а? — сўради Адель хайр-ма'зур ҷоғида.

— Сизга атаб шे'р ҳам ёзаман, мутлоқ ёзаман,— у шошиб жавоб берди ва дилбар соchlари орасидаги тўғри кетган фарққа қараб қолди.

Лекин у ҳам ҳадемай хаёлдан кўтарилиди. У бутун борлиги блан олға интиларди!

Кишинёв одам таниб бўлмайдиган тусга кириб қолди деган эдилар. Бу ажаб эмас, лекин ўйларини ҳам сра таниб бўлмайди. Уйлари ва мулкларини ташлаб, ўзларининг аянч жонлари ташвишида Молдавия блан Валахиядан бош олиб қочган ва шаҳарда мақон тополмай бекатларда, ўйларда сарсон ва саргардон юрган қоюқларнинг беҳад араваларини кўрди.

Александр уларни зўр мароқ блан тамоша қилди. Уруш миллий урушдек туюлса ҳам, бу, даставвал, аниқ бир чегараси бўлмаган оташдир. Ана шу тушинчанинг қаериdir шоир қалбига сурур беради. Унинг ўзи ҳам кўзларида бу оташ блан теваракка қарайди: соқоллари узун, эгинларида ҳашаматли пўстин, қўлларида қўлқоп блан чанада бораётган бадавлат кишиларни кўради. Улар, ўзларининг бутун урфу-одатлари, жир босиб кетга бегам майшатлари блан бирга чанадан йиқилиб тушадигандек тақдир уларни аллақайси ҳор ўюмига тиқиб кетадигандек, чаналарнинг четларига маҳкам ёпишиб олганлар.

Бу орада қалин қорлар ҳамон камайиб боради. Латиф баҳор ҳавода голибона парвоз қиласы. Қорлар ғирчиллайды, от түеңла-ри ботиб, бултурги гүнгә сарғайған сувларни сачратади. Баҳор қүшлари чириллашади, нур ва бүг блан түлиқ ҳавода сузишади, ўйнашади. Ба'зан ўзларининг хафиғ оғирликлари остида тебран-ган "навдаларда ўтириб олишиб ўзларига аро берадилар, бўйин-лари ва елкаларида бир тутамгина юнгларини шодиёна ва фо-либона бир алпозда ҳурпайтириб, баҳор гаштини сурадилар.

Йўллардаги сойларнинг музлари дарз олиб, шига-шиға оқади. Сойлар шувиллайди, кучга тўлиб боради, муз кишанларидан бў-шаган қирғоқ бўйларидаги солларни шўхлик ва шодлик блан тебратади, уларни зил ўтирган жойларидан узоқларга, сафарга чорлагандек бўлади. Даشت ва далалар, сой ва сувлар, қор ва музлар устидаги кўм-кўк ҳаво оғушидаги оқ булутлар сузишади, гоҳ кўтарилиб, гоҳ қўйи тушишади. Коинотда ҳаракат, ҳар ерда кўклам!

Кишинёв ҳақиқатан ҳам бошқа тусга кириб қолибди. Кўча-лар одамлар, аравалар блан тўла. Суюқ лойларни сачратиб ча-налар сузишади, кўп от қўшилган аравалар югуришади, четан шаклида тўқилган бу фалати араваларнинг отлари шу қадар заиф, шу қадар ориқки, улар ўзларини зўрга-зўрга кўтариб кетаётгандек, орқаларидаги арава эса ўзи сирғаниб бораётгандек туюлади. Бу манзарага разм солган киши: шаҳар аҳолиси ва қочиб келган-лар бир ердан-иккинчи ерга кўчиб юриш блангина овора бўлиш-са керак, деган хуносага келади; зеро ҳамма ерда одамлар ти-қини, гирдоби.

Бирон киши танишини кўрсаю, ҳол-аҳвол сўрашиб тўхтаса, бас. Аламон дув йиғилади. Уларни ўраб олади. Бу даврадан аж-ралиб Ічиққан кишини бошқалар тўхтатишиб: „Нима гап, нима воқиға?“ деб сўрашибади. Уйлар, майхоналар торайиб кетганга ўх-шайди; фақат кўм-кўк осмон тагигина кенг. Миядаги фикрлар, томирдаги қонлар ҳаракатда экан, улар ҳам аллақандай музларни синдириб, қаёққадир оқизиб борар экан, индамай ўтириш мумкинми, ажабо?..

■ Пушкин шляпасини бошидан олди. Сочи аллақачон ўсиб қолган. Мана уни шамол учирив тўзғитмоқда. Унинг ҳеч ўтиригиси келмайди. У ўрнидан туриб олишни ва аламон орасидан тикка ўтишни истайди. Лекин аҳ'ён-аҳ'ёнда, чала-чулпи бир тарзда ўрнида туради ва бу одамларнинг қудратли жараёни қайси чашмадан кўтарилаётганини кўриш умидида атрофига аланглаб қарайди. Ана шунда ўзининг бу болаларча ҳавасини англаб, кулимсирайди-да, извошни бутун Бессарабиянинг бош ҳокими уйига қараб юргизади.

Иван Никитич уйда экан. Уни айвонда кутиб олди.

— Қалайсиз, қочқоқ? — деди у, меҳр ва макир блан кулимси-раб. — Соғ-саломат етиб келгандирисиз деб ўйлайман. Сизни қи-дириб, шаҳарни ағдар-тўнтар қилиб юбордик. Биласизми, шаҳар полицияси сизни Москвага кетиб қолган деди. Ана шундан кейин

Орқанғиздан бирмұнча, албатта, каттагина жарима ҳам солиб юбордик.

Александр унинг күк күзларига уялинқираб, лекин равшан бир назар блан қараб турар әди.

— Бундан кейин сизнинг саломатлигингизга үзим күз-қулоқ бұлиб туриш учун, ул-булларингизни үйимга олиб келтирдім. Икки шинам хона сизнинг ихтиёргизда бұлади. Дарвоқи, үзингиз биласыз, пастда, үңг томонда, деразаларидан бօғ күриниб туради.

Ҳақиқатан ҳам, Александр Сергеевичнинг фақирона бусоти келтириб қўйилган әди. Шундай қилиб, ҳечніма тўғрисида ўйламай, бошини ҳам қотирмай, Александр Сергеевич янги үйга кириб кетди.

Билган ва эшилган нарсаларини овқат маҳалида сўзлашиб ўтиришди. Инзов Пушкиннинг Киевда бўлганини Орловдан эшишибидир. Ёш генералнинг никоҳидан ҳам хабардор экан. Тўйнинг май ойида Киевда бўлажагини айтди. Кейин улар бу ерга келар өмишлар. Орлов ўзига иккинчи уй тайёрлаётган әмиш.

Инзов хўжалик ишларига жуда ҳам қизиқиб: „Каменкада ҳосил яхши бўлдими, лавлагилар ширин тортдими, совуқ уриб кетмадими, қишида қор қалин тушдими“, деб сўради ва: „Қор қанча қалин бўлса, ҳосил ҳам шунча баланд бўлади“, деди.

Пушкин ҳамма саволларга жавоб бериб борди, зеро қишлоқда турган киши бу нарсаларни билмай қололмасди. Инзов унинг гапини ма’қуллаб ва унга аллақандай туманли бир умид блан қараб: „Бу ёш шоир бир кун яхшигина хўжайнинг айланиб кетмасмикан“, деб ўйларди.

Инзов бўлса Пушкиннинг саволига:

— Бизла нима ҳам гап бўлсан? Ўзинг кўриб турибсан-ку. Тўвалон,— деяр әди. — Менинг қушхонам, албатта, бир нав' жимжитроқ. Лекин граф Каподистрия Санкт-Петербургда ўтирадиган жой тополмай қолгандир деб ўйлайман. Бу галваларни чиқарган ўшанинг ўзи. Қачонлардан бери шуни хаёл қилиб келар әди. Лекин, билмайманда... Ўйинни дўндирадиган хилидан әмас: шахматда неча бор додини берганман.

Овқатдан кейин, икковлари ёлғиз қолишганда, мизгишдан аввал, Александр Ипсилантининг чопор блан хат юборганини айтди. Подшога ҳам хат ёзган әмиш. Энди катта воқиалар бўлиши кутилади, дейди.

— Хўш, сизга нима деб ёзибди?

Инзов диван орқасига оҳиста суянди, кейин күзларини сузиб туриб:

— Шундай... Уёғдан-буёғдан... Тўғрисини айтсам, ёдимдан чиқибди. Ҳа, ҳаммага салом дебди,— деди.

Александр ўнғайсиз савол ташлаганини англади, шундай бўлса ҳам пича ранжиди. Лекин Инзовдан ҳеч ранжиб бўлмас әди. У, қўлини чўзиб, Пушкинни диванда ўзига яқин тортди.

— Пухта князъ әмас,— деди Иван Никитич, негадир овозини пасайтириб.— Бирдан тараддуздга тушди. Отига минди-ю, учди!

Пушкиннинг юзига табассум югурди.

— Бу Жуковскийдан эмасми?

— Албатта. Князь бориб турган дон Киппот. Мен уни ҳурмат қиласман, севаман, лекин юлдузига ишонмайман. Ҳарҳолда катта воқиалар содир бўлади деб кутиш керак. Дарвоқи, январъда Валахия ҳокими Александр Суццо вафот қилди, хабарингиз борми? Бундан ихтилофчилар фойдаланишди—Яширин ташкилот тузиши.

— Яширин ташкилот?

Иван Никитич лабларида бу сўз жуда галати жаранглар эди.

— Хўш, ҳали хабарим йўқ денг? Ҳа, нега ажабланасиз? Модомики яширин депломатия бўлиши мумкин экан, нима учун яширин ташкилотлар бўлиши мумкин эмас? Ахир булар ҳам ҳалқ манафаатини кўзда тутишади-ку?

Генералнинг гапини қандай тушиниш керак? У чинакам яширин ташкилотнинг борлигига шубҳа келтирадими ёки бу нарсага кенг қараб, мамлакатда ҳукм сурган Аракчеев зулмига қарши ма'ноли бир тадбир, димиқкан уйнинг очилиши лозим бўлган бир деразаси деб англайдими?

Инзов шу қадар равшан, шу қадар беғубор бир назар блан қараб турадики, бу саволларга унинг кўзларидан ҳечқандай рад жавоби олиб бўлмасди. Бунинг устига овози ҳам одамни ишонтириарли даражада содда эди. Пушкин ўз саволлари устида узоқ тўхтамади. Каменкадан келиб, шу даргоҳдан бошпана топган экан, жиндак бўлса ҳам ўзини ўз уйида деб ҳис қиласди.

Инзов унга ўз уйидан жой берди: „Ёш йигитга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак“, деди.

Хоналарининг деразалари боққа очилади. Деразалардан: узоқ-узоқларда дар'ёлар, шаҳар, тоғи-тошлар кўриниб туради. Лекин деразалари (ё буни сезмадингми, қимматли генерал?)—панжарали: балки ўғрилардан асраш учундир? Шундай бўлса ҳам, Пушкин жанжал қилиб ўтирамади. „Мени кечаси боққа тушмасин, ёзда кўқатларни босмасин, гулларни узмасин дёб панжара қилишгандир? Хоҳлаган еримга тўғри эшиклан чиқиб боравераман. Агар жаҳлим чиқса,— бирдан юрагида шу ҳис уйғонди,— агар жаҳлим чиқса яна Киевга ёки Каменкага кетаман, хоҳласам—қочиб кетаман!“

Бош кўтарганлар фақат грекларгина эмас, молдаванлар блан валахлар ҳам. Ҳаммаси бароварига бош кўтараяпти. Фақат уларнинг қўлларида калтак-таёқ, болта чўқмок. Қанча боярлар қочиб келишибди бу ерга, кўрдингизми? Теодор Владимиреско деган бир валах солдати ана шундай каллакесарлардан бутун бошли қўшин тўплланган эмиш. Канязъ Александр уларни осонлик блан тинчита олмайди.

Орловнинг олдига борасизми? Инжилчилар жамиятининг мажлиси бўлар экан, денг. Шу мажлисда бир кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши эҳтимоли бор. Сабанеев бир ишни қўзғамоқчи...

— Оббо, бир муттаҳам ёвар туфайли-я? — Пушкин ғазабланди.

— Сиз биласизми бу воқиани?

— Биламан. Менинг олдимда бўлган. Қўлдан чиқариб юборганимга ўзим ҳам пушаймонман. Ҳўш, ғалва бўлаяптими?

— Ғалва-палва-ку йўға, лекин, сиз айтмоқчи, бу муттаҳамни деб ҳурматли бир кишини хунук аҳволга тушириб қўйгим келмай турибдир. Орлов бўлса катта кетиб юборди, андиша қилмай ундан изоҳ сўради, мана шунинг учун... Ҳа, мана шунинг учун ҳам кўнгилсиз нарсалар юз бераяпти. Лекин Сабанеевни босиброқ қўйдим.

Инзов ўрнидан турди ва гапини қўйидаги жиддий сўзлар блан тугатди:

— Ҳозир у толлар кесилиб кетган, замон бошқа. Кучни сақлаш, одамларни сақлаш керак. Нимага десангиз, ким билади, балки уруш арафасида тургандирмиз. Лекин буни подшонинг ўзи ҳал қиласди.

Иигирма биринчи йилнинг март ва апрели Пушкин ижодининг ҳосилга кирган ойлари бўлди. У ўзининг бутун кучини, ёш, қайноқ эҳтиросини жиловсиз қўйиб берди.

Инзов уни рўза тутишга мажбур қиласди. Амалдорлар рўза тутишга мажбур әдилар. Пушкин гарчи маош олмаса ҳамки, у ҳар ҳолда амалдор „ҳисобланар“ эди. Пушкин рўза тутар ва... ўзининг „Гаврилиада“сини ёзарди. У император Александр ва унинг харис, фаҳш, имонсиз дўсти архимандрит Фотий қўллаб қўлтиқлаган мунофиқ христиан динига қарши жанг қидиб, ўз руҳини шутақлид поклар эди. Бу унинг ва'дасига сра хилоф эмас эди, бу „хукуматга қарши“ эмасди. Бу Аё София жомисида эшитган ва ўзининг шоирлик дидига жуда хуш келган бир эркин ривоятнинг эркин ҳикояти эди ҳалос...

Бур кун Инзов Пушкиннинг инжил ўқиб ўтиргани устига кириб қолди. У қўйидаги сатрларни ўқиб, бир четига чизиб қўйган экан. Мана у сатрлар: „Одамзод ерда кўпайиб, улар қиз кўрабошлигинларида, оллоҳу-таалонинг ўғиллари инсон қизларини кўришсанки,—улар чиройли, ана шундан кейин улар хоҳлаган қизларини хотин қилиб олишади“, яна: „...Оллоҳу-таалонинг ўғиллари инсон қизлари блан маҳрамлашгандан кейин улар фарзанд кўра бошлидилар...“ Айни муддао!

Пушкиннинг чехраси очилди, лабларида табассум ўйнади. Иван Никитич бунга бир қадар ажабланди ҳам, лекин у ўз назорати остидаги бир кишининг табаррук китоб блан машгул эканини кўриб қувонди, инжилнинг улуғ ма'рифатпарварлик аҳамиятини гапира бошлади. У бу хил гапларни қай турда гапиришни билар эди.

— Сиз архимандрит Фотийдан ҳамиша кулиб юрасиз. Бу тўғри, ҳолбуки у бизнинг Инжилчилар жамиятимиздан жуда қўрқади, ҳатто инжил та'лимотини ҳалққа бағоят зарарли деб билгани учун ҳам унинг кенг тарқалишидан ваҳмага тушади.

Пушкин кулиб туриб соддагина жавоб берди.

— Ўзим ҳам инжилга ўҳшатиб бирон нарса ёзмоқчиман.

— Баракалла, камол топинг. Энди жамиятга ҳам кириш керак.

— Жамиятга кирсам,—а'золик бадалини тўлашим керак бўлади, ҳолбуки, ўзингиз биласиз, сизга анчагина қарздор бўлиб қолдим...

— Ана халос! Шошма, бойисанг—берарсан.

— Йўқ, пул блан бўлмаса ҳам, ҳархолда ўз ҳиссамни яқинда қўшарман деб умид қиласман.

Пушкин кулар эди... Инзов унинг олдидан енгил бир ҳайрат блан чиқиб кетди: у негадир ҳаддан зиёд камтар ва жим. Ишқилиб, ҳукуматга қарши бирон нарса ёзиб қўймасин-да. Лекин ёшлик шўхлигига ким ҳам тўсқин бўлаолади? Иван Никитичнинг ўзи ҳам боғдаги каллак урилган дараҳтларга қарагиси келмайди! Тирик жон истаганини қилиши, истаганини қидириб топиши керак. Шоирларга келсак,—эҳ-ҳа, уларнинг йўли мингта...

Иван Никитичнинг шунга ўхшаш ўзига хос фалсафаси бор эди.

Александр ҳам ўзининг дўсти, колледж секретари Николай Степанович Алексеевни бир гўзал яҳудий қиз тўғрисида достон ёзаяптиши, деб хўп жаҳлини чиқарган эди. У бўлса ўз севгилиси, гўзал Мария—Егоровнани Пушкин йўлдан уриб, ўзига оғдириб олади деб қўрқарди. Гарчи у қиз асл молдаван бўлса ҳам, ранги-рўйига қараб „яҳудий“ дейишарди.

Катта рўза жуда узоқ чўзилди. Пушкин, Инзов блан рўзани ўтказиб келишга борган жойидаги черков ибодатларидан безор бўлиб, Василий Львович Давидовга ҳазил мутобаби ше'р ёзиб шикоят қилди.

Риёкорроқ бўлдим, ақл кирди жиндек,
Ёлбарби сўрайман, инониб чиндан,
Ки тангри кечар деб гуноҳларимдан,
Подшо ше'ларимни афв этгандак.
Вольтернинг сеҳрли ҳом хаёлларин,
Тақлир берган бадбаҳт созимни ёввош—
Намоз-дуоларга алмашдим барин,
Қўзқорин қоқига қилдим айрибош.

У Вольтерни сра эсидан чиқармаганини ва ҳеч нимага алиштиримаганини Давидовга очиқ-ёруғ айтмади. Аксинча, Кишинёвдаги ошналарига „ер блан денгиз“ни мадҳ этиб бўлгач, энди осмонга нигоҳ ташлаганини ишора қилди.

— Кейин, ким билади, дўзахни ҳам ёзиб юбораманми!—деди.

Лекин бу дўзахмиди ё жаннат, „Кавказ асири“ми ёки „Гаврилиада“—даставвал, буларнинг ҳаммаси уни беҳад ва ранг-баранг тариқада қийнаган, қувонтирган ва ҳаяжонга солган бугунги жонли ҳаётнинг акси-садолари эди. Бу яна ўз-ўзи блан ҳормай курашмоқдан, аниқ сўз, тўғри образ қидирмоқдан ва булар орқали ўзи-ўзини топмоқдан, қаддини кўтармоқдан иборат эди.

Пушкинда ҳамма нарсага вақт, куч ва э'тибор топиларди. У дўстларига мактублар, ше'лар ёзар, ўйин-кулги ва ҳазиллар блан бир қаторда чуқур тафаккур, осойишта фикр ҳам қилар, ба'зан бардош, ба'зан эҳтирос блан гап талашар, ғазабланар, ҳаёл сурар, планлар тузар—Орлов олдида, Липранди ҳузурида, ўзи ҳақида—эвоҳ, ўзи ҳақида!—баланд овоз блан мунозара бошларди.

У Дельвигга, Гнедичга, Чаадаевга ва Каменкада яшаган Давидовга ше'рий мактублар ёзил юборди.

Ба'зан, жиддий, ҳаяжонли мунозаралардан чарчар әкан, рост-елғонни құшиб ҳархил нарсаларни гапиради, станцияда ўйинга тушган ва ҳали ҳам эсида қолған извошчини, Киевда эканлигидә гүё Лисая Горани күрганлигини ва у ерда бир стакан вино устида бўлган воқиани, бир кун кечаси Денис Давидовнинг эшикдан арвоҳ сингари кириб келганини кула-кула айтар, кишинёвли хонимлардан ба'зилари унинг гапларига қисман ишонар эдилар.

У Денис Васильевични ажойиб бир мулоимлик блан эсга оларди.

Сен суворий куйчи, солдат оромин,
Йигиттар базмини куйладинг болаб.
Бебош мұштлашлардан келди илдоминг,
Бурама мұйлабиянғасүйладинг маҳтаб.
Осоиш күнларда шўх торларингдан
Уруш тўзонини пулладинг, артдинг.
Созинг қайта созлаб, яна янгитдан
Тинчлик майнини ва ишқини мадҳ этдинг.

Ўзининг чинакам сурғунда әкани эсига тушган кезларда бутун вужудини совуқ тер босар, у ўзи каби кувғиндаги бошқа бир шоир— Овидийни ёдлар эди. Овидий ҳам император Август томонидан Қора денгиз қирғоқларига, тахминан шу томонларга сурғун қилинганды. Пушкин Гнедичга, Чаадаевга ёзган ше'рий мактубларида ўша Рим куйчисини эслаб ўтди.

Мана энди Чаадаевни эслади. Уни иттифоқо әмас, балки кечқурун, кундуз ташвишлари ўз ўрнини тафаккур ва осоийшта фикрга бўшатиб кетган дамларда, ўз уйига тинчлик чўккандада эсларди.

Бунда илк ташвишни уннутдим андак,
Овидий хок-поки бу ерга яқин.
Бунда шуҳрат менга арзимас эрмак,
Кўнгил фақат сени қўмсаиди ҳоргин.

Кафасда тўлғандим, узилди занжир,
Юрагим янгитдан асоиши топди.
Менинг ўжар ақлим танҳоликда жим
Меҳнат осоишин, ўй занқин тотди.
Кунларим бўш; раён хаёлларим,
Узоқ ўй суришга кўникоқдаман.
Тақдирлар әрқиулиқ қучган чоғдаман
Ис'ёнкор ёшлиқда ўтган йилларим,
Марифатда бўлай замон блан тенр.

Пушкин Липрандидан яна тез-тез китоблар олиб турди. У китобларни варақма-варақ ўқир, ўқиган нарсаларини ўйларгина әмас, балки янги билим, янги фикрларни аввалги билими ва ўрганиб қолған эски фикрлари блан боғлаб бораради. Унинг миасидан жой олган нарсалар жой олганича қолиб кетмас эди. Йўқ, бири иккинчисига бориб чатишар ва авваллари фақатгина ўйлаган, энди эса билиб олган нарсалари янгидан яшиаб кетарди.

Охотников ёки Владимир Федосеевич Раевский блан — Каменкага бормасдан аввал овозасини эшиктган ўша алломат Раевский

блан гап талашиб қолганда, унинг кўп нарсаларни тушунмаганилиги ошкор бўларди. Шундай пайтларда юзига қизил югурса ҳамки, сирни бой бермас ва кечқурунлари Липранди блан уникига боришини сра унитмас эди. Липрандида, бу ажойиб китоб ҳавасмандида, ҳамма нарса топиларди.

Одамларни у қадар ёқтиравермайдиган, одамларга қўшилмайдиган Иван Петрович Липранди ўзининг гарифона муҳаббатини бутунлай Пушкинга бағишлади. Унинг оғир, дилгир қараашлари бора-бора очилиб равшанлашди, соддалашди. Одатда бир ўлчов, бир ме'ёрда бўладиган ҳаракатлари табиий, оддий тус олаборди. Ёш шоир — янги танишнинг ҳайрон қолдирапчи очиқ-очиқ муомилаларига самимий дўстлик блан жавоб берар ва бу дўстлик ҳечким томонидан ўзgartирилаолмайдиган та'сир қолдирап эди. У китобларини ҳаммага ҳам дарров бериб юборабермас эди. Шундай бўлса ҳам Пушкин сўраган китобни қидириб топишдан ҳузур қилас, бу эса унинг ҳаётидаги энг ноёб ҳузур-ҳаловатлардан ҳисобланарди.

„Ўчогига яна бир палён ўтиш ташладим, — у ўзига хос, ғалати ўйлар эди,— чарсиллаб ёнгандан кейин оловининг авжини кўраверасиз!“

Александр Сергеевичнинг ҳаёти шу тариқа ҳарендан ва ҳархил ўйллар блан тўлиб борди. Шундай қилиб, у „асрига тенг“ булиб бордиц, „Аллақандай ғалати ҳодисалар рўй бермай туриб бир қарич ҳам илгарилай олмайдиган“ ўша асрга тенглашиб борди.

Орлов ўйлаган ва ёзган катта „ҳодисалар“ ҳали бошлангани ўқ, лекин шарпаси ҳаммаёқдан келиб турибди. Ҳозирча Инзовнинг: „Ҳар ҳолда ҳодисалар бўлади деб кутиш керак“ деган башоратигина мавжуд.

Император Александр томонидан „Муқаддас троица хотири учун“ та'сис қилинган ва Троппаудан Лайбахга, я'ни Неаполь-яқинроғига кўчириб келтирилган Йиттифоқи табаррук конгресси Италиядаги тартиб ўрнатишга қарор қилди. Ермоловнинг умумий бошчилигига рус қўшинларининг тўртта корпусини австриялиларга қўшиб юбориш тўғрисида подшоҳ Александр буйруқ берди.

Бу хабар ҳаммани шоштириб қўйди.

Орловникида одам кўп эди, суҳбат турли-туман мавзу'ларда борарди. Подшоҳнинг революцияни бостириш баҳонаси блан ўзгалар юртига қўшин юбориш тўғрисидаги қарорини ҳамма хато деб тушинибгина қолмади, балки рус қуролининг ша'нига доғ соладиган ярамас бир ҳаракат деб топди.

— Биз ҳалқларга қуллик эмас, озодлик олиб боришга ўрганиб қолганмиз!

Бурчакда ўтирган Константин Алексеевич Охотников:

— Четэл босқинчиларидан озод қилганимизу, лекин ички ишларига ҳеч аралашмаганимиз, — деди, бўғиқ бир овозда.

— Мен ҳам руслар карбонарларга ёрдам берсин деяётганим ўқ, — дея Орлов э'тиroz билдириди.— Ишқилиб, уларга ҳалақит беришмаса,— шунинг ўзи ҳам катта гап.

Лекин шу пайт бригадалардан бирининг командири, генерал-майор унвонли Павел Сергеевич Пушкин гапни Кавказдаги урушга буриб юборди. Пушкин бу одамни ёқтирмас, ундаги ақиданинг самимийлигига ишонмас эди. Орлов бу урушни ма'қулламайди, Пушкин эса ўз бошлиқларидан ўзиб кетишга киришади. Кавказ масаласи Пушкин учун ҳамон ҳаяжонли масалалардан бири бўлиб келарди. У Кавказ саёҳатида уруш нафасини сезиб турар, унинг романтикасига ихтиёрсиз берилиб кетарди. „Кавказ асири“-нинг кириш қисмida рус қуролининг ша'ни-шавкатини ҳозиргина мадҳ этган эди. Бунинг Орловга ёқмаслигини билади.

„Улар нега тушунишмас экан,— дея ўзича зўр бериб тақрорларди,— бутун умр қурол остида, доимо урушлар ваҳмида яшаб бўлмайди. Бунга хотима бериш лозим. Лекин бир кун келадики, тоторлар блан бўлгани каби, улар блан ҳам опоқ-чопоқ бўлиб яшаб кетамиз“. Буни генерал Раевскийга гапирганини ҳам эслади...

— Йўқ,— Орлов унинг фикрларига тўғे жавоб берадётгандай гап бошлади,— Кавказ тоғларини ер блан теп-текист қилиб юбориши мумкин бўлмагани каби, тоғлilarни ҳам бўйин эгдириш амримаҳол. Менинг фикрим шундай. Кавказ масаласи қурол блан эмас, вақтнинг ўтиши блан, ма'рифат блан ҳал бўлади. (Шу дам Пушкин бош қимирлатди: „Ҳа... ма'рифат блан... Тўғри!“) ... Вақт ўтиши блан, ма'рифат блан, лекин, минг афсуски, бу ўзимизда ҳам ҳали етишмайди.

Шу ерга келганда Михаил Федорович ўзини-ўзи тўхтатди ва билоҳтиёр ёшларча ҳаракат қилиб, қичқирап даражасида гапирди:

— Шундай бўлса ҳам, дўстлар, худди мана шу муттасил урушда қандайдир бир улуғворлик бор... Лекин доимо урушни кўрдим деб биздан бўлак ким маҳтана олади?

— Она ватанимиз Россия шунинг учун ҳам яхшики, унинг қайси бир бурчагида ҳар нечук уруш бўлиб туради!

Пушкин бу ердагиларнинг қарийб ҳаммаси биладиган Денис Давидовнинг оҳангини жуда тўғри пайқади, унинг юқоридаги гапи ҳаммани кулдирди.

— Денис бундай гапларни яхши кўради! Унинг дўсти Кульнев шунаقا гапларнинг ҳавасманди.

— Лекин, жаноблар, агар Кавказ бир бурчак бўлса, бошқа бир бурчагимизда ҳам ахир... бундай экан, бирорларнинг юртига бориб яна уруш қилишнинг нима зарурати бор?

Сўнгра сұҳбат янги ўзонга тушди: „Болқонларда уруш бўладими-йўқми?“ масаласи муҳокама қилинди.

Рус қўшинлари ҳар эҳтимол учун чегарага олиб борилмоқда.— Ипсилантининг хитобномаси ма'lум. У ўзини хавф-хатарларга солиб бўлса ҳам, улуғ давлат бу тадбирни ма'қуллайди деган эди. Бу улуғ давлатнинг Россиягина бўлиши мумкинлигини ҳамма англарди. Лекин ҳақиқатда ҳам аҳвол шундай әдими? Ипсиланти император Александрга шундай деб ёзганда, подшо тўғри жавоб бериш ўrniga, уни рус армиясининг офицерлик унвонидан маҳрум қилди.

Ипсилантининг ўзига қарашли кучлар эса у қадар катта эмас. У музлаб ётган Прут дар'ёсидан атиги 200 суворий блангина ўтди. Ҳозир Ясида „Улмас полк“ номли гвардия тузаштирилди. Бу хабарни эшишиб Вельтман: „Шонни эмас, конни қувийдилар“ деб масхара қилди. Пушкин ўшандада хафа бўлди ва Ипсиланти иккимен укаси блан Россиядан жўнаётганда ўзининг Кишинёвда бўлмаганлигига кўп афсусланди. Агар шу ерда бўлса, улар блан албатта жўнаб кетарди.

Суҳбат: вазият аниқ эмас, деган умумий хулоса блан тамом бўлди.

— Ҳозирча нафасимизни чиқармай туратурамиз. Кейин ма'lум бўлади. Вазият блан танишиб келиш учун штабдан аллакимни юборишмоқчи эмиш деган миш-мишлар юрибди. Балки Пестельни юборишар.

Шу блан ҳамсуҳбатлар тарқалишиди.

Пестельни Пушкин Кишинёвда, Каменкада ҳам бир неча бор эшитган эди. У ўзининг ноёб ақли, ўткир фикри блан шуҳрат чиқарган бўлса ҳам, Александр Сергеевич у тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга эмас эди. Қизиқ... Пестельнинг доклади штаб бошлиги Кисильёвга боради, Кисильёв эса уни подшоҳга юборади. Бу унда катта та'сир қолдириши мумкин.

Кечқурун Пушкин греклар орасида бўлди ва ўзининг қизғин мuloҳазалари блан ҳаммани орқада қолдириди. У Рим ва Грециянинг ўз тақдирларини яна ўз қўлларига олаётган қадимий улуф халқлари тўғрисида гапиди. У гўё ўзини Яssi майдонида, Ипсиланти байроқлари остида тургандек ҳис қиласди. Кишинёвдагиларнинг ҳаммаси у байроқлардан хабардор. Байроқ учта: бири серанг, иккинчисида — лавр япроқлари орасига олинган ва: „Мазкур байроқ бирлан зафар қозонурсиз“ деб ёзилган салб, учинчисида — уйфона бошлаган ғалаба қуши! У Грециянинг зафар қозонажатига жуда қаттиқ ишонарди.

Унинг ҳамсуҳбатлари, греклар, унга ҳавасланар, лекин гапиришга келганда ўзларини жуда эҳтиёт тутардилар. Улар ҳам, Вельтман сингари, „ғаройиб ва ажойиб“ князь кўшинлари тўғрисида унчали юксак фикрда эмасдилар. Ҳатто арнавудлар, пондурлар, қайдуқлар, толфорлар деган номларнинг ўзини ҳам аллақандай ишончсизлик блан тилга олардилар.

— Улар жанггарликка-ку жангари-я, лекин фақат ўзларини ўйлашади, бизни сра эсларига олишмайди... Молдаванлар блан валахлар Владимиреского бориб қўшилишади, у бўлса бу ердаги боярларни талайди.

Пушкин дилгир бўлди. Секин-секин юриб уйига қайтиди. Шаҳар устида кўклам кечаси соябон әкан, юлдузлар латиф бир жилва блан живирлашади. Ба'зи уйларнинг деразаларида черковдан табаррук қилиб олиб келинган кичик-кичик мумшамлар пил-пиллаб ёнади. Кеча марҳум митрополит катта тантана ва дабдаба блан дағи қилинган эди, қанча гуллар келтирилди! Товба, ҳаммаёқ сув қўйгандек жим-жит... Ба'зан итларнинг ҳуриши ва коронғида билмай лойга ботиб қолган кишиларнинг сўкишлариги-

на эшитилади. Бу жимжитлик, мудраб ётган сукунат шоирнинг та'бини хира қиласди. Кўкрагини баралла очиб юборгиси келади. Ўзини осойишталик оғушига отмоқ истайди. Қандай қилсин?!

Уруш! Кўтарилди ниҳоят,
Жанговар шавкатнинг туғи ҳилпираб.

Балки у ерда, жанубда, мана шу қоронғи эулмат ичидаги жанг оловлари ёнаётган ва ногаралар жаҳодга чарлаётгандирлар... Офарин Давидовга, шоир ва жангчи, қўшқават шуҳрат тожли азаматга... О, нақадар гўзал!

Тафаккур оҳанг бешигини яна узоқ, аяброқ тебратди.

Ё шон-шараф тожи бўлар мұяссар,
Ё шум тақдир ажал насиб этгандир...

Денис Давидов ёдига тушаркан, Киев кўз олдида гавдаланади. Ана шунда яна кўклам, яна алам қалб торини чертмоққа бошлайди.

Мұхаббат... Наҳотки на жанг шов-шуви,
На уруш заҳмати, на мағрур шуҳрат
Одатий ўйларимга қўёлмаса чек?

У оёқ остига қарамай борар, қаер—қуруқ, қаер—лой, сра фарқ қилмай юради. Гўё узоқдан эшитилган музикадек, ше'р гоҳ авжига чиқади, гоҳ сусайиб йўқолади. Йўқ, бирон қарорга келиш керак. Ана шу пайт Пестель ёдига тушди.

* * *

Павел Иванович Пестель генерал Инзов ҳузурига кириб, ўзининг келганидан рапорт берди-да, худди губернатор Катақази блан маслаҳатлашгани сингари, Инзов блан ҳам кенгашди. Пушкин уни аввал бир марғагина кўриб, шунчаки танишган-қўйган эди.

Пестель Пушкини ўйига ўзи таклиф қилди, мана энди у овозаси жуда ҳам кетган ва ўзи подполковник бўлгани ҳолда генераллар блан дадил гаплашадиган бу салобатли кишидан кўз узолмайди. Пестель генералларга уларнинг улуғ ёшлари ҳурмати учунгина расмий назокат кўрсатади. Ҳақиқатда эса, у ўзининг қадри-қийматини билибгина қолмай, улардан улуғроқ, донороқ ва тажрибалироқ эканини ҳам пайқайди, зеро буни генералларнинг ўзлари ўз муомалалари блан сездириб турадилар. Агар у берган саволларга қараб хулоса чикариладиган бўлса, натижага шу буладики, Пестель ҳозирги вазиятни равшан билади. Бу ҳақда аниқ фикрга ҳам келиб қўйган.

Иван Никитич Пушкинга:

— Бу азамат мени жуда чарчатиб юборди, — дейди. — Разм солганимисан: ёзда осмон топ-тоза, булутсиз бўлиб туради-ю, қаердадир момоқалдироқ бўлаётгандек, яшин чақнаётгандек нафас оғирлашади. Шу одам ҳам ўшанга ўхшайди. Агар у ўзидан чарчамаса, чинакам баҳодир экан.

Пестельнинг Орлов блан мулоқати жуда қисқа бўлгани, у Орлов блан эмас, бригадалардан бирининг командири, ичини ёрса алиф чиқмайдиган қуруқ генерал-майор Павел Сергеевич Пушчин блан узоқ гаплашгани Пушкинга жуда ғалати туюлди. Пушчин эса сухбатдан кейин галдиракланиб зўрга кетди.

— Фақат ишдан, корпусдан, офицерлар ўртасидаги интизомдангина гапирди. Худди текширишга келган генералдай!..

Пестель Орловникида овқат қилди. Ҳамтовақлар сухбатни муҳимроқ мавзу'га буриб юбориш учун қанча ҳаракат қилмасинлар, бундан ҳечнарса чиқмади. Пестель уларни қувватламагани бирёқда турсин, ҳатто тантанали бир суратда гиқ этмай ўтириб олди. Агар Инзов Михаил Иванович Пестельнинг шундай қилиши лозимлигини англаган бўлса заррача ҳам ранжимаган бўларди. Мехмон гоҳ Охотниковга, гоҳ Владимир Раевскийга қараб-қараб қўяди, лекин гапирмайди.

Мана энди Пушкин Пестель ҳузурида. Павел Иванович унинг олдида кибрсиз, расмиятсиз, оғир-босиқ бир вазиятда ўтирибди. Агар лаблари бирмунча дўрдоқ бўлмаса — бу одамни ҳақиқатан ҳам чиройли деса бўлади. Ўртасидаги ўкачи дангал кўриниб турган каттакон бурун, кенг, силлиқ манглай, орқасига қаратиб таралган қора соchlар, яна шундай қора, йилтироқ зулфлар, чиройли, чақнаб турган қора кўзлар, равшан ақл, метин ирода, қаттиқ характеристер — буларнинг ҳаммаси унга ярасиб тушган. У ўзининг жиддий кўзлари блан қарап экан, унинг қараши бир фармон, бир амр каби таассурот қолдиради.

Лекин унинг меҳмони шоир. Шунинг учун ҳам Пестель яқинлашиб келаётган ва эҳтимол тутилган уруш тўғрисида эмас, қўзғалон ё замон кайфияти тўғрисида ҳам эмас, балки ҳамма нарсаннинг сабабчилари тўғрисида гапира кетди.

Пестель атиги ўттиз ёшда, у Бородино жангига қатнашиб ярадор бўлган, анча жасорат кўрсатган. Ана шундан кейин граф Витгенштейн уни ўзига ад'ютант қилиб олган. Ҳозир Витгенштейн иккинчи армиянинг бош қўмондони, подполковник Пестель ҳам ҳозир у блан Тульчинода туради. Бир кун Витгенштейн Пестель тўғрисида Орловга шундай деган:

— Пестельнинг қўлидан ҳамма иш келади: армияга қўмондон қилсангиз ҳам, министр қилиб тайниласангиз ҳам баҳазур эплаб кетади.

Ана ўша киши ҳозир қўмондон ҳам эмас, министр ҳам эмас, шоирнинг сухбатдоши. У шоирни худди ўз ўртоғидек кўриб, худди ўз инисидаи билиб гаплашиб ўтирибди. Унинг фикрлари барқарор, камми-кўстсиз. У ҳечқандай ташвиқотга мунтазир эмас, узи ҳам та'лим беришга ҳавасманд эмас. Фақат билганларини айтади халос.

Куёш нури деразалардан равонгина оқиб тушмоқда. Ўда ортиқча бисот йўқ. Кенг, тоза, салқин Пестель печкани кўп ёқдирмайди, ортиқча иссиқни ёқтирамайди. Лекин оёқларида ичи барра этик: Бородинода олган ярасидан ҳали-ҳали асар бор кўринади.

— Йўқ, қалбим блан материалистман, — дейди у, — лекин ақлим бунга ён босмай келади.

Пушкин ўн тўққизинчи асрнинг ўн саккизинчи асрдан узоқ кетмаганини ҳис этади. У, ўз тажрибасига суюниб, бир кишида мавжуд ҳис блан ақл бир-бирига зид бўлмаслиги керак дегиси келади, зоро бунинг ҳар иккиси бирга қидиради ва бирга топади, бирга хато қилади ва бирга тузатади. Мабодо ажрашгудек бўлсалар, фақат бир-бирини бойитиб, кенгайтиб, яна янги уйғулик ва тўлгинлик топиш учунгина ажрашади. Лекин буларнинг ҳаммасини кўз олдига келтириш ва ёш сўзлар блан ифода килиш қийин, уларни хаёлда ҳам тасаввур қилиб бўлмайди, фақат кундалик ҳаётдан кўриб билишгина мумкин. Яна. Чаманзорларни топталаш, меҳр блан очилган жўяклардаги ёш ниҳолларни босишига юрак қандай дов урмаса, Пестель блан гап талашишга ҳам шундай дов урмайди.

Пушкин унинг сўзларини жон қулоғи блан тинглар ва ўзича, қисқача хуросалар чиқараарди.

Ақл амрига бўйсунган киши — ҳислар нозига парво қилмайди. Тузим интизомсиз яшай олмаганидек, дун'ё ҳам интизомсиз яшай олмайди.. Ақл амр учун. Ақлнинг ўз амрларини амалга оширишига ҳалақит бероладиган ҳечқандай куч, ҳеч қандай сабаб йўқдир. Тадбир йўлини кўрабилиш, вазиятни аниқлай олиш, интилиш, уюштириш лозим.

Балки худди мана шу сўнгги сўз, „уюштириш“ деган сўз, Пестельнинг дун'ёга қандай қарашини ва дунёда тутган ўз ўрнини қандай англашини билдирадиган асосий сўздир.

— Миянгизга бир нарса келади ю, ўша нарсани руёбга чиқариш учун ўртадаги ғовларни олиб ташлашга ҳаракат қиласиз. Турмушда бунинг йўллари кўп. Лекин биттасини топиб олиш ва шу йўлда маҳкам туриш лозим. Ана шу йўлнинг мутлақ ғалаба қозониши учун ҳамма нарсани чуқур ўлаш, бутун фикрни шунга тўплаш керак. Сизда, — у табассум қилди, — сизда бу нарса бутунлай бошқача. Сиз ўз ишингизда қидириш, излаш блан мақсадга етасиз. Бизда эса қораламалар, варианtlар бўлмайди. Биз бундан бенасибмиз.

Бу кўп бама'ни, кўп тўғри гап. Табассум ҳам кўп яхши, зеро у инсоннинг ҳақиқий, ички дун'ёсини очиб беради. Лекин бу табассум бутун суҳбат давомида пайдо бўлган бирдан-бир табассум эди.

— Лекин сизларда бошқа чора йўқ, — Пестель давом этди.— Аммо шундай кишиларга топшириб қўйилган муҳим ишларнинг шўригавой!

— Марҳаматларига ташаккур! — Пушкин ўзини тутолмади.

Лекин Пестель бу сафар ҳам илжаймади.

— Мен, албатта, сизга тегизиб гапирганим йўқ, — деди у жиддий бир оҳангда. Суҳбат асосий мавзу'дан бир қадар узоқлашгани Пестельда норозилик туғдирди шекилли, бу овозидан сезилиб турарди. — Сиз қилиб турган иш, — бениҳоят катта, кўп афуски, биз унинг қадрига етмаймиз.

Бу э'тироф Пушкинни ховлиқтирмади. У ўз ше'ларини эшигтан кишиларнинг чақноқ, сермароқ кўзларидан оламжаҳон таҳсиллар ўқиган. Пестель эса совукқина э'тироф қилди-кўйди, Пушкин бундай ө'тирофни умрида биринчи марта кўриши эди. Лекин у ўзида беихтиёр пайдо бўлган бу ёқимсиз ҳисни зўрга босиб олди. „Мен унинг аллақандай планида бор бўлсан керак, мен бу планинг қандайлигини фаҳмлаб турибман, жуда яхши!“ Лекин, ажабо, мен ҳам...“ деган шошқин ва кескин бир фикр Пушкин миясида барқ ўриб ўтди.

Фикр шу ерга келганда узилди, ортиқ сўзга эҳтиёж қолмади. Пушкин қўёш ёғдусига чўмилган ва фикрлари ҳам худди мана шу ёғду каби равshan бўлган измонга — буйруқлар беришга муқтадир ажаб бир ҳайкалга қарагандек қараб турар ва буни Пушкиннинг ўзи ҳам пайқар, бунда сўзга эҳтиёж колмаганини сезар эди.

Пестельнинг кўллари миёна, хуш андоза. Пестель, узилиб қолган фикрга қайтаётганини билдириш учун бўлса керак, чап қўлини бир зумгина кўтариб, қандайдир ҳаракат қилганда унинг номсиз бармоғидаги узуги офтобда йилтираб кетди. Бу кимнинг узуги — ёриникими ё онасиники? Пушкин суҳбатдошининг уйланмаганини пайқади.

— Бундай одамларни узоқ жойларда тутиш керак, — Пестель даҳшат блан давом этди. — Ҳарқандай иккиланиш, ҳарқандай шубҳаланиш — ҳалокатга олиб боради. Бу мағлубият йўли, фалаба йўли эмас. Бу ерда дадиллик ҳам кифоя қилмайди. Дадиллик — қандайдир „умумий“ бир нарса, — Пестель қарийб бир нафрат блан илова қилди, — бизга эса „умумий“ нарса эмас, — аниқ, конкрет нарса: характер ва ақл керак. Пухта характер ва риёзий ақл керак.

Пушкин, Инзовнинг: „Агар у ўзидан чарчамаса, чинакам баҳодир экан“ деган та'рифини эслаб, ўзича ажабланди. Лекин „биз“ „бизга“ дегани нимаси? Бунинг ма'носи қандай бўлди? У бир ҳоким, бир лашкарбошидек гапиради. Хўш, қўшини қайда? Ёки Александр Раевский, Орлов Москвага бориб келгандан кейин, „Москвада ишлар барбод бўлибди“ деб хато айтганмикан?

У Пестельнинг Москвада бўлмаганини, Жамияти хайрияни ёпиш тўғрисидаги қарорнинг Пестельсиз қабул қилинганини билмас эди. Пестельнинг бу қарорга бўйсунишдан воз кечганлиги ва Жанубий жамиятда раҳбарлик қилабошлигани яна ҳам камроқ ма'lум эди, буни ҳатто Кишинёвдагилар ҳам унча билмас эдилар.

Охотников блан Владимир Раевский Орловдан ўзларини ил гарига қараганда нима учундир анча тортиб қолдилар. Пушкин буни сезар, лекин сабабини билмас эди. У: Михаил Федорович Орлов ҳозир бошқа ишлар блан, ўзининг шахсий ишлари блан жуда ҳам банд бўлиб кетгани учундир, деб ўйларди...

Пестель, ер масаласида адолатли тартиб ўрнатиш планлари ҳақида гапириб, бу тартибнинг ҳозир крепостнойлик ҳуқуқи орқасида помешчиклар кишашибанд қилиб олган меҳнаткаш ҳалқ манфаатлари ва юксак ахлоқ талаблари асосида қурилиши ке-

раклигини айтди. Шу гапларни айтиб туриб ҳам заррача ҳис ва ҳаяжонга берилмади. Ҳамма нарса пухта ўйланган, аниқ ўлчанган эди.

— Табақалар битирилиши лозим: Крепостнойлар табақаси ҳам, подшоқлар табақаси ҳам, — Пестель заҳарли қилиб гапирди ва табассум ўрнига қора кўзларида биринчи даф'а ўт кўринди. — Қонун олдиди ҳамма баб-баробар бўлади ва ҳаммага шахсий даҳлизизлик та'мин этилади... — Кейин, Пушкинга қараб туриб, илова қилди: — Матбуот әркин бўлади. Ана шунда сизнинг ше'ларингиз бизгагина эмас, ҳаммага бориб етади, зеро битта ҳам саводсиз киши қолмайди!

Шудам Пушкин ўрнидан туриб кетди. Шу салқин ва сарин сабоҳда калбининг қаериидир ўт олганини сезди. Шу қадар содда бир фикр! Ана шу фикр ўз қаршисида ўтирган салобатли киши оғзида реаль бир ҳақиқат каби янгради-да, Пушкинни ўрнидан турғизиб юборди.

Пестель энди ерни адолат блан бўлиб бериш ва хўжаликни бошқача қуриб, ер маҳсулотини мўл-кўл қилиш тўғрисида, сўнгра фабрикалар тўғрисида гапирди.

— Агар, зироат хусусий мулкчилик ва тенгсизлик негизини мустаҳкамлаб, қулликни давом этдирса, фабрикалар бойликининг янги манба'ларини очиб, инсонни гражданлик ҳуқуқига өриштиради, мустақиллик ва озодлик руҳини ёди.

Пушкин, бу сўзларга у қадар тушиниб етмаса ҳам, Пестель фабрикаларнинг тараққиёти фан блан сан'атни гуллатади деяр ва уни зўр бериб исботлар экан, у нимагадир бош қимирлатиб ма'кулларди.

Бу Пушкин суҳбатдоши томонидан айтилган энг ажойиб фикрлардан бири эди.

Ҳа, у ғалабадан ўзининг олийжаноб мақсадини — кишилик баҳтини кўриб турган бир лашкарбоши, бир саркардадек гапиради. У одамлар тўғрисида ўйлайди ва хаёлда ўз давлатини қуради. Лекин ўз давлатини қура туриб, бир фотиҳ каби, дун'ёга ҳам кўз ташлайди.

Пушкин Пестельнинг Наполеон ҳақидаги фикрини сўраган эди, у дарҳол жавоб берақолди:

— Наполеон чинакам улуғ киши бўлгану, лекин... агар Россия унинг тажрибасини тақрорлайдиган бўлса, албатта, бошқачароқ тақрорлаши керак бўлади. Наполеон — маҳорати блан эмас, қобилияти блан Наполеондир. Лекин у бошқа ҳалқларнинг ҳам исте'дод ва қобилиятини ҳурмат қилиши керак эди. Ҳўш, ҳалқ кимлардан иборат? Наҳотки юқори мартабали одамлар ва дворянлардангина иборат бўлса?

Пестель хайрлашиш маҳалида, ҳамма одамлар сингари, энг муҳим масала — ўзининг шахсий масаласи ҳақида гапирди. У ўз вазифаси тўғрисида эмас, бундан қанчалар юксак нарса тўғрисида, бурчи тўғрисида гапирди.

— Лекин, — дея илова қилди, — шуни қаттиқ әсда тутиш лозимки, метин ироди, темир характер, билим ва маҳорат жанг му-

ваффақияттнинг мутлоқ шартларидан ҳалос. Ҳодисадан кечикмай, ундан ўтиб ҳам кетмай, худди ўз пайтида, айни минутида қарорга келиш — ҳал қилучи аҳамиятга эгадир.

Пушкин күчага гандиракланмай, беҳузур бўлмай чиқди. Пестель блан бўлган сұхбати унга бениҳоят катта ҳаловат берди. „У мен билган энг ақлли кишилардан бири, — деб ўйларди Пушкин.— Қани энди буни Чаадаев блан учраштириб қўйсам!“

* * *

Пушкин Орлов блан ҳам, Инзов блан ҳам килган сұхбатларида „Лайбах“ сўзини кўп тилга оларди. Ма’лум булишича, Лайбахдагилар ҳам муҳим давлат ишлари блан бирга Пушкинни ёддан чиқармас эканлар. Сургундаги шоир ҳарбий бошлиқларни, ҳукуматни эл олдида, ҳатто майхоналарда очиқдан-очиқ сўкаёттир, деб жосуслар подшоҳга чақимчилик қилганлари учун, у ердан Пушкиннинг хулқи, хатти-ҳаракати тўғрисида ма’лумот сўраб граф Каподистрия томонидан ёзилган ва подшоҳнинг ўзи тасдиқлаган бир нома келди.

Пушкин бу масалада ҳақиқатан ҳам ўзини қисиб қўймаган эди. Лекин Иван Никитич Инзов, буни яхши билса ҳам, Лайбахдан келган номага чинакам одамохунлик блан жавоб берди: „Пушкин мен блан бирга туради, ўзини яхши тутади ва жуда ёмон тўпалонлар юз берган кезларда ҳам уларга ҳеч аралашмайди“, деб ёди. Шу муносабат блан яна битта яхшилик қилди: Петрбургда унга белгиланган йилига етти юз сўмлик маошнинг шу ерга юборилишини ўтишиб сўради. „Ана шу ойликни олмай келаётгани ва ота-онасидан ёрдам кўрмәтгани туфайли (қўлимдан келганича ҳарқанча қарашиб турганимга қарамай), у кийиниш-кечишт бобида анча қийналиб қолди“, деб хат ёзи.

Инзов охири Пушкиннинг ойлигини олдирди ва Кишинёвда ундан иккинчи марта талаб қилинган икки минг сўм қарзини ҳам бекор қилдирди. Пушкин барон Шиллингга ютқазиб қарэдор бўлиб қолгани учун берган тилхатига қўл қўйган пайтида ҳали вояга етмаган ёш бола эканини ва ўлик мулки ҳам, тирик мулки ҳам йўқлиги сабабли у қарзни тўлайолмаслигини ёзиб берадиган бўлди. Шундай қилиб, уни жонибезор қилган хуноб иш таъмом бўлди ва барон ўз ҳақини ўтказиб кетган ноиби икки бармоғини бурнига тиқиб қолаберди.

Пушкин сиқиларди. У қисқа муддатга бўлса ҳам Петробургга боргиси келар, ижозат берарлар деб умид қиласар, гоҳ яшириқча Ипсиланти олдига кетиб қолсамми деб ўйларди. У Греция армиясига қўшилиш мақсадида Ипсиланти ёнига кетаётган бир ёш француздан унга нома ёзиб юборди. Инзов, Пушкиннинг сиқилганини кўриб, икки ҳафтага Одессага бориб ўйнаб келишга рухсат берди.

Бу саёҳат Пушкиннинг баҳрини очди. У яна денгиз ва тўлқинларни кўрди. Денгиз бўйидаги шовқунли шаҳарнинг қайноқдаёти, кўркам баҳор манзаралари уни мафтун этди, Пушкин бу

ерга дастлабки кунлардаәк келақолмаганига ачинди ва Одессада қайнашган янги хабарларни жон қулоги блан тинглай бошлади.

„Ақл шодиёнаси эңг юксак нұқтасига етди, — деб ёзди у, яқин дүстларидан бирига. — Ҳамма грекларнинг фикри-зикри фақат бир нарсага!— қадимий Ватаннинг мустақиллігіга қаратылған. Одессада қызық манзарапар: Дүкөнларда, күчаларда, майхоналарда, ҳамма ерда греклар аламони; улар бор-бурдларини арzon-арzon сотиб қилич, милтиқ, тұппонча олишмоқда; ҳамма Леонидни, Фелистокльни гапиради. Ҳамма баҳти Ипсиланти қүшинига кириш учун шошилади. Грекларнинг молижонлари үшанга бағыланған!“

„Фалати манзара! Мудхіш йүқлик өзінде қулаб кетған иккі улуғ халқ үз гүридан айни бир вақтда туриб ва янгидан жонланиб дун'енинг сиесат майдонида пайдо бұлаётір. Ипсиланти-нинг бириңи қадами гүзәл ва порлоқ! Йигирма саккыз ёшида бир құлидан ажралды — савоб иш мұждаси! Шу дамдан бошлаб үладими ёғолиб бўлиб қолади, барибир, тарих саҳифасига киради. Ҳасад қилишга арзийдиган бир толи'...“

Ана шу олийжаноб урушга бораётгандарга Александрнинг астайдил күзи куяди. Бундай одамлар, фидоилар, кам әмас. У құзғолон авж олабошлаган ердан қочиб келген кишиларни күрган пайтлари ҳам бўлди. Пушкин улардан ёниқ бир ҳавас блан гап сўрар, лекин улар берган ма'lумотлар тасодиғий нарсалардан иборат бўларди... Шунинг учун ҳам у Пестель кетиб қолмасин деб Одессадан тезроқ жўнашга шошилди.

Бу янги учрашувлар Пестельнинг қандайдир янги томонларини очиб ташлади. Пушкин унинг бу томонларини илгари аниқ тасаввур қилолмаган бўлса ҳам, ўзида аллақандай туманли ҳаяжонлар уйғонганини билар эди.

Князь Ипсилантига тарафдор киши ўзини қандай тутса, Пестель ҳам Италияга кетатуриб Кишинёвга қўнган ва бу ерда анчагина туриб қолган молдаван ҳокими Михаил Суццо ҳузурида ўзини шундай тутарди. Тўғри, бу ерда ортиқча гайрат кўрсатмаган ва баландпарвоз гаплар қилмаган бўлса-да, ҳарҳолда, грек қуороли учун муваффақият тилагида эканлигини яширмади.

Пушкин бу икки суҳбатдошни мароқ блан кузатиб ўтириди.

Разм солмаган кишига совуққондек кўринган, лекин қанча яширишга уринса ҳам асло яшира олмаган ички ҳаяжони юзага уриб турган Суццо бу „подшоҳ қўзи“нинг кўрилиши лозим бўлган нарсаларни кўришидан ва кўрилиши лозим бўлмаган нарсани кўрмай қолишидан ғоят манфаатдор эди. У Пестельни „Подшоҳ қўзи“ деб Пушкиннинг қулогига секин шипшиб қўйди. Суццо „овозаси ҳаммаёққа тарқалган“ меҳмонининг ақли ва исте'dодига яраша нодир қочириқлар блан гап бошлади. Лекин у кўп ўтмай, бу ҳаракатининг ножӯя эканини, фойдадан кўра зиёни кўшилигини англади.

Денгиз бўйларида ўсган миллат шамол тилига яхши тушинади ва елканлар жиловини маҳкам тутади. Шунинг учун ҳам ҳоким суҳбат оқимини бузмасдан, — акс ҳолда бу ҳаракат сезилиб

қолиши ва хунук бир қўпоплик деб қабул қилиниши мумкин эди,— ўзининг қочириқларини ва Пестель лабларидан учәётган юксак маҳтоворларни ўзини муносабиб ўғли ва лойиқ вакили деб билган мамлакат томонга буриб юборди. Суццо Каподистрияning подшоҳга яқинлигини ва подшоҳ асл рус бўлгани учун ҳам миллатдошларининг адолатли ишларига бутун қалбила хайриҳоҳлик кўрсатиши кераклигини жуда усталик блан ишора қилиб ўтди.

Пушкин Суццонинг бутун ҳисларига хайриҳоҳ бўлса ҳам, тўғри фикрларнинг депломатия жодисидан қирқилиб чиққанини кўриб совуб борди. У диққат блан әшитиб турган нарсаларига ўз муносабатини сра билдиримай жимгина ўтирган оғир Пестельга қараб-караб кўяр эди. „Бу ўйин нима учун?— Пушкин ўйларди ичида.— Бусиз ҳам ҳамма нарса равшан эмасми, ажабо? Пестельни бирон нарсага ишонтираман деб урунишга Суццонинг қандай асоси бор?“

Пестель энди сояга ўтиб ўтиради. Пушкин унга яна бир қарди. Бу роҳатбахш соянинг унга ҳечқандай зарурати йўқлигини кўрди, зоро унинг бирон нарсани яширишга ёки макр ишлатишга сра эҳтиёжи йўқ эди.

Мана энди Павел Иванович Пестель гап бошлади. У ўз докладида ҳамма нарсани аниқ, борлигича ёзиб юборади.

Пестель шундай гапирдик, бирон масалада унга э'тиroz билдириб бўлмас эди. Ҳамма нарса равшан, аниқ эди. Суццо ҳам охири қаноат ҳосил қилгандек бўлди. Лекин Пушкин кўнглида қондирилмаган бир савол ҳамон тинчлик бермас эди. Павел Ивановичнинг ҳақиқатни баён қилишига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин ундаги фикрларнинг қаёққадир интилиши мутлоқ ўз аксини топмоғи керак. Лекин қаёққа?

Пушкин депломат Суццодан кўра узоқроқни кўрар экан. У, Пестель греклар ҳаракатини ҳароий назардан заниф деб топмасмикан, деган ҳадик блан бирнечча саволдан кейиниқ тинчib қолди. Пестель: „Қўзғолон энди бошланди, ишлар чакки кетмаётir, бундан ташқари, Ипсиланти Гречияда ёлғиз эмас, Жанубда ҳам муҳим воқиалар ривожланиб бораётir“, деди. Суццо „яхши“ деб ўйлади. Пушкин бунинг ма'носи нима эканини билмай, Россия трекларга тарафкашлик кўрсатиб, урушга кириши керакми-йўқми деган асосий масалада Пестельнинг ўзига хос қандайдир мавзии борлигини ҳис этарди.

Пушкинни худди мана шу шубҳа безовта қилмоқда эди. Пестельнинг юзидан ҳечнимани билиб бўлмайди. Очиқ-ёруғ гапирмандан кейин, нима қилиши керак, сўраш керакми? Йўқ, тўғри келмайди, хунук бўлади. Нега хунук бўлсин? Бошқа одам бўлса, сўрашдан ийманмас эди, лекин бу айтгиси келмаган нарсани сра ҳам айтмайдиган одам, шунинг учун сўраб ўтириш фойдасиз. Сўраганинг блан, барибир, мақбул жавоб ололмайсан. Қайтага, ўзингни хунук аҳволга солиб қўясан. Галати одам!

Пестель ўрнидан турди ва, кетар олдида табиатсозлик қилиб, Суццонинг Бессарабияда яна қанча вақт туришини, бу ердан қаёққа боришини сўради.

— Қанча туришимни билмайман. Вазият кўрсатади, лекин ўзим Италияга бормоқчиман,—дели Суцдо.

— Дилбар мамлакат Гўзал табиат,—Пестель ошкор бир парвосизлик блан жавоб қилди. — Бу ташвиш ва ҳаяжонлардан кейин у ерда анча дам оласиз.

Суцдо, овозига аллақандай соддалик оҳангини бериб, унинг фикрига қўшилди:

— Ҳа, мен у ерга фақат ўз ишим блан бораман.

Бу жавоб Пестельга ясама бир ҳузур берди. Суцдонинг Италияга бормоқчи бўлиб юрганини илгаритдан билар эди. Молдавани ҳоқими Михаил Суцдонинг сафари қандай бўлишини аниқлаш учун бегумон ва меҳрибон бир оҳангда берган саволига худди кўнглидаги жавобни олди. Бунинг ма'носи Пушкинга кейинчароқ ма'lум бўлди.

Пестель, Кишинёвда ўтириб олиб, докладини шошмасдан, лекин қитдай бир нуктани ҳам кўздан қочирмасдан ёзди. Доклад фақат бирнече шахс учунгина аталган махфий ҳужжат бўлиб қолмади, аммо Суцдо огоҳ бўлмасин деб та'кидлашни ҳам эсдан чиқармади.

Пестель докладида ҳақиқий вазиятни жуда муфассал, жуда мукаммал ёзди. Агар Суцдо кўргудек бўлса: „Фактларни бўртдириб юборибди, ба'зи томонларини холис ёритмабди“, деб ўнка ҳам қилолмас эди. Пестель: „Россиянинг Грекия ишига аралашини керакми-йўқми деган масала юзасидан ҳечқандай кенгаш ўтказилмайди ва бу ҳақда бирон фикр ҳам билдирамайди“, деб унга тўғри гапирган эди. Лекин бошқа, ғоят Муҳим масалада ўз фикрини очиқ айтди.

Пестельнинг ёзишича, Грекия воқиалари „Муҳим оқибатларга олиб бориши мумкин“. Агар итальян карбонарлари саккиз юз мингта бўлса, демак, сиёсий мақсадда бирлашган грекларнинг бундан ҳам ортиқроқ бўлиши эҳтимол. Менинг назаримча, Ипсилантининг ўзи яширик кучлар қўлида бир қуролгина, улар бунинг номидан одам тўплаш учун фойдаланадилар.

Пестель бу сатрларни нимага суюниб туриб ёзди?

Инзов унинг хулосасини ма'қуллар эди. Чунки у грекларнинг бу ҳаракатини ёқтирипас, оқибат э'тибори блан халқ ичига ғўлғула соладиган қўзғолонларга асло кўнгли чопмасди. Энг муҳими шу эдики, Инзов ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашини мутлақо ма'қулламагани устига „ҳамма бурчакларда“ уруш бўлиб туришига тарафдор ҳам эмас эди. Унинг қайғиси ва фикри-зикри ўз қўли остидаги вилоят доираси ичida ўрвалишиб қолган. Унинг бошидаги қайғи янги вилоятларга одамлар кўчириб келятириш ва у ерда тартиб ўрнатишдиган иборат эди.

Лекин Орловнинг бу масалага қараши Пестельнидан бутунлай бошқача, зид деса ҳам бўлади. Доклад авторининг мавқу'ини Пушкин ана шу Орловдан билиб олди. Натижада Александр Сергеевич жуда ажабланниб, бирмунча бўғилиб юрди.

Орлов ўзидан эшигтан нарсаларни ҳечкимга билдирамасликни ва Пестельдан ҳечнарса сўрамасликни талаб қилгандага, Пушкин яна ҳам баттар хуноб бўлиб кетди.

Шундай қилиб, Пестель очиқ·очиқ айтмаса ҳамки, құдратли Россиянинг заиф ва мазлум Грецияга ёрдам беришига қарши эди. Ажабо, революционерга ярашадиган мавқу'ми бу? Ақлга сиғади-ган қилиқми бу?

Бу нарса Пушкин учун ғалати ва ҳаяжонли бир жумбоқ бұлиб қолди. Шундай бұлса ҳам бу одамнинг ғоят зүр ички кучи Пушкин ә'тиборини ҳар доим үзиге жалб қилиб келарди. Улар гарчи одамлар олдиде бұлса ҳам, бир-бирлари блан күп учрашдилар. Пестель күнглида бор нарсаларнинг тұрттан бирини гапирса-гапи-пар, бұлмаса құлф-дилини очмай үтириб оларди.

Пушкин туғилған кун — йигирма олтинчи майды Пестель ҳам зиёрат қылғани келди.

Шу кун Инзов тантанали үтиришнинг айбдори соғлигига қадақ күтариб, „Унинг ғоят зүр адабий ишига“ тұла мұваффақият тилади.

Дастурхон атрофидагиларнинг ҳаммаси „ура“ деб қичқиришга шайланған ва шоирнинг ҳүрриятпарварлық руҳидаги ижодига ўлка губернатори томонидан құққисдан мұваффақият тиланиши шара-фига қадақ уриштиromoқчи бұлиб турған пайтларida, Инзов құл ҳаракати блан уларни тұхтатди.

— Мен мұваффақият тилагас ишнинг құл остиндеги ўлка учун жуда катта ақамияти, жуда катта давлат ақамияти бор, — деди у.

Инзов гапни нега буёққа буриб юборганини фақат Пушкинғина пайқади. У, кулимсираб туриб, Инзовнинг ён томондан күринишини дастурхонға тирноғи блан чизмоқда эди.

Инзов муддаосини шу сүзлар блан тамомламоқчи булди:

— Бизнинг янги туғилған чақалогимиз молдавандарнинг фран-цузы тилемде әзилған қонунларини менинг топшириғим блан тар-жима қилаётір. Мен ана шу ишга мұваффақият тиладим. Фран-цузы тилемни мұкаммал билғани ва проза соқасидаги ажойиб та-ланти...

Инзов гапни тамомлай олмади. Ҳамма қаҳ-қаҳа уриб кулиб юборди, янги туғилған чақалоқны ҳам, кекса асқиябозны ҳам ча-паклар блан табриклай бошлади. Пушкин бунга жавобан:

— Генерал жаноблари ижозат берсалар, яқында ҳазрати Мусо-нинг ўнинчи насиҳатини ше'rға согланимдек, бу қонунлар мажмуа-сининг ҳам ба'зи бобларини ше'r блан таржима қилишга уриниб күрар эдим, — деди. Генерал унга бармогини бигиз қилиб „хай-хай“ дейиш блан кифояланди.

Пестель зиёфатда йўқ эди. У Инзовниға эмас, түғри Пушкин бұлмасига кириб келди. Бу орада тантана маросими тамом бўлған эди. Улар Пушчин ва Алексеев блан бирга тұрттовлашиб саир қилишга чиқиши-да, Пушкиннинг таклифи блан Ясси застасидаги овохтани ва олғов-далғов муносабати блан сүнгги кунларда жуда ҳам кўпайиб кетган қароқчиларни бориб кўрадиган бўлишди. У ерда Прутнинг ул юзидан үтган ва шираға қараб ўрмалашған чумолилардек буёққа юриш қылған ўзимизнинг „рас-сили“ қароқчилар үтиради. Абжирлиги блан ҳамкаслари орасида довруғи кетган Тарас Кириллов номли бир рус қароқчи борлигини

Инзов Пушкинга айтган әди. Александр Сергеевич ўша қароқчини күргиси келиб қолди. „Ака-ука қароқчилар“ ҳақида қачонлардан бери ёзмоқчи бўлиб юрган мавзу‘и яна тивирлай ва нималарнидир тивирлай бошлади.

Кириллов блан бўлган учрашув муваффақиятли қиқмади. Қароқчи аввало ўзининг ташқи қиёфаси блан Пушкиннинг дидига ўтиրмади. Тўғри, у асл қароқчилар сингари соч-соқолларини қўйиб юборган, қослари чимирилган, кўзлари хунук, қадди миёна, ўзи чувак бўлиб, очиқкан бўрига жуда ўхшаб тушган бўлса-да, ҳар-ҳолда, агар истаса, кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин әди. Лекин бундай қилмади. Фақат қўрс ва қисқа жавоблар блангина кифоялланди.

— Сени аллақандай бир монахникида қамоқча олишгани ростми? — деб Пушкин сўради.

— Монахникида пишириб қўйибдими! — Кириллов жавоб берди. — Монахлар бир-бирининг кўзига чўп тиқишиади. Генераллар бўлса бошқа гап, ҳаммаси бир хил, бир ёқадан бош чиқаришиади.

У бирмунча кексайиб қолган бўлса ҳам, ҳали ўзини тетик тутадиган Пушчинга кўзини олайтириб, нафрат блан қараб қўйди. Пушчин, йўғон қорини сўлқиллатиб, гап қайтармоқчи бўлди.

— Лекин, оғайни, генераллар ҳам ҳархил бўлади.

— Ҳархил бўлиши мумкин, — қароқчи шартта жавоб берди. — Лекин сен, жавоби генерал, бутун авзойингдан кўриниб турибсан, сен бир хиллардан!

Пушчин юзидаги табассумни зўрга тарқатди ва, индамай турган камгап Алексеевни қўлтиғидан олиб, жадал нари кетди.

— Ёқмади шекилли, — Кириллов билинар-билинмас бир табасум блан генерал орқасидан гапириб қолди.

— Топдинг, оғайни, — Пушкин, кулиб туриб, унинг хулосасини қувватлади.

Пестель тапга аралашмади. Лекин унинг сукунати — ҳарқандай ўтиришда одамларнинг юрагини қон қилиб юборадиган, жўрттага қилинган совуқ сукунатлардан эмасди. Бу сукунат ниманидир ўйлаб қолган киши сукунатини эслатарди.

— Мен ҳам кетдим, — деди у секин, Пушкинни енгидан туртиб.

Кейин, сёқларида кишин блан ўтирган қароқчи томонга бошини салгина әгиб қўйиб, узоқлашди. Қароқчи ўзига бир оғиз ҳам сўз айтмаган ўрта бўйли, сарв қоматли, жиддий қиёфали офицернинг орқасидан қараб қолди.

Кириллов қисқа бир сукунатдан кейин яна гапириди:

— Мана шу одам ҳам, агар пешонасига битган бўлса, қароқчилик қилаолар әди. Биз ўз кишиларимизни бир қарашдаёқ билиб оламиз. Қўлидаги узугини кўрдингми? Онасининг узуги. Бизга ўхшаш қароқчиларнинг юрагида она меҳридан бўлак ҳечнарса бўлмайди.

У, овоздини яна ҳам пасайтириб туриб, қўйидаги сўзларни айтганда, Пушкиннинг ҳайрати авжига минди:

— Сен ҳам бизнинг қароқчилардан ё монахлардан бўлсанг керак. Ажаб эмас... Якка ўзинг кел, агар ҳоҳласанг: бемалолроқ гаплашамиз.

Пушкин кета туриб бу дадил гапни ва Кириллоънинг одамларга нисбатан ҳушёргигини ўйлади... „Лекин мен ҳеч ҳам монах эмасман, — Пушкин ўз ичида кулди. — Пестель бўлса... ким билади. Ҳафтада бир марта кулса-кулади, бўлмаса — йўқ...“

Пушкин ташқарига чиққанда кўрган биринчи нарсаси: ярим-еरти монахча кийинган бир киши бўлди. Унинг қаёридир танишдек кўринди. Шу вақт бир тўда одам ўтиб қолиб уни дурустрок кўришига халақит берди. Пушкиннинг ҳамроҳлари харсанг тошлардан қурилган ва бутун Кишинёвда энг азамат бинолардан ҳисобланган овоҳтани узоқдан тамоша қилмоқда эдилар. Кимдир қўли блан дарвоза устига ишора қилди. Пушкин калласини кўтариб қаради ва „жаҳаннам дарвозаси устида“ги: „Ҳалок қилиш учун эмас, тузатиш учун“ деб ёэилган лавҳани баланд ва нафратли овози блан ўқиди.

Шу он ўткинчи аламон ичидан бир акси-садо каби шу сўзлар янгради:

— Ўҳӯ, жуда кетворган қал’а эканми! Лекин қал’аларни вайрон қиласиганлар ҳам кўп бўлади!

Овоз ҳам таниш... „Наҳотки у менинг Полифемим бўлса?“ Шу чоқ қоравул жулдур кийимли одамларни қувиб юборди—Пушкин ҳалиги одамни кўролмай қолди.

Ха, дарвоқи', Пушкиннинг э'тибори бошқа нарсага жалб бўлиб қолган эди. У ўзини жалб қилган нарсани олдин эшилди, кейин, ҳамроҳлари томонга қараб, кўрди: Пестель кулмоқда!

Бу — қалбнинг энг чуқур жойидан чиққан, зўр-эўракисига пайдо бўлмаган, айни замонда барқ уриб ўтган яшинга ўқшаш қисқа, заҳар тошиб турған тантанали бир кулги эди. „Йўқ, бу одамга шак келтириб бўлмайди!“.

М.И СМОИЛИЙ
таржимаси.

СУЛТОН ЖҮРА

ПУШКИНГА

«Кўлла созлаб бўлмайди тиклаган ҳайкалими.
Халқнинг зиёрат йўлин майса-гиёҳ қилмас банд!»

«Ҳайкал».

A. С. ПУШКИН

Олтин сан'ат уфқининг
Жозибадор қуёши,
Ҳали руҳда ёнур, ҳар
Лирик ше'ринг зиёси.
Созинг—сўзлар боғини
Гуллатучи навбаҳор...
Та'рифингга ожизман,
Кам, дурдона ҳар боҳом...
Фикринг мармар сатрга
Нақш этилган зар муҳур.
Ҳам ой каби оҳиста
Ўтар асрма-аср.
Торинг пардаларидан
Учар әкан бир куй-ҳур,
Ҳукм этилган қотилдай
Титрар эди тахт-қаср.
Сен ҳурликни, дўстликни
Севганингдай азалдан,
Биз севамиз, асрдош!
Ижодингни, отингни.
Ҳар мисра'инг афзалдир
Минг яланг поч фазалдан.
Бахтиёрман меросга—
Олдим шоҳ сан'атингни.
Оҳ... Миянгда яширин
Асл дурлар конидай
Қанча ижод жим қолди,
Бевақт чўкиб қабрга.

Фожиангни ўқиркан,
Ҳар виждонли бош әгди.
Нафрат ўқин ёғдирди
Рус шоҳининг жабрига!.
Туман босган мазордек
Ўтмуш қолди йироқда,
Броқ, Пушкин, тириксан
Бизнинг олов юракда.
Ҳайкал йўлинг—нур сўқмоқ,
Ҳам унмаган ўт-янтоқ,
Ше'ринг ҳамон тилларда
Минг ўқиса дил чанқоқ...
Ҳар сатрингга беркинган
Олий хислат, дур фикр...
Афсус, орзу килдинг-да,
Қўролмадинг ҳур фикр.
• Бир шоирким исёнкор,
Ҳар пастликни қилди фош.
Броқ якка... Бўлди хор!
Қотили—шоҳдир, қалби тош...
Эй, шоҳ сан'ат уфқидан
Қалқиб чиқсан ёш қуёш!
Иқтидоринг белоён
Асрларга намуна...
Салом, буюк асрдош,
Фазал айтай номингга!
Ҳурмат гулин тутаман
Сенинг ёдгор, ша'нингга!..

1937 йил, Февраль.

ОЙБЕК ПУШКИН

Ше'р қуёши дейдилар — эмас беҳуда,
Сўзлари дилларни қуёшлантирас.
Қуёшдек баланду тантидир жуда,
Нафасидан мудом ёш кўклам эсар.

Улуғ рус қалбини, әркни тараннум
Айлади созида дадил, пурвуқор.
Қудратли сасидан титради тахт, зулм.
Нур, ҳақиқат учун шоир дўст-ёр.

Бу куйчини куйлар улуғ Ватанинг
Бор халқлари севиб ўз тилида шан.
Унинг чечаклари барча чаманинг
Хуснини бойитар жонли ранг блан.

Кўм-кўк Фарғонанинг далаларида,
Тошкент боғларида куйлари янграр.
Қадим Самарқанднинг болалари-да,
Пушкинни қўлтиқлаб мактабга чопар.

Шўх Аму дар'ёнинг соҳилида ҳам
Хоразмли қизлар айтади лапар:
Нева бўйларида тўқилган кўркам
Ше'рдан бугун ўзбек юраги гуллар.

Қўшиқларимиз бир, дилларимиз бир;
Дар'ёларимиз бир, оқсада ҳарён.
Пушкин тўйи ўзбекнинг ҳам тўйидир,
Тўй боши, баҳт боши Сталин бўл омон!—
Бўл омон!

ФОЗИЛ ЙҮЛДОШ ҮГЛИ

ПУШКИНГА

Фам блан сарғайиб гулдайин дийдор,
Оч-яланғоч өлга эди дун'ё тор.
Эл ҳасратин айтиб әдинг сүэ блан,
Бир эди ўйлоринг-ғаминг биз блан.
Фамли қул ғамини кимга ёради,
Ҳар кишида минглаб орзу бўлади...
Қорангида турли сўзлар битгансан,
Элим деб, ҳалқим деб, сен ҳам ўтгансан,
Умид қилиб ёруғ, яхши кунларни.
Душман дуэль қилиб ниҳол кётгансан.
Сени отдирган подшолар ҳам қуриди,
Суяклари чил-чил бўлиб чуриди.
Ленин ёқди ёруғлиқнинг чироғин,
Сталин қурди элимиз гулбогин...
Рус ҳалқи ўзбекнинг оғаси бўлди,
Қувониб шоирнинг кўзи нурланди,
Элим эркин, миллатларнинг бари шод,
Шундай кунда сени қилас ҳалқим ёд.
Тугилибсан юз эллик йил илгари,
Тўйингни қиласди қутлаб эл бари.
Саксон ёшга яқин етиб бахтиёр.
Шоир бўлди партиядай миннатдор.

Апрель, 1949 йил,
Ташкент.

ШАЙХЗОДА

У КУН

(Пушкин учун)

Балки у кун ёзилибди зарҳалдан —
Рус ше'рининг сарлавҳаси устивор,
Ўсмир Саша тўқиган илк ғазалдан —
Зўр девонга қўйилганди пойдевор.
Москвада бир ёэ куни балқиди
Рус ше'рининг мангу ўлмас қуёши,
Бу достоннинг қалби, жони ва боши
У азамат, лекин тутқин халқ эди.
На'ра солди рус даштида бурондай,
Гоҳо оқшом қўшигини куйлади,
Юрак дардин сўйлади,
Саҳарларни олқишилади пайдар-пай.
Замонларнинг чегарасин ўтиб у
Булутларни ёриб келди шу'ласи,
Бир шу'лаки нафосатдай соф, мангу,
Ҳаволарда кўнгил овлар жилваси.
У кун... Албат мужда эди кўп яхши:
Тугилибди олтин қалам бир бахши.
Балки у кун ёзилибди зарҳалдан
Рус ше'рининг сарлавҳси устивор;
Ўсмир Саша тўқиган илк ғазалдан —
Зўр девонга қўйилганди пойдевор.

СВЕТЛАНА СОМОВА

ПУШКИНГА

Бу кун, шоир, сенинг туғилған күнинг.
Нурдан поғандозлар түшаб йўлингга;
Бахтиёр авлодлар табриклаб тўйинг,
Ше'рий гулдасталар тутарлар сенга...

Олпоқ тонг... Сен, мана, гўзал бўстонда —
Она юртнинг шаҳар, қишлоғидасан.
Мен беҳад хурсандман ва ҳаяжонда,
Шарфасиз изингдан қувнаб бораман.

„Навоий“ театри томонга оқиб,
Олдинда бормоқда дўстларим менинг.
Жингалак, қоп-қора сочингга боқиб,
Тўп-тўп кетишмоқда орtingдан сенинг.

Тўхта, шоир, бироз бу қасрга бок,
Ганчлардан жим-жима нақшлар, бўёқлар;
Чироқлар нурининг мавжида порлоқ,
Очилган гуллардай товланар, ёнар...

„Б’хоро залин“ кўр,
Мана, бу хона —
Хоразм усталарин жонли бўстони!..
Ўзбекистон қурди шундай кошона,
Бу унинг фахри ҳам ўлмас достони.

Б: эга уруш очиб келган фашистлар
Сенинг Лицейингни ёндирган кунда,
Маданият-чун жангга қўзғалған бизлар
Б: бино илк ғиштин қўярдик шунда.

Биз енгдик. Ана, бок деразага, шоир,
Она тупроғингни сақладик мағрур.

Бепоён ва озод ватанинг ҳозир
Коммуна тонгининг құчоғида, күр!..

Күрдингми шод, қувноқ шерикларингни,
Советлар Шарқида бахтиёр авлод;
Гүзәл ва дилрабо шे'ларингни
Севиб ўқишиади, дайларида ёд...

... Сағнага жимгина тикилган күзлар,
Баландда каттакан суратинг ёнур,
Нурлардан күзлари қамашған қызлар —
Қалбидан янграйди овозинг мағрур!

М. БОБОЕВ
таржимаси.

ҲАЙКАЛ

Күча жанги борар қишлоқда,
Үқ товуши янграр ҳарёnda.
Туар әди Пушкин ҳайкали
Кузатгандек мағрур, майдонда.

Ёв келарди бостириб ҳамон,
Тенгсиз әди бу кирғин, бу жанг.
Оғидан үқ еган жангчи
Үтди ҳайкал ортига аранг.

Қон оқарди худди сонидан,
Юзларida қолмаганди қон.
Кетса ҳамки кічдан мадордан.
Үқ узарди тұқтамай ҳамон.

Босиб кирді донга немис,
Үқ ёғыраңай ярадор.
Зүрайса да аммо у
Чекиң ғынхор.

Ҳалок ғана имай. Ҳайкал
Ташлар әди бошига соя.
Жангчи үлдік гүё Пушкинини
Сүнг дамғача қилиб ҳимоя!

ВЛАДИМИР ЛИПКО

ПОЭЗИЯ ҚУЁШИГА

Илҳомнинг жўш урган пайти бўлади:
Бетиним оқади фикр кетма-кет,
Саҳифа мисра'лар блан тўлади,
Тақдирин кутади ҳарбир янги бет.
Бир ерда,

Келганда фикр тобига,
Шоир кўзда намлаб қувонч нурларин,
Илҳом оқимининг бебош гирдобида,
Саралай бошлайди софлик дурларин...
Шундай пайтларимда

Чулғаб хаёлим
Куз олдимга келар буюк сан'аткор,
Учқур тулпорининг тўзғитиб ёлини,
Мен томон талпинар гўё.

Мададкор.

Тонг нафаси келар,
Уфқ қонталаш.
Болдин қирларининг кузги чиройи,
Терак япроқлари олтин аралаш,
Бу — буюк шоирнинг илҳомбахш жойи.
Заҳматни,

Йилларни қолдириб ортда,
Тонг қўйнидан чиқиб елади ҳамон;
Поэзия қуёши,

Қанотли отда
Келаётир Пушкин шопиб биз томон!

АСҚАД МУХТОР
таржимаси.

МИРМУҲСИН
ПУШКИН НОМИДА КОЛХОЗ

Фарғонада Пушкин колхози бор,
Води бўйлаб ёйилган донги.
Яшнаб ётир чексиз пахтазор,
Мардларининг йўқ асло тенги...
Сўз етмайди колхозни маҳтаб;
Боғларида абадий кўклам.
Далаларда етилар пахта,
Қишлоқлари кўм-кўк ва кўркам.

Клуб,
Гулзор,
Гулзор ичида,
Тураг Пушкин ҳайкали баланд.
„Халқнинг зиёрат йўлини —
Майса—гиеҳ қилмас банд“.

Пушкин блан колхоз фахрланар,
Чунки колхоз номи — ўлмас ном.
Хар хонадон ичра у юраги,
Хар деҳқонга Пушкин жонажон.

Пушкин тураг
Мағрур,
Бронзадан.
Далаларда, мардларда кўзи.
Азаматлар блан у фахрланар,
Чунки донгдор „Пушкин“ колхози.

1949 йил,
Ташкент.

ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

Россия! Илму-фан, шараф бешиги,
Улгайди бағрингда улуғ рус халқи.
Жағонға әнг ноәб даҳолар берган
Фозиллар Ватани, офтобдай балқи!

Қаҳрамон онадек, мағрур она юрт,
Юз әликка кирди ўғлингнинг ёши.
У шундай ўғилки, қадри бебаҳо,
Шे'рият осмонин сүнмас қуёши.

Истарди: салтанат кулга айлансын,
Инсон қадр топсин, күрмасын ҳеч фар
„Йўқолсин зулумот, барқ урсын қуёш!
Занжирлар үзилсин! Озод бўлсин хал

Унинг ше'рида эрк нафаси бор,
Халқнинг қалб тепиши бўлди оҳанг
Ҳурриятви куйлади маш'ум замонд
Озодлик куйчиси, ўртоқ, замондо

Меҳр-муҳаббатин, шараф-номус
Ватанга атади улуғ вор Пушки
Ҳарбир шоҳ асари ғазет қому
Ҳар байти мазмундор, исен

Ватаним уфқида озодлик тиими—
Қачон отаркан?—деб үтди интизор.
Асрлар давонидан ҳаёт карвони—
Саодат асрига етди. Бахтиёр.

Пушкин! Орзуларинг ҳаётга күчди,
Инсон ҳур ва азиз, Ватан муқаддас!
Ҳар қалбда ҳаётсан, ҳар қалбда ше'рий
Улуг маънада — я сен-да замнафас!

ҲАМИДЖОН НИЁЗИЙ ЭРК КҮЙЧИСИГА

Келади биз истаган чоқ!
(A. С. ПУШКИН)

Ассалом!—дегандек боқар ўзбеклар
Мармар ҳайкалингга ўтиб кетганда.
Аммо, тошиб кетар ғазабу-кеқлар
Мунглик ҳаётингни қисса этганда...

У дамлар зиндоңдек мудҳиш, ва лекин
Сендан уфурарди әркинлик ҳиди.
Москва кўкида сен туғилган кун
Ёруқ юлдуз чиқди—элнинг умиди!

Силади манглайинг кекса Державин
Истиқбол шу'ласин кўрди кўзингдан.
Сибирь маҳбуслари ёвга сақлаб кин,
Курашга ўрганди қайноқ сўзингдан.

Насллар бахти-чун отланди эрлар
Илҳомбахш ше'ларинг қилиб онтнома,
Ўлимга тик қараб ташланди шерлар
Гарчи, қонларига бўялса жома!..

Дўстларинг замондан тополмай вафо,
Дардларин ёзарди кулбангда ҳар гал.
Бу даф'а кўрдилар э воҳ, ҳасрато,
Жаҳондек мазмунни бир ўқ қилмиш ҳал!

Умрингнинг чечаги сўлди ўша кун,
Қуриди ниҳолинг ҳали етилмай.
Орзу-армонларинг, афсус, сен учун
Қўнғир соchlарингдек қолди ешилмай!..

Аммо сен ўлмадинг, қолдинг умрбод,
Олмос мисра'ларла қурдинг обида!
Ғалаба гимнидек қилинурсан ёд,
Ҳар саҳар очилган дил китобида!

Муборак қонинг тўккан Дантеслар,
Бўйнидан қасосинг олди Россия.
Йўқликка қувилди шайтон-иблислар,
Енгач кечаларни порлоқ идея!

Курдик, сен билгандек дун'ёда бир юрт,
Бир юртки, тупроғи — олтин, эли — мард.
Бунда оғайнидур рус, тоҷик, удмурд...
Бунда туз тотиган сра кўрмас дард!

Чўлларни гул қилиб, тоғларни ўйган
Танти ўзбекка ҳам асиł ўғлонсан.
Ҳатто, колхозига номингни қўйган
Деҳқон тўрисида азиз меҳмонсан.

Доим авлодингни шундай баҳтиёр
Кўрмоқ истар әдинг, энди мана боқ!
Чиндан ҳам, гулшанг айланди диёр:
О, Саша, келди биз истаган чоқ!

Тошкент, 1949 йил.

ЖОНРИД АБДУЛЛАХОНОВ

ПУШКИН ҲАЙКАЛИ

Биз ўқиган мактабнинг
Ҳавлиси жуда ҳам кенг.
Чор атрофи дарахтзор,
Турли мевалардан бор.
Ҳавлининг марказини
Тахминан қирқ газини,
Чолиб аввалги баҳор,
Қилган әдик биз гулзор.
Полларга бўлиб ҳар йил,
Гул өкардик хилма-хил.
Бу йил кўкламда эса,
Ортиқ ишлаб ўн ҳисса,
Уруғни сепдик қалин.
Сўнгра Пушкин ҳайкалин
Ўрнатдик хўп яхшилаб,
Наққошлардек нақш یаб.
Ҳайкалнинг тўрут ёнига,
Тўрут ясси томонига
Шиор ёздиқ ҳал блан
Ўзининг ше'ларидан.

Кирсангиз биринчи бор,
Ўқийсиз шундай шиор:
„Қўлла созлаб бўлмайди
Тиклаган ҳайкалимни,
Ҳалқнинг зиёрат йўлин
Майса гиёҳ қилмас банд:
Юксалди мағрур боши,
Асло қилмай та'зимни
Александр қуббасидан
Ҳам баланд...“
Мактабга у яна ҳам
Хусн беради кўркам.
Бу ҳайкал бизда ҳарчоқ,
Хотира бўлиб узоқ
Туради.

Синфда биз
Ўқиймиз, ўрганамиз
Шоирнинг ҳаётини,
Ижоди ва сан'атини.

В. ЗОХИДОВ

БИЗНИНГ ПУШКИН

Улуғ рус халқи деганимизда тасаввуримизда құдрат ва ғайрат, зако ва даҳо, сабот ва матонат, озодликни севишлиқ ва софлик гавдаланади.

Бу халқ башариятта жуда күплаб гениаль адабиёт, фан, фалсафа арбобларини берди. Улар ўз халқининг бутун олижаноб хислатларини ўзларида тажассумлаштирудилар. Александр Сергеевич Пушкин мана шу арбоблар орасида биринчи ва энг мұтабар ўриннелден бирини олади.

Пушкин ижодида рус халқининг ижоди, унинг даҳосида рус халқининг даҳоси, унинг ижодий гүзәллигіда ва олийжаноблигіда рус халқининг гүзәллиги ва олийжаноблиги, унинг дилида ва тилида рус халқининг дили ва тили, умуман унинг руҳида ўз халқининг руҳи гавдаланғандыр. У том ма'носила рус халқининг генийсідір,— Пушкинга нисбатан тайин этучи ва ҳал этучи белгі мана шундадыр.

Гоголь тамомила ҳақли суратда шундай деган эди:

„Пушкин номи тилга олинган замони фикрда рус миллий шоирининг ёрқин сиймоси гавдаланади... Пушкин фавқулодда бир ҳодисадыр ва, балки, рус руҳининг ягона ҳодисасидір: бу энг камолатта еттан рус кишисидір, бундай барқамол кишини тараққиёт, балки, иккі юз йилдан кейингина бераолар. Үнда— рус табиати, рус қалби, рус тили, рус характеристері...“. „Ҳаётининг ўзи ҳам бутунлай рус ҳаёті“.

Пушкин жуда мураккаб ва оғир бир даврда яшади ва ижод қилди. Мустабид чоризм ва қабиқ амалдорлар, талон-тарожчи помешчиклар ва мунофиқ руҳонийлар реакция оловини ёқиб, Россияда тараққиётни, мусбат, илғор фикрни бўғишга қўлларидан келганча ҳаракат қиласар әдилар. Крепостнойлик системаси Россиянинг юксалиш йўлида катта тўғон бўлиб ётган эди. Ҳар ерда ҳоким гурухларнинг зулми ва ўзбошимчалиги кенг ёйилган эди. Бечора ва ҳимоясиз халқ оммаси бениҳоя оғир эксплоатация ва қашшоқлик, фанатизм ва маданиятсизлик асирилгига инграр

эди. Подшо Николайнинг „Харким итоат қилиши керак, ҳечкимнинг ўз фикри ва мулоҳазаси бўлмасин“ деб айтган сўзлари ҳоким принцип ва умумий қонун ҳолига айлантирилган эди.

Александр Сергеевич Пушкин мана шундай зулмат замонида бир маш’ал бўлиб ёнди.

Гениаль шоир Пушкин янги рус адабиёти ва адабий тилининг асосчисидир. Пушкин деярлик биринчи ўлароқ миллий тематикани ўз ижодининг асосий мағизи қилиб олади. У, халқ ижодига „ҳазар“, камситиш блан қараган бирқанча адабиёт арбобларини орқада қолдириб кетиб, шу фольклор материалларидан жуда кенг миқъёсда ва чуқур фойдаланади. Пушкин шу жиҳатдан ҳам поэзияни кенг халқ оммасига яқинлаштирида ва уни халқчил қилди. Шунинг блан бирликда унинг Россияда ўз даврига кўра энг прогрессив ижтимоий онгнинг ривожланишида ҳам роли жуда каттадир. Унинг асарлари реализм блан, ўша вактларда энг илғор бўлган фикр ва ғоялар блан сугорилгандир. Уз ижодининг илк даврларидан („Эркинлик қасидаси“ ва бошқалар) бошлаб то ўз умрининг охирiga қадар инсонни самимий муҳаббат блан севиш, унга чуқур ғамхўрлик, унинг қадри-қимматини юксакликларда тутиш ва муқаддас деб билиш, унга соғф дил блан хизмат қилиш ва бошқа шунга ўхшашлар Пушкин поэзиясининг энг асосий хусусиятлари, ўналиш нуқталари бўлди. Улуғ рус танқидчиси ва инқилобий-демократи Белинский бу ҳақда сўзлаб, тамомила ҳақли ўлароқ: „Пушкин поэзиясининг одамларда гўзаллик туйғусини ва ўз замирида инсонлик қадри-қиммати сари тинмай интилиш ма’носи ётган инсонпарварлик туйғусини тараққий этдириш қобилияти унинг (Пушкиннинг В. З.) поэзиясидаги ўзига хос хусусиятларига кирадир“, деб ёзган эди.

Пушкиннинг дили рус халқининг дили блан ҳамоҳанг урди. У ўз асарларида ўз ҳалқининг орзу ва ҳавасларини, интилиш ва истакларини акс эттирди. У халқ шоири эди, унинг овози — халқ овозининг акси-садоси эди. Буни шоирнинг ўзи ҳам катта ва қонуний фахр блан қилиб 1818 йилдаёқ айтган эди:

Муҳаббат ва эркнинг яширин ҳисси
Қалбда уйғотди мадҳ оҳангини.
Овозим ҳаққоний, мағрүр жарангиги —
Рус халқи қалбининг акси-садоси.

Пушкин том ма’носила халқ шоиридир. Пушкин ўз ватани Россиянинг, ўз халқи — рус халқининг ачиқ тақдир, аламини тортиди. У ўз замонида рус халқининг кўпчилигини ташкил этган крепостной деҳқонларнинг беҳад оғир дардини чекди. Унинг ўз э’тирофича, қул ҳолидаги крепостной деҳқонлар масаласи уни энг кўп машғул этган, энг муҳим ва марказий масалардан бири бўлди. Пушкин ўз ватани блан халқини баҳт ва саодат, нур ва эркинлик қўйнида кўришни орзу қилди ва шу учун тинмай кураш олиб борди.

Пушкин ҳуқуқсиз ва зулм остида фарёд қилған ва инграган миллионлаб инсонларнинг душманларини аччиқ қамчилайди, подшо ва самодержавия салтанатини, чор чиновниклари ва крепостнойчиларни, дворян ва тескаричи руҳонийларни шиддатли таңқидга учратади. У подшони мустабид ва қонхўр, амалдорларни мунофиқ ва ўғрилар, руҳонийларни алдамчи деб атади. У, ким крепостной деҳқонга эга бўлса, ким деҳқонни крепостнойлик қуллиғида тутса, у — одам эмас, виждоидан маҳрумдир, дейди; у дворянларни осиб ўлдиришни савоб иши деб билди; у ким Россияда ўша вақт мавжуд бўлган ҳукуматни ўзгартиришни истамаса, уни мунофиқдир, дейди. Шунинг учун ҳам тасодифий эмаски, Пушкин машҳур декабристлар ҳаракатини севди, куйлади, Пугачев, Степан Разин раҳбарлигидаги деҳқонлар ҳаракатини ёқлади, табриклади.

Фожиа шундан иборат бўлдики, ўз даврининг фарзанди бўлган Пушкин жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунларини билмади; унинг идеаллари маш'ум замонининг ҳоким тартибларига урилиб, ўша вақтларда синиб турди. Бу ҳол даврининг гениаль фарзандининг дилига оғир алам солди, уни ҳадсиз азоблади.

Лекин Пушкин таслим бўлмади. Пушкин ўз ҳалқининг ва ўз ватанининг—рус ҳалқи ва Россиянинг гениаль ва содиқ фарзанди бўлиб қолди.

У ўз ҳалқининг олижаноб хислатларини, құдрати ва қобилиятыни, ўз ватанининг гўзаллигини, дала-қирларини, дар'ё-ўрмонларини юксак маҳорат ва самимият блан куйлади. У „Москва... сўзида қанчалик ёқимли оҳанг ва чуқур ма'но бор!“ деб улуғ фаҳр блан куйлади. У Петербург (ҳозирги Ленинград) ҳақида сўзлаб буюк виқор блан ёэди:

„Севаман сени, эй Петр ижоди,
Севаман келишган қадду-қоматингни...
Яша, эй Петр шаҳри, бўл обод,
Россия сингари турғин мустаҳкам.
Сендаги у синмас ирода, сабот
Енгуси табиий оғатларни ҳам“¹.

Шундай ўйлаш ва куйлаш блан Пушкин тамомила ҳақли эди. Унинг ватани ва ҳалқи шу қадар құдратли ва енгилмаски, уларни ҳарқандай оғатлар енгаолмадилар ва енга ҳам олмайдилар!

Унинг ҳалқа ва ватанга бўлган муҳаббати бирбири блан гармоник суратда чатишиб кетади ва бир бутунликни ташкил этади. Шу муҳаббатга изчил хизмат қилиш — Пушкин учун бир идеал бўлди. Пушкиннинг гениальлиги шундан ҳам иборат бўлдики, у ўз ҳалқининг құдратига инонди, ўз ватанининг келажаги порлоқлигига амин бўлди. Бу ишонч унинг ғайратига ғайрат, изчиллигига изчиллик ва фаҳрига фаҳр қўшди. У ўзининг дўстларидан бирига шундай ёзган эди:

¹ Шайхзода таржимаси.

Хали эрк майлида ёнар эканмиз,
Юрак ҳаёт экан номусга-шонга.
Дүстгина, Ватанга жонни тикканмиз,
Күнгил орзулари фидо ўшанга.
Дүстим, ишон: шубҳасиз балқиб қолажак
Дилбар баҳтиёрлик ёруғ юлдузи,
Ҳам ҳокими-мутлақ вайронасига
Бизнинг номларимизни албат ёзажак.

Генийнинг бу башорати ҳақиқаттага айланди. Мамлакатимизнинг халқлари рус халқининг етакчилигидан, большевиклар партиясининг инсоният даҳолари Ленин ва Сталиннинг раҳбарлиги остида аллақачонлар чоризм қал'асини, қуллик занжирларини парчалаб ташлаб, энг баҳтли ҳаётга, социалистик турмушга әришдилар ва ўтмишдаги ўзларининг Пушкин каби улуғ фарзандларини зўр қувонч блан ёдлаб, уларнинг номларини ўчмас зарҳал блан абадийлик дафтарига ёзиб қўйдилар.

Пушкин ўзининг севимли ватани бўлган бепоён Россиянинг ташки душманларини ҳам чуқур нафратлашни ва аччиқ савалашни ўз эсидан чиқармаган. У босқинчи Наполеонни, унинг армиясининг Россияга бостириб киришини, уларнинг босқинчилик мақсадларини жуда кескин қоралайди, шиддатли нафратлади. Самимий патриот Пушкин оташин ватанпарвар рус халқининг Россияда француз босқинчиларини тор-мор келтирганини, улардан муқаддас рус тупроқларини тозалаганини, Наполеон газандаларининг кенг рус далаларида ва ўрмонларида, шаҳар ва қишлоқларида тупроққа айлантирилганликларини, қаҳрамон рус халқи тарафидан ўз ватанининг мустақиллиги сақлаб қолинганлигини ниҳоятсиз завқ-фаҳр блан қайд қиласди.

Пушкин бу блан қаноатланмайди. Фарбнинг ва денгиз орқасидаги мамлакатнинг очкӯз тескаричилари, йиртқич тўдалари Наполеон ва унинг каллакесарларининг рус ватанида ер остидан ўрин олиб хоки-сор қилинганликларидан керагича хулоса чиқара олмаган эдилар. Улар муқаддас Россияни, мусаффо рус халқини ёмон кўрар, Россия ва унинг халқига ҳархил бўхтонлар қилас, буларга ҳasad блан қарап эдилар, буларнинг моли ва жонига кўз тикишда давом этар эдилар. Улар рус халқини шунинг учун ҳам ёмон кўрар эдиларки, бу халқ одил ва фозил халқдир, бу халқ ўз мамлакатинингина эмас, шу блан бирга бир қанча бошқа мамлакатларни ҳам, Наполеонни тор-мор келтириб, унинг босқинчилигидан ва ўлим панжасидан қутқарди. Улар ўз кучлари блан асоссиз чиранар, рус халқига дўйқ қилас, эдилар ба бу халқни бўғиши, қул қилиш фикридан воз кечмаган эдилар. Пушкин тинч, лекин дарғазаб ётган арслоннинг фарзанди сифатида уларга ташланади, уларнинг устидан заҳарханда қилиб аччиқ кулади. Характерлики, Пушкин бу масалада ҳам бизнинг замонамиз блан, Гитлер вабочиларини хоки-сор қилган, Америка, Англия тескаричиларига қарши кураш олиб бораётган қаҳрамон совет халқининг овози блан

ҳамоҳангдир... У ўзининг „Россияга бўхтон қилучиларга“ деган ше'рида ёзган эди:

Сиз учун, Кремль ҳам Прага ҳам гунгу-лол,
Бема'но кўринади ва қилур сизни мафтун.
Курашларда жасорат, бу қирон, жанг-жадал,
Сиз бизни кўролмайсиз худди мана шунинг чун.
Хўш нима учун? Айтингчи, шунинг учун эмасми,
Москвамиз ўртаниб вайронга бўлганда ҳам,
Биз, сурбет ёв ҳукмига бўйин эгиб қолмадик,
Сиз қалтирас эдингиз, биз турардик мустаҳкам.
Ёки шоҳлар санамин, қора босган зулматни
Жаҳаннам чунқурига кўмганимиз учунми?
Ёки қонимиз блан Европага озодлик,
Шараф, осойишта берганимиз учунми?
Сиз сўзда даҳшатлисиз, ишда кўрсатинг ахир!
Ёки тинч тўшагида ётган эски баҳодир
Измоил жангидаги наизасини тиклалмасми?
Ёки рус шосининг сўзида йўқ э'тибор?
Ё бизга Европала қайтадан жанжал даркор?
Ёки рус ғалабани унугиб қўймиш, пақкос?
Ё озлик қиласизми? Ё, Пермадан Тавридгача,
Финнинг муз чўққисидан оташ Колхидагача,
Метин Кремльдан то Хитой деворигача
Бўлган улуғ рус ери, пўлат қалқон сингари,
Бир бутун салобатла ярқираб чиқолмасми?

Майли, юбораберинг, сўзамол жаноб иотиқ,
Ўз ўғилларингизни қанча бўлса ғазабкор,
Россия ерларидаң, улар учун қадрдан
Шунча қабрлар аро топилиб қолур мазор!¹

Пушкин капиталистик Англияни, тескаричи Американи шу қадар шиддатли танқидга учратадики, унинг бу танқиди ўз күчини шу вақтга қадар сақлаб қелади.

Пушкин гарчи капиталистик жамиятнинг ривожланиш ва ўзгариш конунларини билиб етмаган бўлса-да, лекин у, ба'зиларга ўҳшаб, саноатнинг жамият тараққийси учун бўлган катта аҳамиятини рад этмади. Талон-тарожчи буржуазияни, фрибгар савдо-гарларни, айниқса Англия ва Америка капиталистларининг горатчилигини ва мунофиқлигини кескин танқидга дучор қилди. У Англиядаги завод ва фабрикалардаги ишчининг ўта аянч аҳволини, қашшоқлигини алам блан қайд қилди ва бунинг гуноҳкорларини, — „сукночи Шмидтларни“ ва „игначи Томпсонларни“ бемон фош қилди. Бу ҳақда сўзлаб Пушкин ёзади: „Инглиз фабрика ишчиларининг шикоятларини ўқиб кўринг, соchlарингиз тикка бўлиб кетади. Қанчалик ярамас қийнашлар ва тушиниб бўлмас даражадаги қийнашлар бор! Бир тарафдан, қанчалик сурбет

¹ Ғафур Ғулом таржимаси.

ваҳшийлик, иккинчи тарафдан, қанчалик мудҳициш қашшоқлик бор... Дун'ёда инглиз ишчисидан баҳтсизи йўқдир".

Пушкин Америкадаги ва Англиядаги ҳайвоний шовинизмни жуда катта газаб блан танқид қилади, қоралайди ва чуқур нафратлади. У Америкадаги зўравон "олий" ирқнинг қулдор ва пулдор табақалари тарефидан бечора ва ҳимоясиз миллионларча негрларнинг талон-тарож қилинишини, ҳуқуқсизлантирилганлигини ва ҳайвондан ҳам пастга урилганлигини бир самимий инсон-парвар рус фарзанди сифатида қоралайди ва бунга қарши исбот блан чиқади. Пушкин инглизлар суқулиб кирган ва кираётган мамлакатларда уларнинг (инглиз горатчиларининг) бу ерлардаги ҳаракатларини ваҳшийлик деб атайди, уларнинг Ҳиндистондаги ва шунга ўхшаш жойлардаги йиртқичликларини фош этади, бу мамлакат ҳалқларининг номуси ва ҳуқуқини, баҳт ва саодатини пойимол этганликларини газаб блан қайд қилади.

Пушкин, шу блан бирликда, Англиядаги ва Америкадаги ижтимоий ҳаётда, ҳар соҳада озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлиги борлигини айтади. Пушкин бу мамлакатлардаги буржуя демократиясини соҳтадир дейди.

Шоир Англия ҳақида сўзлаб ёзади: „Ажабо, инглиз ҳалқи қонун чиқариш ишларига иштирок киладими? Ажабо, ҳокимият озчиликнинг қўлида эмасми? Ажабо, давлат тепасида турғанлар ҳалқнинг талабини ижро қиладиларми?“

Пушкин Америкадаги „демократия“ни ҳам худди шунингдек кескин фош этади ва аччиқ танқидга дучор қилади.

Шоиримиз тескаричилар Франциясини, у ердаги ҳақиқий маданият бузгунчиларини, сотқинларини ҳам қоралайди. Реакцияга ва пулга, мунофиқлар тўдасига хизмат қилаётган ёзучиларни қамчилайди, уларни разил ва қонхўрларнинг малайлари деб савалайди. „Улар ҳоким мода қаршисида шармандаларча шилқимлик қиладилар ахир! Ҳозирги Францияда хунхўрлик ва чиркинликни талаб қилган тўдаларга ёқиш учун ўзини хунхўрлик ва чиркинлик блан булгамаган биронта исте'дод эгаси қолганми?“

Гениаль шоирнинг бу юқоридаги оғзаки сўзлари ва танқиди Трумэн—Гарриман Америкасига, Чирчиль — Эттли Англиясига, Андрий Жидлар Франциясига нисбатан ўз кучини ҳали ҳам йўқотгани йўқ. Фарб ва Америка тескарчиларига қарши курашда Пушкин ҳали ҳам биз блан тўла ма'нода замондош ва унинг овози бизнинг овозимиз блан ҳамоҳангдир.

Пушкин тамомила ҳақли ўлароқ рус маданиятини Фарб маданиятидан юқори қўяди ва бу блан ўз ҳалкининг яратган гўзал маданий бойликлари, қобилияти ва ғайрати блан фахрланади. У рус маданиятини Фарб маданиятига боғлаб қўючи бўғтончиларга қарши кескин кураш олиб борди.

Пушкин олижаноб туйғулар, ҳақиқий инсоний ғоялар блан сугорилган ва тараққий парварлик, ижтимоийлик мазмунини блан тўлган тилини, рус маданиятини Фарбнинг чириётган ва эгоистик маданиятига қарши қўяди. Пушкин рус ҳалқи маданиятига космолитларча муносабатда бўллучиларга, рус маданиятининг асл

лигини, оригиналлигини рад этучиларга, рус маданиятининг манба'ини ташқарида, Фарбда ахтаручиларга қарши қаттиқ зарба беради. Ўша вақтларда ба'зи дарбадар беватанлар рус маданиятини, фанини, фалсафасини, адабиётини Фарбдан келтириб, "тўлдиришга" ҳаракат қилиб, ҳатто Ломоносовдек улуғ олимда ҳам янгилик кўрмаган эдилар. Пушкин бундай буҳтончиларга қарши қақшатгич зарба беради. У Ломоносовни янги замони фанларига янги йўналиш берган генинъ олим, буюк кашфиётчи деҳ та'rifлайди ва уни биринчи рус университети деб атайди. Пушкин жуда катта маҳорат ва ватанпарварлик блан рус маданиятининг тўлиқ оригиналлигини ва Фарбга боғлиқ бўлмай ўз миллий заминида униб-ўсганлигини кўрсатади.

Пушкин бу блан бирликда ўша вақтларда Фарбда қариyb умум тарафидан қабул қилинган, қоида тусини олган бирқанча адабиётга оид та'limotларни қайтадан кўриб чиқади, янги фикрлар беради. Бунинг натижасида Пушкин адабий ижод усуllibарини, бадиий сўз сан'атини ривожлантиради, олға суради. У тор абстракт классицизмдан воз кечади ва уни танқидга учратади. Пушкин инглиз шоири Байроннинг ижодига кўпинча хос бўлган эгоизми рад этади, ўзининг ижтимоийлик идеясини биринчи планга қўйишга интилади. У ҳаётга абстракт романтикларча муносабатда бўлишдан, ҳаётни пассив, ташқаридан мушоҳида қилишдан, ижтимоий ҳаётдаги касалликларни юқорида туриб кўз ёши қилиш, уларни пассив инкор қилиш, уларни фақат ичдан-гина қоралаб чегараланиш каби муносабатлардан воз кечади. Пушкин ижтимоий ҳаётга актив аралашишни талаб қиласди. Унинг поэзияси, асосан, демократизм руҳи блан суфорилгандир. У ўзининг ба'зи асарларида бирқанча муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишда халқ оммасининг роли айниқса катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилди. У ҳатто айтдики, агар ҳукумат халққа суюнмаса, албатта, мустаҳкам бўлаолмайди, барбод бўлади ("Борис Годунов"да). ~

Пушкин ўз даврининг талабларига асосан бирқанча муҳим фалсафий масалалар блан ҳам машғул бўлади. У анчагина кескин антиклерикал фикрлар айтди. Шу блан бирликда биз унинг ижодида ба'зан динни, худони рад этишлик изларини ҳам учратамиз. Пушкиннинг бу фикрлари хусусан ўша вақтларда, тескаричи руҳонийларнинг, фанатизмнинг ҳукмрон бўлган даврида жуда катта аҳамиятга эга эди. Унинг "Гаврилиада"сининг подшода нақадар катта разаб ўйғотгани тасодифий ҳодиса эмас.

Пушкин ижодида ёлғиз рус ҳалқининг эмас, шу блан бирликда бошқа халқларнинг фикр ва орзулари ўз ифодасини топган, шунинг учун ҳам унинг ижоди дун'ёвий аҳамиятга эгадир; шунинг учун ҳам уни бутун бошқа халқлар ҳам севадилар, унинг асарларини жуда катта завқ ва шавқ блан ўқийдилар. Буни гениаль шоирнинг ўзи ҳам билган, тушинган эди. У ёзган эди:

Қўлла созлаб бўлмайди тиклаган ҳайкалимни,
Халқнинг зиёрат йўлин майса-гиёҳ қилмас банд:

Юксалди мағур боши, асло қилмай та'зимни,
Александр қуббасидан ҳам баланд.

Йүқ, мен буткул ўлмайман,— рубобда қолмиш бу жон,
Хоким блан чиримай яшар мангалик қадар.
Олам ичра биронта шоир-поир қоларкан,
Бўлажакман шуҳратимла донгдор.

Бутун буюк Россияни чулғаб олар овозам,
Ундаги ҳарбир улус мени ёдлайди ҳарчоқ;
Мағрур славян зоти, бу кув ваҳший тунгус ҳам,
Фин ҳам, ҳатто ўша саҳрои қолмоқ.

Узоқ замон қиласақ бу халқ менга ҳурматни,
Чунки рубобим блан әэгу ҳислар тугдирдим,
Шу ёвуз замонамда куйладим ҳурриятни,
Тушкунларга ачинмоққа чақирдим...¹

Илғор рус маданияти, хусусан рус адабиёти тарихида Пушкиннинг роли бениҳоя улуғ ва олийжанобдир. Шоир замонидаги ва ундан кейинги илғор рус адабиётининг деярлик ҳарбир муваффақияти Пушкиннинг номи блан ҳам муайян даражада алоқадордир.

Шоиримиз Александр Сергеевич Пушкин инсониятнинг энг улуғ даҳолари Маркс, Ленин ва Сталиннинг севгиларига ва маҳтovлariга сазовор бўлди. Маркс Пушкин асарларини завқ блан ўқиди ва шулар бўйича рус тилини ўрганишга ҳаракат қилди; Крупскайя-нинг айтишича, Ленин шоирдан орасида Пушкинчи энг яхши кўрар әди. Ўртоқ Сталин Пушкин номини улуғ рус халқининг қурдативи ва доно ақлини, енгилмаслигини ва мусаффолигини кўрсатуви ва шундан далолат беручи буюқ рус кишиларининг номлари блан бир қаторда тилга олади. Ўртоқ Сталин 1941 йил 6-нчи ноябрьда одамхўр немис фашистлари ҳақида сўзлаб, бундай деган әди:

„Номус ва виждондан маҳрум бўлган мана шу кишилар, ҳайвон сифат кишилар, Плеханов ва Ленинни, Белинский ва Чернышевскийни, Пушкин ва Толстойни, Глинка ва Чайковскийни, Горький ва Чеховни, Сеченов ва Павловни, Репин ва Суриковни, Суворов ва Кутузовни етиштирган буюқ рус миллатини қириб ташлашга разилона да'ват қилмоқдалар...“

Пушкин халқи бу гал ҳам ғолиб чиқди. Бу ғалаба, шубҳасиз, Пушкиннинг ҳам ғалабаси бўлди.

Пушкин улуғ Октябрь Социалистик революциясидан олдин сабиқ Россия мустамлака халқлари илғор адабиётининг ва ижтимоий онгининг ривожланишида жуда катта роль ўйнади. У Украинада, Закавказияда, Ўрта Осиёда бирқанча прогрессив, демократ ёзучиларнинг, мутафаккирларнинг етишишида ва камолатга ёришишида ўзининг ижоди блан жуда яқиндан иштирок этди.

¹ М. Шайхзода таржимаси

Унинг асарларининг ўзбек тилига таржима қилиб нашр этилганини, Т. Г. Шевченко, М. Ф. Охундов, Обой ва бошқа яна бир-қанчалари бунга ёрқин мисол бўлаолади.

Гениаль шоир жуда катта эволюция йўлини ўтди. У зулмат ҳоким бўлган даврда ўзининг құдратли ақли маш'али блан доимо жатта ҳақиқат ахтарди, алам чекди. У ҳамиша ўзининг гениальлиги ун, ўзининг прогрессив ғоялари учун чор ҳукуматининг ва подшонинг, ҳамма тескаричи тўдаларнинг сикиғи ва исканжасида катта азоб тортиди, та'қиб этилди, қувгинга учратилди. Ниҳоят реакция уни ҳалок қилди. Бу улуғ зотнинг чор ва унинг амалдорлари тарафидан мунофиқларча ўлдирилишини бутун ҳалқ оммаси жуда катта аlam ва ғазаб блан кутиб олди.

Ёлғиз Ленин — Сталин партиясигина, Совет давлатигина, совет ҳалқларининг ҳукуматигина ўтмишнинг улуғ одамларини, жумладан Пушкинни керагича тақдирлай олдилар. Ёлғиз Октябрь Социалистик революциясидан кейингина мамлакатимизнинг ҳалқлари шоирнинг ижодий меваларини кенг суратда ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Пушкин совет ҳалқлари адабиётининг ривожланишида ҳам ўзининг шарафли ролини ўйнади ва ўйнамоқда. Унинг ўлмас асарлари бепоён социалистик ватанимизнинг барча ҳалқларининг тилларига борган сари кўп-кўп таржима қилиниб, кенг омма орасига тарқатилмоқда. Пушкин ҳалқларимизнинг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятини ўстиришда яқиндан қатнашаётir.

Ўзбек совет маданиятининг, ўзбек совет адабиётининг янада равнақи учун, унинг янада бойишини та'мин қилиш учун улуғ рус ёзучиларининг, жумладан гениаль Пушкиннинг асарларини янада чуқур ўрганишимиз, ўзлаштиришимиз, уларни кўплаб таржима қилиб ҳалқ орасида кенг тарқатишга ҳаракат қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарэдир.

Пушкин совет ҳалқининг миллий ифтихоридир. Бепоён ватанимизнинг бутун ҳалқлари нуроний сиймо Пушкиннинг туғилганига 150 йил тўлиши муносабати блан унинг юбилейини жуда катта мамнуният ва шодлик блан ўтказаётirлар. Бу блан улар шонли большевиклар партиясига, доҳимиз ўртоқ Сталинга ва улуғ рус ҳалқига ўзларининг чуқур ва самимий оғаринларини изҳор қилмоқдалар.

Ж. ШАРИФИЙ

ПУШКИН ЎЗБЕК ТИЛИДА

Совет Иттифоқи халқлари шу йил июнь ойида улуг рус халқининг гениаль шоири, дун'ё адабиётининг буюк сиймоси А. С. Пушкиннинг туғилганига 150 йил тўлиши муносабати блан катта тантанали юбилей ўтказадилар. Бу юбилейнинг аҳамияти ва моҳияти зўр.

Пушкин яшаган давр крепостнойлик кучайган давр бўлиб, меҳнаткаш халқ, дэҳқонлар подшоҳ амалдорларининг, помешчиклар, дворянларнинг ва чор ҳукуматининг зулми остида эзилар ва қулдай яшар эдилар. Бунга қарши меҳнаткаш халқ, дэҳқонлар исёнлар блан жаеоб қайтарардилар.

Прогрессив, демократик идеяларни кўтариб чиққан ҳарбир кишини подшоҳ жазолар, Сибирига сургун қиласар ва осдирадар эди. Декабристларнинг тақдирлари ҳам шундай бўлди. Лекин ҳалқдаги озодлик ҳиссини ҳечқайси золим, ҳечқайси подшоҳ ўқ қилолмасди.

Озодликни севган, халқ манфаатлари йўлида жонкуярлик қилган улуг ватанпарвар шоир Александр Сергеевич ўз ше'рларидаги зулмага қарши, чор амалдорларига қарши, ҳатто шоҳнинг ўзига қарши оташин ше'рлар ёзи. У эркинлик куйларини, озод инсон мотивларини дадил куйлади. Уни ҳам сургун қилдилар. Шоҳнинг ўзи Пушкиндан ўлимдан қўрққандай қўрқарди, унинг асарларига энг қаттиқ цензура ўрнатди, ҳатто подшоҳнинг ўзи уни назорат қиласар, унинг эркинликни маҳтаб ёзган ше'рларини босдиришга ғов бўларди. Аммо унинг ше'рлари халқ ўртасида оғиздан оғизга кўчич тарқалар, ҳамма уни ёдлар эди. Улуг шоир Пушкин том ма'носи блан халқ шоири эди. Декабрист Якушкин шундай деб ёзади: „Пушкин ше'рлари халққа ма'лум эди ва уни халқ севарди. Ҳатто фирт саводсиз армия прапорщиклари ҳам уларни ёдакай билардилар“.

Ўша даврнинг илғор кишилари та'бирича, Пушкин Россиянинг фахри-ифтихори, чинакам граждан шоири эди. Унинг „Сибирига мактуб“, „Чаадаевга“, „Эркинлик“ ва бошқа ше'рлари йиқилобчилар учун бир байроқ бўлди. Улуг шоирни подшоҳ ва унинг

амалдорлари жуда ёмон кўрардилар. Оқибат, уйдирма дуэль блан ўлдирдилар. Лекин унинг овози учмади, аксинча, йилдан-йилга, элдан-элга ўта борди. Россиягагина эмас, бутун дун'ё халқлари ичига ҳам тарқалди. Улардан маданий олам баҳраманд бўлди. Ўша даврнинг узидаёқ Пушкинни танимаган бирорта халқ йўқ эди десак янгишмаймиз. Жула ҳам ёш ўлдирилган (35 ёшида) foят зўр талант эгаси, рус адабиётининг порлоқ қуёши Александр Пушкин шундай асарлар ёзарди, ҳамма ҳам ҳайрон бўларди. „Рус турмуши қомуси“ — ше'рий романи „Евгений Онегин“, дурдано поэмалари: „Руслан ва Людмила“, „Полтава“, „Кавказ асири“, „Лўлилар“, „Мис чавандоз“ ва бошқалар, ўлмас драматик асарлари: „Борис Годунов“, „Сув подшоси“, „Тош меҳмон“, „Ўлат чоғидаги базм“, „Қизғанчиқ баҳодир“ ва прозаик асарлари „Дубровский“, „Капитан қизи“, „Марҳум Иван Петрович Белкин қиссалари“, мингларча ше'рлари дун'ё адабиёти хазинасига дурданалар бўлиб қўшилди.

А. С. Пушкин рус адабий тилини яратди. Унинг юксак бадний реализм руҳида куйлаган халқчилиги, ватанпарварлиги таржималар орқали дун'ёниг кўп халқлари онгига сингиб борди ва у халқларнинг шоирлари ҳам Пушкинни ўз устози деб билдилар. Инқилобдан илгари ярим мустамлака ҳолида яшаган қазоқ халқи ҳам Пушкин асарларини куйлаган. Қозоқларнинг классик шоири Обой „Евгений Онегин“нинг ба'зи парчаларини таржима этиб уни овулларда, қирларда халқ орасида тарқатди. Революциядан ба'зibir китобларга Пушкиннинг эртаклари наср йўли блан таржима этиб киргизилган. Пушкин асарларининг таржимаси тарихи жуда ҳам муҳим масала. Уни жиддий ўрганиш керак.

Буюк Октябрь инқилобидан кейин А. С. Пушкин асарлари ҳам рус тилида, ҳам ватанимизнинг қардош халқлари тилида мисли кўрилмаган даражада жуда кўп нусха блан босилиб чиқди. Пушкин асарларининг нусхаси 100 миллионлардан ошиб кетади. Фақат Октябрь инқилобигина Пушкин ижодини, унинг бой хазинаси тўла-тўқис ўрганишга зўр имкониятлар очиб берди. Гўзал Днепр бўйларида украинлар, Казбек тоғларида грузин, арманилар, Каспий денгиз соҳилларида озарбайжонлилар, қуёшли Ўзбекистондаги пахтакорлар, Памирдаги мағрур токиқ, кўм-кўк қирлардаги қозоқ, қирғизлар Пушкинни ўз шоиримиз деб севиб ўқидалар. Пушкин асарлари уларга бадний завқ, тарбиявий озиқ бўлди. Миллионларча мактаб болалари Пушкиндан ўтган ҳаёт саҳифаларини ўрганади, онги, билими ошади, ватанин севиш, инсонга меҳр-муҳаббат, душманга қаҳр-ғазаб туйғусини кучайтиради. Улуф шоирнинг асарларини ўз тилига таржима этган халқ маданияти, адабиёти бойиди, олтин фонд хазинаси тўлиб борди.

Айниқса 1932 йиллардан бошлаб Ўзбекистон мактабларида стабиль дарсликларга Пушкин асарлари таржима этиб киргизилди. Мана шу йиллардан кейин ҳар йили, системали равишда Пушкин асарлари бутун класс китобларига кирди, алоҳида брошюра-

лар қилиб чиқарилди. Хусусай 1937 йилда шоирнинг ўлимига 100 йил тўлганини мамлакатими~~зиниг~~ дамма ҳалқлари қанд этиб ўтганда Ўзбекистонда Пушкиннинг жуда кўп асарлари ўзбек тилига таржима этилди. Шоир Ойбек улуғ Пушкиннинг „Евгений Онегин“ номли ше'рий романини таржима этди. Шоир Ҳамид Олимжон „Кавказ асири“, „Сув париси“ни, Иzzат Султон „Бекат назоратчи“ни, Темир Фаттоҳ „Лўлилар“ни, Абдулла Қаҳҳор „Капитан қизи“ни таржима қилдилар. „Боғчасарой фонтани“, „Дубровский“ асарлари алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Ҳар йили деярли нашриёт планларида Пушкин асарларини бостириб чиқариш каби фахрли вазифа ўз аксини топли. 1938 йилда „Борис Годунов“, 1939 йилда „Полтава“, 1940 йилда „Ўлик малика ва етти баҳодир эртаги“, 1941 йилда „Моцарт ва Сальера“ асарлари, Улуғ Ватан уруши йилларида эса сиёсий лирикаси босилиб чиқди. Пушкиннинг бундан 12 йил илгари таржима этилган асарлари фақат биринчи қалдирғочларгина бўлиб, шоирларимиз таржима соҳасида энди тажриба ортдирмоқда эдилар. Ба’зи таржимонларимиз Пушкин услубини тўла ўзлаштираолмаган эдилар. Шунинг учун таржималарда, табиий, анча нуқсонлар содир бўлди. Лекин шу таржималар орқасида шоирларимиз Пушиндан кўп нарса ўргандилар, ўз ижодларини юксалтиридилар. Бу жуда катта ижобий ҳодиса эди. Энди анчагина тажриба ортдирган ва этилган ўзбек совет шоирларимиз ўша даврда қилинган таржималарини қайта кўриб чиқиш ва шоирнинг бошқа асарларини ҳам таржима этиш ишига обдан киришдилар. Таржималарнинг сони ҳам, сифати ҳам ортди. Энди шоирнинг танланган асарлари алоҳида-алоҳида том қилиб чиқарилмоқда. Пушкинниг прозаик асарлар мажмуаси 1947 йилда чиқарилган эди. Шоирнинг туғилганига 1949 йилда 150 йил тўлиши муносабати блан Ўзбекистон Давлат пашриёти шоир асарларининг 4 томлигини босиб чиқарди. Бунда Ўзбекистон совет ёзучилари камбаатчилигининг ёрдами ва бевосита иштироки қатта бўлди.

I том ўз ичига Пушкиннинг лирика ва эртакларини олади. Лирик ше'рларни таржима этишда шоирлардан Шайхзода, Миртемир, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Илес Муслим, М. Бобоев, Шуҳрат, Ёнғин Мирза ўртоқлар иштирок этилар. Бунда таржима этилган ше'рларнинг сатри 4000 дан ошади. I томга шоирнинг машҳур ше'рлари: „Царское село хотиралари“, „Чаадаевга“, „Куз“, „Тутқин“, „Денгизчи“, „Кишлоқ“, „Эркинлик“, „Сибирьга мактуб“, „Пушчинга“, „Элегия“, декабристларга бағишлиланган ше'рлари ва бошқалар киритилган. Булар хроникал равишда тортибга солинган. Булардан бошқа, Пушкин эртакларининг ҳаммаси деярли таржима этилиб шу биринчи томда босилиб чиқди. Бунда: „Шоҳ Султон ҳақида ва унинг азamat ўғли Гвидон Султонзода ҳам Оққуш бека ҳақида эртак“, „Балиқчи ва балиқ эртаги“ (шоир Миртемир таржимаси), „Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак“ (Т. Фаттоҳ таржимаси), „Олтин хўрөз“ эртаги (Ш. Садулла таржимаси) ва „Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақидаги эртак“лари бор.

II томга эса шоирнинг драматик асарлари ва „Евгений Онегин“ киритилган. Драматик асарлардан „Қизғанчик баҳодир“ (А. Мух-

тор таржимаси), „Тош меҳмон“ (Х. Фулом таржимаси) ва „Ўлат чоғидаги базм“ (Шайхзода таржимаси) асарлари янги таржима этилди. „Сув париси“ эса қайтадан ишланди. „Евгений Онегин“ни бундан 12 йил илгари таржима этган шоир Ойбек биринчи нашрда кетган хато ва нуқсонларни тузатиб бошқатдан ишлаб чиқди. Биринчи нашрда жуда кўп арабча-форсча сўзлар, яrim қофиялар ва ба’зан қофиясиз сатрлар кўп эди. Ҳатто ма’но бузилган жойлари ҳам бор эди. Мана буларни тузатишда таржимон Ойбек ва редактор Шайхзода қунт ҳам жиддият блан ишладилар. Пушкиннинг бадиий услубини сақладилар. „Евгений Онегин“нинг таржима этилиши бугунги адабиёттимизнинг, адабий тилимизнинг ғоят ўсганини кўрсатади.

III томга А. С. Пушкиннинг асосий поэмалари киритилган. Пушкин поэмаларининг аксари янги таржима этилди. Масалан, унинг энг катия поэмаси „Руслан ва Людмила“сини шоир Миртемир таржима қилди. Бу поэма фольклор мотивлари асосида гўзал ва бадиий соддалик блан, жонли ҳалқ тили блан ёзилган 3000 сатрли поэмадир. Таржима тажрибаси кўп бўлган шоир Миртемир Пушкин поэмасининг ичига кира олди ва унинг бадиий формаларини яхши берди. Шоир Миртемир „Руслан ва Людмила“ таржимасини биринчи вариантда 11 ҳижоли вазнда олган, лекин бу вазн тўғри келмагани учун Миртемир 9 ҳижоли вазнни кўллади. Бундан ташқари биринчи вариантда сатрлар кўпайиб кетган эди, Миртемир бу нуқсонни ҳам тузатди. „Руслан ва Людмила“ таржимасининг қисқартилган варианти „Ленин учқуни“ газетасида босилиб чиқди. Мактаб болалар ва пионерлар уни завқ блан ўқимоқдалар.

Поэмалардан „Граф Нулин“ (Сталин мукофоти лауреати Fafur Fулом таржимаси), „Мис чавандо;“ (Шайхзода таржимаси) ва „Анжело“ янгидан таржима этилди. „Лўлилар“ (Темир Фаттоҳ таржимаси) „Полтава“ (Насрулло Охундий таржимаси) илгариги нашрига қарагандан анча жиддий ўзгаришлар блан чиқмоқда. Буларни таржимонлар кўп йиллар давомида ортдирган бой тажрибалари асосида қайтадан ишладилар. Шунингдек, „Кавказ асири“ таржимаси ҳам қайта ишланди.

IV томга шоирнинг „Пугачев тарихи“ асаридан ташқари ҳамма прозаик асарлари киритилган. Пушкиннинг прозаик асарлари 1947 йилда алоҳида мажмуя равишида босилган бўлса ҳам, 1949 йилги нашрида қайтадан ишланди, таржималарнинг сифати яхшиланди. Бу томга „Петр Великийнинг хабаши“) (Абдураҳмон Алимуҳа медов таржимаси) „Марҳум Иван Петрович Белкин қиссалари“ (коллектив таржимаси), „Дубровский“ (Ма’руф Ҳаким таржимаси), „Пиковая дама“ (Зумрад таржимаси), „Капитан қизи“ (Абдула Қаҳҳор таржимаси), „Арзумга саёҳат“ (Уйғун таржимаси повестълари кирган.

Ҳамма томлар ҳам жуда яхши қоғозда, қалин муқовада босилиб чиқарилди. Ҳар қайси томга 8—10 га яқин портрет ва буёқли расмлар берилди. Бу китоблар Ўзбекистон ҳалқидан улуғ рушоирининг юбилейига катта армуғондир. Булардан ташқари, шу йил юбилейга атаб болалар учун „Капитан қизи“ ва „Эртаклар“

кўп нусхада босиб чиқарилди. Кенг китобхонлар учун Пушкиннинг таржимаи-ҳоли оммабоп қилиб нашр этилди.

Пушкин асарларини тез ва сифатли қилиб нашр этишда 1-нчи босмахона ишчиларининг хизматлари катта бўлди, улар эўр ҳавас блан ишладилар.

А. С. Пушкин асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари ўзбек адабиётини шубҳасиз бойитади, маданиятимизни юксалтиради. Биз улуғ Пушкин асарлари орқали жуда кўп нарсаларни ўрганамиз. Шоир-адибларимиз ҳётни чуқур ўрганиш, адабиётнинг чўққиларини эгаллаш ўйларини Пушкиндан ўрганмоқдалар ва бундан кейин ҳам ўрганадилар.

Асосий вазифаларимиздан бири яқин 3—4 йил ичида гениаль шоирнинг бутун асарларини, бадий меросини тамоман таржима этиб ўзбек китобхонига тақдим қилишдан иборатдир. Сўнгги нашрларда таржималарнинг сифатини яна ҳам яхшилашимиз, таржима кадрлари этиштиришимиз лозим.

А. С. Пушкин асарларини фақат юбилей муносабатлари бланги на эмас, балки доим таржима қилиш ва нашр этиш ҳам ёзучилар жамоатчилигининг, ҳам нашриётларимизнинг муҳим вазифасидир.

Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан илгари ўзбек халқи ҳам ўзи яратган, ҳам рус халқи яратган маданий ва адабий бойликлардан фойдаланиш имконидан маҳрум эди. Унинг илғор фарзандлари бу бойликларни тўплаб, уларни халққа этиштириш учун қанчалик ҳаракат қилган бўлсалар-да, лекин бу ҳаракат ҳоким зулмат сабабли қаттиқ қаршиликларга учраб турди. Узбек халқи Улуғ Октябрь Социалистик революцияси натижасида, большевиклар партияси, доҳиларимиз Ленин—Сталин раҳбарлигида ва улуғ рус халқининг ёрдами орқасида, қисқа муддат ичида, ҳар соҳада мисли кўрилмаган катта муваффақиятларга эриши. Узбек халқи бутун дун'ё, хусусан рус халқининг илғор маданиятидан мўл-кўл фойдаланиб, ўзининг янги социалистик маданиятини кун сайн ривожлантираётir. Бундай шарафли ишда гениаль Пушкиннинг ҳам роли ғоят каттадир. Улуғ рус оғамизнинг буюк ёзучиси яратган шоҳ асарларни бугун бизнинг ўзбек халқимиз ҳам ўз она тилида ўқийди ва, Александр Сергеевич бизнинг шоиримиз, деб ҳақли равишда қувонади.

И. КАРЕЛОВА

ПУШКИН ЛИРИКАСИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА

Гениаль рус шоирининг ижоди рус композиторларининг ил-ҳоми учун битмас, туганниса манба' бўлди. Александр Сергеевич Пушкиннинг поэзияси ҳам, прозаси ҳам мана юз йиллардан бери катта ва кичик шакли музика асарларига жон бағишилаб келмоқда, зоро Пушкин ва рус музикаси бир-бираiga чамбар-част боғлангандир. Улуғ рус композиторларининг, рус музикаси классикларининг ҳалқ томонидан катта муҳаббат ва ҳайрат блан эшистиладиган опералари: Мусоргскийнинг „Борис Годунов“и, Глинкининг эртак асосида тузилган „Руслан ва Людмила“си, Римский-Корсаковнинг „Султон шоҳ эртаги“, „Тилла хўроз“и ва, ниҳоят, Чайковскийнинг „Евгений Онегин“ ҳамда „Пиковая дама“ опералари — буларнинг ҳаммаси А. С. Пушкин асарлари сюжети асосида ёзилган опералардир.

Биз бирмунча катта ва муҳим рус операларини ёдлаб ўтдик, лекин Даргомижскийнинг „Сувпари“ ва Направникнинг „Дубровский“ номли опералари ҳам машҳур ва манзур асарлардандир.

„Мазепа“, „Тош меҳмон“, „Лўлилар“, „Коломнадаги уйча“ асарлари ҳам рус музикаси хазинасининг қимматбаҳо дурданаларидан ҳисобланган операларга асос бўлди.

Рус романсларига назар солсак, бу соҳада ҳам, опера соҳасидаги каби, Пушкин поэзияси блан бўлган яқин алоқани кўрамиз. Рус композиторлари орасида Пушкин лирикасининг жонбахш булогига мурожаат қилмаган битта ҳам одам йўқ. Кичик шаклдаги музика асарлари — романслар яратучи авторларнинг номлари кун сайин ўсиб бормоқда. Катта шаклдаги музика асарлари ёзишга уринмаган, уринса ҳам айтарлик муваффақият қозонмаган ба'зи сан'аткорларнинг бу соҳадаги катта шуҳратларига шоҳидмиз. Масалан Цезарь Кюини олайлик. Бу улуғ музика сан'аткори ажойиб романслар ва айниқса Пушкин романсларининг автори сифатида ҳозирги кунларга қадар ўз шуҳратини сақлаб келади. Бунинг

исботи учун „Куидирилган хат“ ёки „Царское село хотиралари“ романсларини эсга олиб ўтсак кифоя қиласди.

Пушкин ше'рлари асосида ёзилган романсларни бу кичкина мақолада санаб чиқишининг ҳожати йўқ, лекин энг машҳур ва энг ҳаяжонли романсларнинг кўпчилиги улуф шоирнинг сўзи асосида ёзилганлигини қайд этиб ўтсак ортиқча бўлмас. Масалан, Глинканинг „Ажойиб дамлар ёдимда“, Бородиннинг „Ватаннинг узоқ қирғоқлари учун“, Раҳмановнинг „Менинг ҳузуримда куйлама, гўзал“ романслари ва бошقا шунинг кабилар.

Музика сан'аткорларини Пушкин поэзиясига қизиқтирган сир—мазмун блан шаклнинг ажойиб уйғулигига, катта туйғулар ва улуф фикрларда, шинам ва кўркам, ёқимили ва жозибали қалиб тузилган мисра'ларда, бу мисра'лардаги ажойиб музикада, ше'рларни ҳарбий қалбга яқин та'сир эткизадиган инсонпарварлик туйғусида, зўр сан'ат маҳсулитагина хос бўлган абадий ҳаёт ва ёшлик фазилати замиридадир.

Бу ажойиб сан'ат мамлакатимиздаги ҳарбир кишига яқин ва азиздир. Шунинг учун ҳам совет композиторлари А. С. Пушкин лирикасига кўпроқ мурожаат қиласдилар.

Ўзбекистон Совет композиторлари ҳам Пушкин сўзлари асосида романслар яратдилар.

Пушкин сўзлари асосида биринчи марта романс яратиш шаррафи композитор Юдаковнинг зиммасига тушди. У Пушкиннинг ўзбек тилига таржима қилинган „Грузия қирларида“ ва „Менинг олдимда куйлама, гўзал“ ше'рларига бирнеча йил аввал романслар ёзди. Бу романслар Ўзбекистон Совет композиторлари союзида катта ва муҳим бир ҳодиса деб баҳоланди. Гениаль рус шоирининг ше'рлари ўзбек тилига таржима қилинганлиги ва қилинаётганлиги орқасида Ўзбекистон меҳнаткашлари Пушкиннинг куйга солинган поэзияси блан яқиндан танишиш ва уни эшитиш баҳтига мушарраф бўлдилар. Ҳеч шубҳа йўқки, бу музика маданиятимизда олга ташланган янги ва дадил қадамдир.

Бу икки романсларнинг музика жиҳатидан фазилати жуда юксак эканини турмуш кўрсатди. Бу асарлар репертуарларга киритилиб, концертларда эшигидирилмоқда ва ҳаммага манзур бўлмоқда.

Композитор Юдаков Римский-Корсаков, Балакиревларнинг ан'анаси изидан бориб, рус „шарқий“ романсларини яратишга киришиди. Бу икки романсларнинг оҳангига содда, чиройли ва ўзбек музикасининг табиатига монанд. Фортепиано жўр қилиб чалингандан, овоз жуда янграйди, ёрқин, ранг-баранг тус олади.

Пушкиннинг туғилганига 150 йил тўлиш маросими Пушкин романслари соҳасида ўз кучларини синаб кўришда уларга далда бўлди. Шу йил апрельнинг ўрталарида А. С. Пушкин сўзи асосида ёзилган романслар Ўзбекистон Совет композиторлари союзида кўриқдан ўтказилди.

Авторлар ва ижрочилар зўр диққат, қизғин муҳаббат блан кўрикка тайёрландилар. Соми'ларнинг фикрига кўра, бу кўрик Ўзбекистон Совет композиторлари союзида бўлган кўрикларнинг энг ажойиби ва энг самаралиси ҳисобланади.

Кўриқда 16 роман эшитилди. Гарчи ҳамма ҳам бир юксакликда муваффақият қозонмаган бўлса-да, маҳаллий композиторларнинг А. С. Пушкин лирикасига чўзган қўуллари қуруқ қайтмагани ва янги асарларнинг авторлари тўғри йўл блан боргандилари ҳамда катта муваффақиятларга эришганликлари ма'лум бўлди.

Лекин Союзнинг ба'зи а'золари бу шарафли ишга бош қўшмадилар.

Ўзбек тилига таржима қилинган сўзлар асосида ёзилган ўзининг аввалги романсларига янги „Булбул“ романсини қўшган композитор Юдаковдан ташқари Г. Сабитов, В. Мейен, Б. Гиенко ва Ю. Николаев ўртоқлар янги романслар ёзиб топширдилар.

Утган аср композиторлари сингари, бизнинг композиторларимиз ҳам Пушкиннинг ше'ларини яхши кўрадилар. Бу ше'лар, шубҳасиз, шоир асарларининг чуқурлигини ва мазмунан бойлигини далолат қиласди, зеро ҳарбир композитор у ше'лардан ўз шахсига хос хусусиятларни топади ва уларни ўзи та'сирланиб музикага солади.

Бизнинг композиторларимиз аллақачон музикага солинган ше'лардан ҳам фойдаланмоқда, уларни янги куйларга солмоқдалар. Масалан, Г. Сабитов блан Б. Гиенко Цезарь Кюи томонидан гоят гўзал музикага солинган „Царское село хотиралари“ номли ажойиб кичкина ше'р асосида янги романс ёзди. В. Мейен блан Б. Гиенконинг иккovi ҳам чуқур ҳислар блан тўлиқ „Менинг номимдан нима топдинг“ ше'рига романс ёзди. Бу ше'р рус классиклари ва совет композиторларини неча бор илҳомлантирган ше'рdir. Турли композиторлар қаламга олган „Элегия“ („Утган кунлар“) ва кичкина „Сен ва сиз“ ше'лари ҳам композиторларнинг диққатини жалб қилди.

Рус поэзиясининг генийси яратган сиёсий лирика Ўзбекистон композиторларининг диққатини жалб қилмоқда. Бу катта аҳамиятга ва мамнуниятга сазовор ҳодисадир. Шу ма'нода композитор Мейен муваффақиятли иш қилди. У ўзининг аввалги тўрт асарига „Сибиръя мактуб“ рамансини қўшиди. Шоирнинг ҳурриятпарварлик туйғулари ва интилишлари блан тўлиқ асарларининг вокаль-камера музикасига солиниши, афсуски, ҳозирча оммавий тус олмай турипти. Ҳолбуки Пушкиннинг „Чаадаевга“, „Арион“ ва ўзининг юксак революцион руҳи блан декабризм арбобларини илҳомлантирган бир қатор бошқа ше'лари совет композитори учун ажойиб материал бўлаолади.

Авторлар ўз олдига қўйилган вазифаларни қандай бажараётнлар?

Шу йил давомида композиторлар яратган нарсаларнинг ҳаммаси ВКП(б) Марказий Комитетининг В. Мурадели операси ҳақида чиқарган ғоят чуқур мазнунли қарорини тўла бажариш ва шонли партиямин Марказий Комитети томонидан совет композиторлари олдига қўйилган ҳаққоний талабларга тўла жавоб бериш асосида ишланди. Ҳақиқатан ҳам, ҳарбир асар ВКП(б) Марказий Комитетининг шу тарихий қарорида олдинга сурилган вазифаларга

тўғридан-тўғри жавоб берни керак эди. Шунинг учун ҳарбир композитор ўз ижоди устида кўпгина ўйлаши ва кўп нарсаларни қайтадан кўриб чиқиши керак бўлди. Формализм батқоғига ботиб қолган ва музика сан'атида четэл та'сирига берилиб кетган ба'зи бирхил композиторларнинг қаттиқ хатолари жамоатчилик ўртасида қоралангани Узбекистон композиторлари учун ўз вақтида қилинган катта огоҳлантириш бўлди. ВКП(б) Марказий Комитетивинг В. Мурадели операси ҳақида чиқарган тарихий қарори Узбекистон композиторлари орасида ҳукм сурган бир камчиликни очиб ташлашга катта ёрдам берди. Бир қатор миллий республикалар музикасида, жумладан бизнинг республикамиз музикасида ҳам шу нуқсон бор эди. Бу нуқсон музика асарларимиздаги ибтидоийликдан, композиторларимизнинг техника жиҳатидан тўла қуролланмаганилиги ва ўзлари устида етарли ишламаганликларидан, умумий ва мусиқий маданиятларини оширганликларидан иборатdir.

Биз ўйлаймиэки, агар композиторларимиздан фақат беш кишигина Пушкин романслари устида ишлаган бўлса, бунинг сабаби шундаки, ба'зи композиторларимиз ўзларида куч, билим ва илм етарли даражада эмаслигини сезганликлари учун ҳам Пушкин ше'рларига музика ёзиш каби мас'ул ва шарафли вазифалар олдидаги иккиланиб қолмоқдалар. Лекин бу вазифа уларни қизиқтирамайди, Пушкин поэзияси композиторларни илҳомлантирамайди деб асло айтиб бўлмайди. Аксинча, ҳарбир композитор Пушкин ше'рига муносиб музика яратиш иштиёқи блан ёнади. Лекин ба'зи композиторларимиз қўлига тушган материалдан яхши фойдаланаоладиган даражада маҳоратга эга эмаслар.

Ёзилган ва кўрсатилган нарсаларга қараб шуни айтиш керакки, яратилган музика асарларининг авторлари тўғри йўлдан бормоқдалар. Бу романсларнинг кўпчилигига рус музика мактабининг ан'анаси, айниқса романчилик ан'анаси давом этиб келмоқда.

Композитор Юдаков „Булбул“ деган янги романс ёзганини юқорида эслаб ўтган эдик. Бу асар ўз руҳи жиҳатидан Пушкиннинг биз тилга олиб ўтган икки романсига жуда ҳам ўхшашиб тушган. Эҳтимол, бу музика яна ҳам „ҳашаматли“ чиққандир. Бу нарса рояльда равшан кўринди.

Шуни қайд этиб ўтиш лозим: топширилган ҳамма романсларнинг авторлари мужмалликдан қочиб, асарларини шундай ажойиб соддалик блан ёзганларки, Пушкин сўзига ёзилган ҳамма музика асарлари каби улар ҳам ше'рга жуда уйғун тушганлар.

Албатта, бу асарларнинг ҳарбирида ўзига хос хусусиятлар. ўзига хос ижобий фазилатлар бор. Романс оҳангларини ше'рга таққослаб қаралганда буни очиқ-ёруғ кўриш мумкин.

Сабитовнинг „Царское село хотиралари“ романсиини олайлик. Бунда фортепиано тиймай оқиб турган сувнинг шилдирашига ўхшаш овозлар блан жўр қилиб туради. Б. Гиенко романсиининг оҳантги ҳам шу мазмунда жаранглайди. Бунда битта-битта

томиб турған томчилар шарпасини әшитасиз. Бу нарса шоирни ҳайратта солған ҳайкал образини күз олдингизга келтиради.

Сабитов романсларидан („Ҳайкал“, „Грузия қырларида“, „Элегия“) әңг күзә чалингани „Элегия“дир. Бунинг оқанғы күтариини ҳислар блан түлиқ. Автор учун жуда характерли бўлган бирхил аккордлар ритми тафаккур ҳолатини жуда яхши беради. „Элегия“ оқанғи яхши ривожлантирилган, шу сабабли текстнинг әңг юқори нуқтасида кишини яна ҳам ҳаяжонга солади. Аммо „Грузия қырларида“ романси у қадар муваффақиятли чиқмаган, әшитучини ортиқ ҳаяжонга солмайди, оҳанг текст мазмунини бутун чуқурлигича акс этдирмайди.

Гиенконинг романслари („Царское село хотиралари“, „Менинг номимдан нима топдинг“, „Үйқим келмаётир“, „Нишоналар“) ашулага тушиш жиҳатидан ажралиб туради. Сабабки, Борис Гиенко ўзи яхши эплай олган ашулагар соҳасида қунт блан ишлади ва бу соҳада катта тажриба ортдирди. Шунинг учун ҳам у яратган оҳанглар табиий ва оддий бир шаклда янграйди. Кишиларнинг эсида қолади ва ба'зан қачондир әшитилган таниш бир оҳангга ўхшаб кетади.

Биз „Царское село хотиралари“ номли кичкина романсиning муваффақиятли чиққанини юқорида айтиб ўтган эдик. „Нишоналар“ ше'ри ҳам шундай кичкина шаклдаги асардир. Ма'lумки, бу ше'р энди музикага солинди. Гиенко ўзининг шу ва шу каби кичкина романсларига тўғри оҳанг топди. Ше'ларнинг замирида ётган хафиф ма'ноларни чуқур англади. Романс жуда содда ва янгроқ вальс шаклида ёзилган.

„Менинг номимдан нима топдинг“ романси жуда ҳам қулоққа яхши әшитилади. Музика автори, текстни бирмунча ўзгартириб, кўп романчи композиторлар усулини қўлланган ва буни ше'р мазмунига путур етказмай яхши дид блан, ажойиб завқ блан бажарган. „Қалин ўрмонда кечаш шовқунидай“ сўзларининг такрорланиши шоирона бир тусда янграйди. Романс шакл жиҳатидан жуда яхши, авжи баланд. Рояль ҳам жуда чиройли жўр қилиб туради.

„Үйқим келмаётир“ романси ўзига хос бир гўзалликка эга. Бунда бутун оғирлик жўр қулучи фортелидан устига тушади, текст тасвиридаги тун манзарасини кўз олдингизга келтириб, ундан даги бутун ҳолатларни очиб кўрсатади. Овоз речитатив шаклида берилган, у фақат кучли кечирма чоғларидагина „куйлайди“. Бу ҳол кишига жуда чуқур та'сир қиласди. Овоздан речитатив равишда фойдаланиш усулини Мусоргский ҳам яхши кўрар, шу йўл блан юксак драматизм ҳаяжонларига эришар эди.

Композитор Мейен тўртта романс ёзи. Булар: „Менинг номимдан нима топдинг“, „Сен ва сиз“, „Сизни ким тўхтатди, тўлқинлар“ ва „Сибиръга мактуб“ романсларидир. Автор ўзининг биринчи романсида Пушкин ше'ларининг шаклларини сақлашга тиришиб, текстни бутунлигича ва ўзлигича қолдирган. Романсда жозиба, малоҳат кўп. У әшитучини ўзига тортади ва бутун эти-

борани жалб қиласи. „Сен ва сиз“ романси жуда содда ёэилган, бунда текст жозибалари тамомила сақланган.

„Сибирьга мактуб“ ва „Сизни ким тұхтатди, түлқинлар“ романслари яна ҳам та'сирли бўлиб чиқкан. Бу икки романнинг биринчисида кескин пафос кўпроқ, иккинчиси эса жуда янгроқ. Текстдаги ҳаяжонни фортепиано очиб беради. В. Мейен ҳам. Б. Гиенко сингари, вокаль, куйчилик музикаси яратишда катта сан'атга эгадир. Унинг асарлари осон қўйланади. Шунинг учун ҳам ашулачилар мамнуният блан ижро қиласидар.

Авторлар орасида энг ёши ҳисобланган Ю. Николаевнинг асарлари бир мунча заиф. Николаев жуда катта исте'додга эга бўлса ҳам, ҳали бу соҳада етарли тажриба ортдиргани йўқ. Унинг яратган асарлари бир қадар тўмтоқ. У ўз ихтиёрида бўлган катта имкониятлардан тўла фойдаланмайди. Бу композитор, авваллари мураккаб музикалар ёзиш блан, файри-табиий янгроқ оҳанглар қидириш блан овора бўлиб, композиторлар жамоатчилигини бирмунча ташвишга солиб қўйган эди. Энди у музика тилининг содда ва аниқ бўлиши учун интилмоқда. У, шу вақтгача ҳечбир композитор қўл тегизмаган текстларни танлаб, янги романслар ёзди. Булар „Баҳор“ ва „Қишлоғ“ ше'рларига ёэилган романслардир. Николаев „Йилнинг тўрт фасли“ циклини яратиш устида зўр бериб ишлабтирилди. У рус табиатининг бирқатор манзараларини музикада акс этдиromoқчи. Бу масалада жонли табиатни куйловчи рояльнинг роли жуда катта бўлади. Овоз эса бўлиб турган воқиаларни шодлик блан акс этдиради.

* * *

Шундай қилиб, Пушкин кунлари бир қатор янги ва ҳаяжонли асарлар яратиш учун зўр восита бўлди. Бу асарлар рус музикачилиги ан'аналарининг изидан бориб яратилди. Кампозиторларимиз реалистик йўл блан бормоқдалар. Улар яратган асарлар концерт ижрочилари, консерватория студентлари репертуарига ва радио орқали бериладиган концертлар программасига киритилди.

Пушкин романсларининг авторлари, улуғ рус шоирининг сўзлари асосида музика яратиш каби ажойиб ан'аналарни бундан кейин ҳам давом этдириб, бу соҳада юксак камолатга эришмоқлари ва бу шарафли ишга Ўзбекистон композиторлари бир тан, бир жон бўлиб яна ҳам жiddий киришмоқлари зарур.

Профессор А. А. СЕМЁНОВ

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН ВА БИР ШАРҚ ҚҮЛЁЗМАСИ

А. С..Пушкин 1829 йил урушида ёзган „Арзумга саёхат“ номли сафарномасида Тифлисга қандай борганилигини ва у ерга етиб олиш учун қанчалик шошганлигини тасвир эттиб, „Казбек ёнларидан парносис ўтдим. Чотирдоғ ёнларидан сузиб кетдим“ деб қайд қилған эди. У йўлда курган мана шу воқиани қаламга олди:

„Эрон шаҳзодасини кутмоқда эдик. Казбекдан анчагина нарида бизга бирнеча арава учради ва тор йўлимизни қийинлаштириб қўйди. Аравалар ўтиб кетгунча конвой офицери блан гаплашиб турдик. У Эрон сарой шоирини узатиб бораётланлигини айтди. Сўнгра менинг илтимосим блан мени Фозилхон блан таништириб қўйди. Мен, таржимон орқали, Шарққа хос баланд парвоз табриклар бошлиган эдим, Фозилхоннинг ҳурмат блан берган бама'ни жавобини эшитиб уялиб қолдим. У менинг ўринсиз гапларимга ақлирасо, доно киши соддалиги блан жавоб қайтарди. „Мени Петбургда кўраман деб умид қилған экан; таниш-билишлигимиз қисқа бўлажагидан афсусланди“ ва ҳоказо. Мен, ўзимнинг ҳазил мутойиба гапларимни бир четга йиғиштириб қўйиб, оддий европача сўзлар қўллашга мажбур бўлдим... Одамларнинг телпагига ва хина қўйилган тирноқларига қараб, бундан кейин мишибад шундай фикрга келмайман“.

Бизнинг улуф шоиримиз Кавказда учратган ана шу Фозилхон аслида ким эди? Менга ма'lум бўлишича, Пушкин асарларига берилган изоҳларнинг ҳечбиридан бу саволга жавоб тополмаймиз.

Лекин бу одамнинг шахсини мукаммал тасвир этган бир форс қўлёзмаси бор. Бу қўлёзма Узбекистон ССР Фанлар Академиясининг Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтидаги сақланади. „Китоби амжумани хоқон“ номли бу қўлёзманинг автори Пушкин блан йўлда танишган ўша Фозилхондир. Бу қўлёзма Эрон шохи Фатҳали шоҳ ҳукмронлиги даврида (1797—1884) яшаган шоирлар нинг таржимаи-ҳоллари мажмуасидан иборатdir. Фатҳалининг ўзи ҳам ше рлар ёзар эди. Унинг топшириғи блан 1234 (1818—19) йил-

да мана шу тўрт бўлимдан иборат мажмua тузилди. Биринчи бўлимга Фатҳали шоҳнинг насли-насиби, салтанат даври ва ше'рларининг намуналари киритилган; иккинчи бўлимни шаҳзодалар ва хонларнинг таржимаи-ҳоллари, улар яратган ше'рларининг намуналари ташкил этади; учинчи бўлимда сарой шоирларининг таржимаи-ҳоллари ва асарларининг намуналари берилган; тўртинчи бўлимда эса бошқа шоирлар ҳақида ма'lумотлар берилади. Улар алифбе тартибида келтирилганлар. Китобнинг хотимасида мазкур қўлёзма авторининг таржимаи-ҳоли берилади ва шоҳга бағишилаб ёзган қасидаси илова қилинади.

Муҳаммад Фозилнинг таржимаи-ҳоли мана шундай:

„ХОТИМА. ТУЗУЧИННИГ ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Каминанинг номи Муҳаммад, лақаби Фозил, адабий тахаллуси Ровий, қабиласи — туркман қабилаларидандир.

Мен 1198 ҳижрий (я'ни 1784 мелодий) йилининг зулҳиджа ойининг ўн тўртинчи кунида, жумага ўтар кечаси, тонг отарда туғилдим. Менинг авлоди-аждодим Ҳамадон вилоятининг Каррус туманида тўрт юз йилда бери яшаганлар. Мен марҳум отамнинг... қўлида форс тилини ўргандим. 1214 (1799—1800) йилда қалбимнинг сурори, қўзимнинг нури, бахтимнинг чароғи, балоларнинг даф'и бўлган отам вафот этди".

Автор бу таржимаи-ҳолни сочма блан тизмани аралаштириб ғоят ранг-баранг ва ажойиб шаклда ёзади. Бундан ма'lум бўладики, унинг ватанида ғоят катта нохуш ҳодисалар рўй берган ва бу ҳодисалар Муҳаммад Фозил оиласининг осойишта ва бир тартибда ўтиб турган ҳаётини барбод килган. У ўз туманида „Истиблод қал'алари очилди ва золим қўллари чўзилди, сўнгра улуғ ҳалокатдан ва қаттиқ даҳшатдан қутилиш учун ҳамма бошпаноҳини ташлаб қочди“ деб ёзади. Муҳаммад Фозил ҳам шундай қилди. У кўп саргузаштлардан кейин Ироқдан макон ва бир мұнча тинч яшашга имкон топди. Сўнгра тақдир уни Техронга келтириб ташлайди. Унинг, ёш бўлишига қарамай, форс тилида ёзган ше'рлари Эрон сарой шоирларининг бошлиғи, я'ни малики ашшоранинг э'tиборини ўзига тортади. Уни шоҳга тақдим этдилар. У ше'рни яхши ўқиганлиги ва бу соҳадаги юксак сан'ати орқасида буюк маҳтовларга сазовор бўлади. Бу ҳол Муҳаммад Фозилни хотиржам қилиб қўймади. У ўз билимини оширишга, араб адабиётининг асосларини ўрганишга киришади. Шоҳ уни ўз шоирлари доирасига декломатор сифатида киритиб, ўзининг шерларини ўқитдиради.

Фатҳали шоҳ, Муҳаммад Фозилга ихлоси катта бўлганидан, унга хонлик мартабасини ин'ом қиласи. Бу ҳол Пушкин блан учрашгандан аввал юз берган бўлиши керак, чунки Пушкин учрашганда Муҳаммад Фозил номига „хон“ қўшиб айтилар эди.

Фатҳали шоҳ вафот этгандан кейин унинг меросхўр ўғли Султон Муҳаммадшоҳ Фозилхонни хизматдан бўшатади ва унга нафақа

белгилайди. Фозилхон 1252 (1836—37) йилда, я'ни А. С. Пушкин блан қарийб бир йилда вафот қиласы.

Фозилхоннинг юқорида айтилган құләзмаси күп тарқалған ва шұхрат топған асар әмас. Лекин бу XVIII аср охири ва XIX асрнинг бириңчи ярмидаги адабиёт тарихида катта ўрин тутады.

А. С. Пушкин Тифлис йўлида учратған Фозилхоннинг шахси тұғрисидеги ма'lумоттар ана шу юқорида айтилғанлардан иборат. Лекин таржимаи-ҳолда унинг Россияга боргани ҳақида бир оғиз ҳам сүз йўқ. Буни фақат Пушкинига тилга олган. Бунинг сири қаерда?

А. С. Пушкин, Фозилхон блан учрашгани тұғрисида гапириб, бу учрашувни: „Эрон шаҳзодасини күтмоқда әдік“ деган жумла блан бошлайди. Аммо унинг қаерга кетаётгандылықи ва қандай шаҳзода эканлығы ма'lум әмас әди. Бу „кутиш“ бизнинг улуғ шоримиз ёзған ўша „Арзумга саҳеат“ сафарномасининг бошқа бир ерида тилга олинған нарса блан бөглидир. Шоир, Гергери қал'асига яқинлашиб, дар'ёдан кечиб ўтаётганида шу манзарани күради:

„Аравага қүшилған икки ҳұқыз тик йўлда тирмашиб боради. Бир неча грузин аравани итариб кетмоқда. Қаердан келяпсизлар?“ деб сўрадим.—Техрондан. „Нима олиб келяпсизлар?“—Грибоедни. Бу ўлдирилған Грибоедовнинг Тифлисга олиб кетилаётганды жасади әди“.

А. С. Грибоедов 1829 йил 30 январь (11 февраль) куни Техронда ўлдирилған әди. Шу давр муаррихларининг сүзига кўра, „Инглиз пули ва найранги катта роль ўйнаган Техрон фожиасининг қонли оқибати натижасида қасос олинишидан қўрқкан Эрон ҳукумати граф Паскевичга „Ҳар икки диннинг қарори блан буйриладиган ҳарқандай жазо ва қасос бажарилгусидир“ деб хабар қилди.¹

Аббос Мирза таҳтининг меросхўри, унинг катта ўғли шаҳзода Хисров Мирза Россияга шу нома блан юборилған әди. Шаҳзода Тифлисга келиши бланоқ Петербургга жўнади. Уни Эрон салтанатининг аркони-арбларидан ким узатиб боргани ма'lум әмас әди. 10/22 августда Эрон шаҳзодаси Қишки Саройда тантанали равишда қабул қилинди. Мазкур қабул маросими ҳақида фақат „обер-церемониймейстер ёш шаҳзодани ўз аркони блан олиб кирди“, деб ёзилған халос.

А. С. Пушкин „Эрон шаҳзодаси“ деб ана шу Хисров Мирзани назарда тутган. Унинг арконлари ичидә Фозилхон ҳам бўлған. Фозилхоннинг таржимаи-ҳоли ҳақидағы бу мұхим нуқта Эрон манба'ларида учрамайди. Буни бизнинг улуғ шоримиз аниқлаб берди. Бу жуда мұхимдир. Улуғ шоримиз Александр Сергеевич Пушкин асарларида зўркуч блан мавж уриб турған прогрессив фикрларнинг кең халқ оммаси орасига ёйилишидан қўрққан чор ҳокимияти ва унинг қора тузуими ше'рият оламининг чароғон қуёшини ҳарқанча қувғинга солса ҳам, уни маданий жаҳон ва тарақ-

¹ Н. К. Шилдер Император Николай I, том II, 212 бет, 1903 йил нашри.

қийпарвар инсон күзидан ҳарқанча қочиришга, мамлакатнинг узоқ хилватларига сургун қилиб яширишга ҳарқанча интилса ҳам, Пушкин, зулматни ёриб ўтган зиё каби, ўз улуғворлиги ва илғор фикрлари блан дун'ёнинг энг олис пучмоқларигача етиб борди ва одамиятни, ҳурриятни, маданиятни, сан'атни, адабиётни севган—инсонлик ҳуқуқлари учун курашган ҳарбир киши қалбida озодлик куйчиси бўлиб агадий жой олди. Пушкинни Европа мамлакатларигина эмас, ҳатто Шарқ әллари ҳам буюк ҳурмат ва муҳаббат блан тилга оладилар. Мана шунинг учун ҳам Фозилхоннинг А. С. Пушкин блан учрашганда баён қилган тилак ва истаги Шарқ мамлакатларининг ва у ерлардаги илғор фикр эгаларининг улуғ рус шоирига бўлган юксак қарашини, ҳурмат ва муҳаббатини равшан кўрсатадиган кучли далиллардан биридир.

А. СОФРОНОВ

МОСКВАЛИЛАР ХАРАКТЕРИ

УЧИНЧИ ПАРДА¹

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

ВКП(б) райкоми секретари Полозованинг кабинети. Катта хона. Кеңг ойналардан Москва бульварларининг бири күриниб турибди. Кабинетла—секретарь столи ва кўк мовут ёлилган яна бир узун столдан ташқари тагин бирнечча столчалар бор. Буларда район корхоналарининг соввалари—станок моделълари, 18 қаватли катта бинонинг макети, трамвай ва автобус моделълари, Деворларда—Сталин ва Молотов ўртоқларининг илакдани тикилган суратлари за индустрия мавзузида ишланган ёрқироқ панно. Бурчаклардан бирида катта соат, унинг ёнида бошқа хонага чиқадиган эшик. Полозова ёнидаги стол устида—гуллар, қўйилган чиройли ваза. Катта столла „Чекимасин“ деган лавҳа. Парда очилганда райкомининг технический ходими Маша уз и столга қороз-қаламлар қўймоқда.

Кружкова киради.

Кружкова. Салом, Маша.

Маша. Салом, Анна Сергеевна.

Кружкова. Эрта келиб қолдим шекилли?

Маша. Йўқ, ҳозир бошлашсалар керак.

Кружкова. Шу ерда кутиб турсам майлими?

Маша. Албатта, Анна Сергеевна. (*Коғозларни қўйишша да-вом этади.*)

Кружкова дераза олдига келиб, уни очади, кўчани тамоша қиласди, Потапов блан Зайцев киради.

Потапов. Салом, Машагина.

Маша. Саломат бўлинг, Алексей Кирьянич.

Потапов. Биз ҳаммадан олдин келибмиз-да?

Маша. Анна Сергеевна ҳам шу ерда.

Кружкова буларга қаради.

Потапов (*Кружкованинг олдига келиб*). Салом, Анна Сергеевна!

¹ Охири. Боши журналчинг бинчи совида.

Кружкова. Салом, ўртоқ Потапов!

Потапов. Сизни ҳам чақиришдими?

Кружкова. Келинг деб сўрашиб эди.

Потапов. Хўш, нима бўлади деб ўйлайсиз?

Кружкова. Нима тўғрида?

Потапов. Э, ўзингиз биласиз ку!

Кружкова (*кулимсираб*). Йўқ!

Потапов (*ўзини соддадилликка солиб*). Буни қара, Зайдев... хотинлар хўб қув бўлишади-да!

Кружкова Бизнинг исте'додимизга ортиқ баҳо бериб юбордингиз, Алексей Кирьянич.

Потапов. Биз хўжалик ходимларимиз, баҳони ортдириб юборсак,—зарар кўрамиз.

Кружкова. Менга—ундан ҳам зарарли.

Потапов. Шундоқ денг? (*Кружкованинг олдидан кетиб, Машанинг олдига борди*.) Нина Ивановна кабинетидами?

Маша (*эшикни кўрсатиб*). Кабинетида.

Потапов. Кирсанм бўладими?

Маша. Албатта.

Потапов (*Зайдевга*). Шу ерда туриб тур. (*Кетди.*)

Зайдев (*Полозова столи ёнига бориб*). Ҳаммаёқни гул босиб кетибди.

Кривошеин киради

Кривошеин (*Кружковага*). Салом, Анна Сергеевна

Кружкова. Сэломатмисиз, Игнат Степанич.

Кривошеин (*Зайдевга*). Алексей Кирьянич келдими?

Зайдев. Бирга келдик. (*Кабинетга ишорат қилиб*.) Ўртоқ Полозованинг ҳузурида.

Кривошеин. Унда зарур ишим бор эди.

Зайдев. Мажлисда кўрасан.

Кривошеин. Мажлисдан олдин куришим керак. (*Машага.*)

Ўртоқ Потаповни чақириб беролмайсизми?

Маша. Қани, кириб кўрайчи. (*Кетди.*)

Зайдев. Мунча шошмасанг? (*Остонада Потапов пайдо бўлади.*)

Потапов. Нима дейсан?

Кривошеин. Сиз блан гаплашиб оладиган гап бор. Ҳозир..

Потапов. Бюорода гаплашамиш.

Кривошеин. Сизни эрталабдан бери қидираман...

Потапов. Масала аниқ... Фикрингни айтсанг бас... Туратур. (*Кайтиб кириб кетди.*)

Зайдев (*Кривошеинга*). Ҳа да, дадил бўл. Сўзингда қаттиқ туриб ол.

Кривошеин. Ҳа, қаттиқ туришга тўғри келади.

Зайдев. Ҳа, баракалла... Ростини айтсан, сенинг гапларинг менга ҳеч ёқмайди: „Масалани ўрганиш керак, масалани тушвиш керак, масала жиддий“ деб эзмаланиб ўтирасан. Большевик

деган бунақа бўлмайди. Большевик масалани шартта ҳал қила-ди-қўяди. Бўлса-бўлди, бўлмаса—отамдан нари.

Кривошенин. У нима деганинг? Масала ҳақиқатан ҳам жиддий. Гап янги совет станогининг тақдирни устида кетаяпти.

Зайцев. Районимизда яна ҳам каттароқ блюминг ўйлаб чи-қаришса, шуни ҳам биз қиласми? Кўпнинг орқасидан югуриб, оздан қуруқ қолмайлик. Райком масалага дангал жавоб беришини талаб қилади. Бу шунақа ташкилот. Эсингда бўлсин. Сен—кандидатсан! Ўзингни кўрсатишинг керак.

Кривошенин. Қўлимдан келганча ҳаракат қиласман...

Зайцев. Мана, энди ўзингга келдинг!

Бу гапларни ўшитиб турған Кружкова, ҳаяжон блан ўриндан туриб, Кривошенининг олдига келади. Шу пайт Северова, Гринёва ва Дружининлар кириб, қолишади.

Кривошенин (*Зайцевни қолдирив, Дружининнинг олдига боради*). Владимир Николаевич, Потапов блан гаплашай десам, ҳеч Полозованинг олдидан чиқмаяпти.

Дружинин. Қўяверинг, бюро ҳал қилади.

Кривошенин. Лекин ҳозир...

Дружинин. Майли, қўяверинг.

Потапов киради ва, Гринёва блан Северовани кўриб, уларвинг ёнига боради.

Потапов. Чит республикасига салом!

Северова. Салом, Алексей Кирьянич!

Потапов (*Гринёвага*). Хафа кўринасан, Ирина?

Гринёва. Бутун аркон-арбобларинг блан келибсан-ку?

Потапов. Ёрдамчиларим.

Гринёва. Хафа бўйи ҳасин, дебсан-да.

Потапов. Улар ҳам мени хафа қилишмайди. Ўйга бирга қайтамиزمи? Кечқурун бўшм н.

Гринёва. Яхши.

Кривошенин (*Потаповнинг олдига келиб*). Алексей Кирьянич, бир оғиз гап бор, мумкинми?

Потапов. Албатта. (*Кривошениннинг олдига боради*.) Нега ховлиқасан?

Кривошенин. Алексей Кирьянич, мен айтмоқчиманки...

Потапов. Мажлис очилсин, айтасан. (*Дружининга*) Ҳали ҳам шубҳада юрибсанми?

Дружинин. Йўқ, энди шубҳам йўқ. Ба'зи нарсаларни кўриб чиқишига тўғри келади.

Потапов. Фикримга қўшилмайдиган жойларинг бўлса, айтарсан...

Бюро а'золари ва Полозова киради.

Полозова. Ҳамма йигилди. Рўзномад ги масала: „Горбенко блан Гринёв ўртоқлар ихтиро' этган „Москвич“ номли янги становки ишлабчиқариш чоралари ҳақида“. Ўртоқ Северова, марҳамат.

Северова. Қисқаси, тұқимачилик саноати қачонлардан бери кутиб ётган янги станок ихтиро' қилинди. Бу станок бизнинг районимизда, бизнинг комбинатимизда, бизнинг ходимларимиз Горбенко блан Гринёв томонидан ихтиро' этилди. Станокнинг биринчи нұсқаси синовдан яхши ўтди. Мана, ўша станокда қилинган нақш блан безатилған газмол. (Биз биринчи күрнишда күрганимиз нұсқаны столга ёзади.) Биз Москванинг ша'ни учун, районимизнинг ша'ни учун райком олдиде бу масалани қўйяпмиз...

Потапов (*Кривошеинга секин*). Улар масала қўйишига жуда уста-да!

Северова. Биз, бу ставокни кўплаб ишлабчиқаришни ҳам районимиз йўлга қўйсин деймиз! Илтимос қиласман, гапимни тўғри тушининглар. Тұқимачилик комбинати бизнинг районимизда экан, унга станок ишлаш ҳам бизда бўлса яхши эмасми? Бизнинг фикримизча районимизда ўзининг асосий планига зарар етказмасдан туриб, бу станокни ишлаб бераоладиган завод бор.

Потапов (*атрофига кўз югуртириб*). Мажлисда мендан бошқа завод директори йўқ. Демак, гап менинг заводим устида бораётпи?

Северова. Ҳа, гап сиз директорлик қилаётган завод устида бораёттир.

Потапов. Нина Ивановна, бу ердаги ўртоқлар заводимнинг имкониятларини ўзлари ҳисоблаб, масалани менсиз ҳал этиб қўйган бўлсалар, менинг бу масалани муҳокама өтишга иштироким ҳам ортиқчадир?

Полозова. Нега ортиқча дейсан, Алексей Кирьянич? Навбатинг келганды сен ҳам гапирасан! (*Северовага*) Давом этинг!

Северова. Комбинатнинг партия ташкилоти, дирекцияси ва стахановчилари номидан биз райкомдан илтимос қиласми. Бизга ёрдам беринглар, шу станокни тездан ишлаб чиқариш, я'ни кўплаб ишлаб чиқариш, ҳақида министрлик олдиде масала қўйинглар... Биз ишонамизки, Потапов бу заказнинг уддасидан чиқполади, албатта, агар хоҳласа...

Потапов. Йишончингиз учун раҳмат.

Северова. Ёки мажбур қилинса. Яна ихтиёр райкомда.

Полозова. Қўрамиз (*Папирос чекаётган Зайцевга кўзи тушди*). Ўртоқ Зайцев!

Зайцев (*ирғиб турди*). Лаббай!

Полозова. Саводлимисиз?

Зайцев (*бирор топшириқни бажаришга тайёрдек*). Албатта, Нина Ивановна. Бирор нарса ўқиши керакми?

Полозова (*Чекилмасин* деган лавҳага ишора қилиб). Қўрдингизми?

Зайцев (*бармоқларини куйдира куйдира папиросни ўчиради*). Қўрдим. „Чекилмасин“ деб ёзилган. Кечирасиз, Нина Ивановна, бу асабийлик натижаси.

Полозова. Асабийлашманг.

Потапов. Хўп, хўп! (*ўтириди*. Куйдириб олган бармоқларини пуллайди).

Полозова. Ўртоқ Потапов, сизга сўз.

Потапов. Менинг асосий фикрларим докладда айтилган. Ниана Ивановна, сиз докладни ўқигансиз, буор а'золари ҳам билишади, министр ҳам хабардор. Мен фақат бир нарсага өтиборингизни жалб этиб ўтмоқчиман: менинг заводим фақат райондагина эмас, Бутун Иттифоқда ҳам энг илгор заводлардан бири Кўчма байроқ кўпдан бери бизнинг қўлимиизда ва биз ундан ажралмоқчи эмасмиз.

Бирининчи буор а'зоси. Станок нима бўлади?

Потапов. Бу бошқа масала.

Иккинчи буор а'зоси. Биз мана шу „бошқа масала“-ни муҳокама қўлмаялмиз-да.

Биринчи буор а'зоси. Бу масалани райком бюросила кўраётганимиз ҳам тасодифий эмас.

Потапов. Мен бу тўғрида нима деяолар эдим? Станок, эҳтимол, яхшидир, лекин менинг унга нима алоқам бор? Заказни қабул қилаолмайман—имкониятим йўқ. Заводнинг бунга тайёргарлиги йўқ. Биз ҳисоблаб, маҳсус муҳокама қилиб чиқдик. Бу фақат менинг фикрим эмас. Мана Кривошенин, Зайдев уртоқлар ҳам шу ерда. Фақат партия ташкилоти бизнинг фикримизга қўшилмади. Лекин, ўйлайманки, райком Ўртоқ Дружининг масалани тушинтириб қўяр. Бундай ишларда хаёлпирастлик ярамайди. Мен министрга ҳам айтганман. Яна нима дейишим мумкин? Ҳа, айтгандек, нега тўқимачилик комбинати менинг заводим ишига аралашади? Нега? Ким уларга бундай ҳуқуқ бериб қўйган? Улар ишлаш ўрнига шов-шув, тўпалон блан овора. Мен бешйилликни уч ярим йилда бажарадиган бўлиб турибман. Улар бўлса орага станогини суқади! Менинг заводим—тажрибаҳона эмас. Янги заказни қабул қилаолмайман! Бу давлат манфаатларига хилоф.

Полозова. Демак, қабул этмайсан?

Потапов (қат'ий). Қабул этмайман!

Полозова. Яхши... Сўз партия ташкилоти секретари Дружининга.

Дружинин. Рухсат берсангиз, сал кейинроқ сўзга чиқсам.

Полозова. Ихтиёрингиз.

Зайдев (папиросини тутатади-ю, дарров ўчиради). Ниана Иваевна, рухсат этинг.

Полозова. Сизни мен сўзга ёзиб қўйганман.

Зайдев. Яхши бўлмаса,—кейинроқ.

Полозова. Ҳа, кейинроқ. (Гринёвадан олган хатини ўқиб. Ўртоқ Гринёва сўз сўрайти.

Потапов. Профсоюз номидан бўлса керак.

Гринёва. Жуда тўғри айтдинг, профсоюз номидан. Тўппа тўғрисини айтсам, сен назарингга илмаётган одамлар номидан.. Икки профсоюз а'зоси неча йилдан бери бир станок яратиш устидаги илади. Натижада, станок майдонга келди. Оиз энди бу соҳада Ғарбни орқада қолдириб кегаоламиз. Ғарбни ҳам бирёққи қўятуринг! Ўзимизнинг тўқимачилмк саноатимизнинг иши бутув

лай яхшиланишини айтмайсизми! Партия ва профсоюз ташкилотлари ихтиро'чиларга ёрдам берди.

Потапов. Бўлмасамчи! Уларнинг биттаси сизнинг қариндошингиз бўлса керак!

Полозова. Ўртоқ Потапов!

Гринёва. Қариндошлик масаласига келсак, мен ўйлайманки, коммунистлар принципиал масалаларни қариндошчилик нуқтаи назаридан ҳал қиласликлари керак. Мен ҳозир худди шундай қилмоқчиман, ўртоқ Потапов! (Бюро а'золарига қараб туриб.) Шу масалани ҳал қилишда ўртоқ Потапов тутган мавқ'ини мен партия принципига хилоф деб ҳисоблайман.

Потапов. Ўху!

Гринёва. Мен буни исбот қиласман! Ҳозир стахановчилик ҳаракатига қаршилик қилучи хўжалик ҳодими бормиў йўқ! Стахановчилик ҳаракати янги чиққанда нима бўлиб эди? Стахановчилик ҳаракатининг буюк кусини тушинмаган хўжалик ҳодимлари, ҳатто коммунистлар бўлган! Унга тиш-тироғи блан қаршилар чиқиб әдими? Чиқиб эди. Кўп чиқиб эди. Ўша вақт улар партия йўлига хилоф йўл тутдилар. Яқин ўтмишни мисолга олайлик. Оддимизда Олий Совет депутати Кружкова ўтирибди. Лекин, ўртоқ Потапов, яқиндагина Кружкова партиясиэз, оддий бир ишчи эди, оддий профсоюз а'зоси эди. Мана шу Кружкова маошига зарар гегишини билиб туриб, ўз шахсий манфаатини бир ёққа йиғишириб қўйиб, 50 дан ортиқ тўқучини ўз раҳбарлигига олди, 6 ойгача ўз тажрибасини тушинтириди, уларга ўргатди. Ўша вақт бизда ҳам Кружковага „Ташла бу ишларни, Аня! Бекорга умрингни тарф этиб нима қиласан. Ўзинг якка ишлайвер!“ дегучилар кўп ўлди. Ҳозир эса ҳечким бундай демайди, чунки Кружкова ғолиб чиқди. Янгилик ғолиб чиқди. Сен бўлсанг, ўртоқ Потапов, „менинг заводим, менинг планим, менинг одамларим“ дейишдан бошани билмайсан. Ўзингга хон. ўзинга бек бўлиб олибсан. Ёрдам ериш қўлингдан келади-ю, истамайсан. Кўзинг хиралашиб қоибди, янгиликни кўрмаяпсан. Ҳолбуки сен блан биз бир районинг ҳодимларимиз! Нима десам тушинар экансан, Потапов! Сен чинг ўша стахановчиликка қаршилик қилган, ўша Кружкованинг ўлини тўсган одамларга ўхшаб қолаяпсан. Коммунистга, завод инректорига шу эпми?

Потапов. Мен саноатда башвоқсиэликка қаршиман, иш деганланли бориши керак.

Гринёва. План блан ишлашига бизяинг становимиз зараригтийдиган завод ҳам топилиб қолар. Бизда заводдан кўпи йўқ. Екин, Погапов, сен тушин: бу қилингнинг сени а зарари катта. Одамлар „Бу завод эмас, Потапов хонлиги“ дейишади, сени „хон“ саб агашаяпти. Бу гаплар бечиз эмас. Ўзингга ма'кул, бундай пларни айтиш, айниқса менга оғир, лекин мен барибир бу ерда, йиком бюросида, бу гапларни айтишим керак. Ўртоқларим менинг дараимга тушинади, албатта. Сен ҳам тушинсанг, яхши бўро эди... Кейин пушаймон қилиб юрма! (Ўтириди.)

Потапов. Нина Ивановна, яна сўз беринг. Гринёва айтганинг бу масалага ҳеч алоқаси йўқ.

Полозова. Шундайми?

Потапов. Пуч сапсата. Гапирсам бўладими?

Полозова, Ўхтаб тур, Алексей Кирьянич... Ўртоқ Зайцев!

Зайцев. Нина Ивановна, мен чекаётганим йўқ.

Полозова. Жуда яхши... Суз сўраб әдингиз.

Зайцев. Мен тайёрман... Ўртоқлар, чунончи мен... мен даставвал айтишим керакки, ўртоқ Гринёва бу ердаги масалага алоқаси йўқ гапларни гапирди. Ўша стахановчилар масаласидаги гаплари тўғрими, ўртоқлар? Ҳеч ҳам! Ҳаят сизга, ўртоқ Гринёва! Уят! Ҳаммага ма'лумки, заводимизда, ўртоқлар, биз бу масалага катта аҳамият берамиш! Қани, ўртоқ Гринёва, сизнинг комбинатингизда ҳам бизнисига сал-пал ўхшайдиган ишлар қилин-чи. Бизадиги процентлар қани сизларда ҳам бўлсинчи.

Полозова. Масаланинг ўзига яқинроқ келайлик, ўртоқ Зайцев.

Зайцев (яқин келиб). Ҳозир яқинлашаман... Ўртоқлар, бутув мас'улиятни бўйнимга олиб туриб, Райком бюросида дадил айтамки, қувватимиз етмайди, қувватимиз оз, ҳақ гап шу Ўртоқ Северова.

Северова. Қувватингиз озлиги кўриниб туриди.

Зайцев. Протоколга ёзиб қўйишингизни илтимос қиласман Северова мени ҳақорат қиласяти.

Полозова. Ҳотиржам бўлинг, ўртоқ Зайцев. Бу ердаги ҳамма сўзлар тугал ёзилиб туриди.

Зайцев. Шундайми? Ундаи бўлса, менинг сўзларим ёзилмасин. Бундай шароитда мен дуруст гапираолмайман. Стенограммага боп сўз танлайманми ё муҳокама қилинаётган масалани ўйлайманми! Битта бошга бирданига икки иш, хаёлим бўлиниб кетади. Сўзим тамом.

Полозова. Сизни сўзга чиқмаган ҳисоблайликми?

Зайцев. Назаримда, сўзга чиқдим шекилли.

Полозова. Сиз Потаповнинг фикрига қўшиласиз, шунақами?

Зайцев. Мен қўшилмадим, ўзимнинг мустақил фикримни айдим.

Потапов. Нина Ивановна, Нега энди Зайцевнинг фикрини бунчалик қаттиқ суриштириб қолдингиз? Унинг фикрини бил шимиз шарт эмас-ку ахир! Бу ерда ўртоқ Кривошеин бор, у...

Полозова. Ўртоқ Потапов, рухсат этсангиз, раисликни молиб борсам. (Бюро а'золарига.) Менингча, ўртоқ Кривошеин сўз бермасак ҳам бўлади. Завод раҳбарларининг фикрини эшидик.

Биринчи бурио а'зоси. Гапирмаса ҳам бўлади.

Иккинчи бурио а'зоси. Менингча, гапирсан. Заводни техника бўйича раҳбари. Унинг фикрини билмасдан бўладим.

Потапов. Мен боп технологимизнинг фикрини эшлишибирингизни илтимос қиласман. У мажлисга маҳсус чақирилган.

Полозова. Майли... Сен ҳам сўзга чиқасанми, Дружинин? Дружинин. Ўртоқ Кривошенинга сўз беришингизни илтимос қиласман.

Полозова (*Кривошенинга*). Ўртоқ Кривошенин, айтилган гапларга биронта қўшимчангиз борми?

Кривошенин. Бор. Мевга сўз берсангиз.

Полозова. Яхши, қани эшитайликчи. Инженер Кривошенинга сўз.

Кривошенин. Менингча янги заказ қўлга олинса, катта қайинчиликлар майдонга келади ва ҳатто ма'лум вақтгача асосий график ҳам анча бузилади. Графикни бузишга ҳақимиз борми? Биз қишлоқ хўжалиги машиналари чиқарадиган саноат учун жуда мас'улиятли заказ бажарайпмиз. Бу жиҳатдан директорнинг фикрига тўла-тўқис қўшиламан. Янги заказни қабул қилиш масаласида кўп бош қотирдим ва ҳозир анча аниқ фикр айтиш имконига эгаман.

Северова. Сиз ҳали ҳам жуда аниқ фикр айтаяпсиз.

Зайдев. Ўртоқ Северова, бирорнинг фикрини бўлманг.

Кривошенин. Мен у станок блан батафсил танишиб чиқдим. Жуда яхши, серунум станок. Унинг келажаги яна ҳам яхши. Албатта, унга ба'зидир ўзгаришлар киргизиш зарур, лекин...

Гринёва. Станокни ишламас экансизлар, ўзгаришлар устида бош қотириб нима қиласиз-а?

Потапов. Ирина Фёдоровна, бу ўртоқнинг холис фикрини жим ўтириб эшитишингиз мумкини?

Гринёва. Мумкин, лекин жуда қийин...

Кривошенин (*Потаповга*) ... Алексей Кирьянич, мен ўзимнинг холис фикримни айтмоқчиман. Сизнинг мўлжалларингиз катта. Ниятларингиз зўр, шунинг учун сизни мажбур қилмоқчи бўлишаётганларнинг фикрига қўшилмайман...

Потапов. Менгина эмас, сизни ҳам мажбур қилишаяпти.

Кривошенин. Тўғри, мени ҳам мажбур қилишаяпти... Аммо, мен сизга айтсам, ҳарҳолда сизнинг фикрингиз тўғри өмас...

Потапов. Сиз бу гапни кимга айтаяпсиз?

Кривошенин. Сизга, Алексей Кирьянич. Менингча, қанча катта қийинчиликларга дуч келмайлик, янги заказнинг уддасидан чиқаоламиз. Менинг бунга имоним комил. Асосий ишимишга зарар тегмайди.

Потапов. Бема'ни гап!

Гринёва. Алексей Кирьянич, бир марта бўлса ҳам бирорнинг холис фикрини тинч эшитаоласизми?

Кривошенин (*ранжисб*). Алексей Кирьянич, мен ҳечқачон bem'a'ни гап айтган эмасман. Ҳозир ҳам айтаётганим йўк... Сиз заводнинг тайёргарлиги йўқ дедингиз. Тўғри, бизга технологияни ўзгартишга тўғри келади... Бизда қўл блан қилинадиган ишлар бор — биз уларни механизацияга кўчирамиз. Бизда ишлаб чиқариш ускуналари камроқ — уларни ҳам ўзимиз қиласмиз. Транспортировкани яхшилаймиз... Гап кўп, мен вақtingизни олиб ўтирамайман. (*Бюро а'золарига*) Бешийилликни уч ярим йилда бажамайман.

ришга қарор берганимиз. Бажарамиз, иккала станок планини ҳам уч ярим йилда бажарамиз. Бизда ҳамма имкониятлар бор. Гапим — тамом.

Полозова. Жуда соз, ўртоқ Кривошеин.

Кривошеин. Яна бир нарса демоқчи эдим... (*Кружковага қараб олиб.*) ... Жуда чиройли газмоллар чиқарилади... Хотин-қизларимиз ҳам хурсанд... бошқалар ҳам хурсанд бўлади, алатта...

Полозова. Демак сиз гўзалликнинг қадоига етучиларданси?

Кривошеин. Албатта!

Полозова. Самимий гапирдингиз, бадли!

Потапов (*ўрнидан турди*). Жуда самимий! Нина Ивановна, ўртоқ бюро а'золари! Бу яхши эмас ахир.

Полозова. Қаери яхши эмас?

Потапов. Ҳаммаси! Бошдан оёқ! Заказни қабул этиш-этмаслик масаласини ҳал қилучи ходимлардан бирининг олдига ихтиро-чилардан бири келиб, уни йўлдан урса, яхшими? Шу яхшими, Нина Ивановна?

Полозова. Унчалик яхши эмас.

Потапов. Мен улар орасида нима гап бўлганидан, менинг ходимимга хизмат эвазига нималар ва'да қилинганидан хабарим йўқ, аммо...

Северова. Оғзингга қараб гапир, Потапов.

Потапов. Ёқмаяптими? Ҳақиқат аччиғ эканми? Менингча, Кривошеиннинг олдига фақат битта ихтиро'чигина келмаган бўлса керак. Бу партия йўлига хвалоф эмасми? Давлат масалаларини шундай ҳал этиш керакми? Бу ошна-оғайнигарчилик! (*Утируди.*)

Северова. Гапларинг ёлғон, Потапов!

Потапов. Ёлғон? Ўртоқ Кривошеин, Гринёв уйиннга борганимиди?

Кривошеин. Бориб эди.

Потапов. Марҳамат... Яна ким борди?

Кривошеин. Бошқа ҳечким боргани йўқ!

Потапов. Ҳечким боргани йўқ? (*Зайцевга қаради, Зайцев ҳаяжонланиб папирос тутатади.*) Ҳечким бормади дегин? (*Полозовага.*) Ўртоқ Кривошеин яхши қилмади, у ўз фикрини аввал менга айтиши керак эди...

Кривошеин. Айтмоқчи бўлдим, қулоқ солмадингиз... Қарасам, заказдан бош тортиб хато қиласяпсиз. Индамай тураолмадим, албатта.

Потапов. Нина Ивановна!

Полозова. Сабр қил, Потапов... Биз ҳали партия ташкилоти секретарининг фикрини эшитганимиз йўқ. Ёки партия ташкилоти масалани ҳал этишга иштирок этмоқчи эмасми?

Дружинин. Йўқ, иштирок этади. Гапирсам бўладими?

Полозова. Гапир, Дружинин.

Дружинин. Бу масалада Потапов блан бизнинг фикримиз бошқа бошқа лекин шундай бўлса ҳам Потаповнинг бу ердаги қилиғи учун мен ўзимни раёнком бюроси олдида айборд ҳисоб-

лайман. Айбим нимадан иборат? Бу саволга жавоб беришга ҳаралат әтиб күраман. (Потаповг.) Биз сен блан икки йилдан бери бирга ишляпмиз. Яхши ишляпмиз. Процентимиз баланд. Биз ана шу процентларга ўрганиб қолиб, келажакка, истиқболга қарамай қўйдик. Кartoшka қазиш учун керакли белкўраклар заказ қилинган вақт эсингдами? У биринчи аломат, биринчи сигнал әди. У вақтда биз сенга, Потапов, масаланинг моҳиятини тушинтирган әдик. Тушинтирибмизу, эсимиздан чиқарибмиз. Сенинг миянгда бўлса, ўша хатонинг тоимири қолиб кетибди. Мен уни суғуриб ташлаш ҳаракатига тушмабман.

Полозова. Яхши қилмабсан.

Дружинин. Ўзи тушинар, тузалар, деб ўйлаб әдим... Тузалиш ўрнига баттарроқ бўлти. Сен заказни рад этишдан аввал партия ташкилоти блан ҳатто маслаҳат қилишиб ҳам кўрганинг йўқ. Буёғи энди — сенинг айбинг. Бу айбинг учун энди ўзинг жавоб бер. Бундан ташқари... Станокни Гринёванинг отаси ихтиро' қилган бўлса, нима бўлибди? Қайтага, яхши эмасми? Сен шахсий манфаатиарастлик йўлига тушиб олиб, станокнинг пайдо бўлишини ҳам давлат иши демасдан, хусусий иш деб, Гринёванинг шахсий иши деб тушиндинг.

Биринчи бюро а'зоси. Гапинг тўғри, Дружинин. Менинг отам станок ихтиро' этса, мен ёрдамлашмасдан турармидим! Бу — оила манфаати эмас, Потапов, бу — давлат манфаати.

Полозова. Сўзинг тамомми, Дружинин?

Дружинин. Тамом. (Ўтириди.)

Потапов шошиливч хат ёзиг Полозовага узатади. Полозова хатни кўздан кечириб, чўнгтагиа солиб қўяди.

Полозова (*ўрнидан турди*). Менга қара, Потапов. Сизлар бу янги станок давлат учун қанчалик муҳим әканлигини тушинмапсизлар. Ҳа, тушинмапсизлар, ўртоқ Потапов. Бунинг устига, яна завод партия ташкилотини ҳам менсимапсизлар. Ҳаёт сизларни жиддий огоҳлантиради. Ҳаммангиз ҳам ютуқларингизнинг сабаби қайда әканини яхши фаҳмламабсиз. Уруш маҳалида енгил саноатимиз оғир саноатдан, станок саноатидан орқада қолди. Уруш йилларида сизнинг заводингизнинг кучига куч қўшилди, тинчлик даврига бақувват бўлиб кирди. Потапов бўлса, мен ва менинг беш олтига ёрдамчим заводни гуллатиб юбордик, деб ўйлабди. Ба'зан у заводнинг ғалабаси партиямиз сиёсатининг ғалабаси эмас, балки менинг шахсий ғалабам деб уйлаб қолибди. Шунинг учун ҳам у ҳадеб „менинг заводим“, „менинг одамларим“, „менинг планим“, давлат плани эмас „менинг планим“ дейди! Кўчма байроқ сизларнинг қўлингизда. Процентларингиз баланд, шу блан бирга сизлар тўқимачиларни менсимасдан, ҳаволаниб юрибсизлар. Улар қаҳрамонона меҳнат блан урушдан аввалги даражага кўтарилишга ҳаракат қилишаяпти. Сизлар бўлса уларни „чит республикаси“ деб эрмак қиласизлар! Аскиябозлик қиласизлар. Думоқдорлик ҳам шунчалик бўлади-да. Потапов, сен „хон“ деган ном олибсан. Табриклаймиз. Зайцев, сиз нима дейсиз?

Зайцев (шошиб қошиб). Мен ҳам шу фикрга қүшиламан. Полозова. Қайси фикрга? Кимнинг фикрига? Майли, аниқламай құяқолайлик. Ҳаёт сизларнинг олдингизга жиғдій, мұракаб масала құйыбиди. Сизлар бу масаланы тұғри ҳал әшитга, совет давлати тараққиеттінің бугунғы босқичида партия сиёсати нұқтаи-назаридан ҳал этишга қодир әканлықлар ингизни күрсат-дингларми? Йүк, сизлар бұнға қодир әмас әкансизлар. Сизлар ұтто бу масаланы тушинишга ҳам ҳаракат қилмапсизлар. Faro олдила тиз чүкишга қарши нұтқ сүзлашта устасану, лекин, станокни майдонға келишига ёрдамдан бош тортасан! „Москвич“ станоги бизға нима беради, тушинасанми? Миллион метрлаб ажайып газмол беради. Хотин қызыларимизни яна ҳам әқимли, гүзәл қилади! Партиямыз е бунга қаршими? Партиямыз бунга тарафдор, чунки хотин-қызыларимизнің яхши кийинишга ҳақлари бор. Е гапим нотұғрими, Потапов? Ҳатолар ингизни тузатаман десанды, ұхали имкон бор. Шу имкониятдан фойдаланиб қолинг. Унитмангки, у станокка Москва маркасы — дун'ёдаги әнг яхши марка қоқылған бўлади. (Утиради.) Сүзлашни истовчилар борми? Йүк. Тұқымачиларнинг илтимоси қабул этилсін деган таклиф бор. Министрликка мурожаат қилиб, станоклар вшловчи заводға Москвич станоги заказини қабул этишга рухсат берішни илтимос қиласыз. Ўртоқ Потапов бўлса тездан янги станокни ишлаб-чиқариш тайёргарлигини күрсін. Бошқа таклифлар йўқми?

Бюро а'золари. Йүк.

Полозова. Потапов, сенда-чи?

Потапов. Йўқ.

Полозова. Овозга құяман. Ким шу таклифга қүшилади? (Бюро а'золари құл күтападилар.) Бир оғиздан қабул этилди. Бошқа масалалар йўқ. Бюро мажлиси ёпиқ. (Ҳамма ўрнидан туради.) Кружкова, Гринёва, сен ҳам, кетмай туринглар.

Северова хайрлашиб чиқиб кетади. Зайцев Полозованинг олдига бормок ҳаракатида. Жойида ўтириб қолган Потаповнинг олдига Кривошеин боради.

Кривошеин. Менинг сизга айтмоқчи бўлган гапим мана шу эди. Лекин сиз...

Потапов (турди). Майли әнді, кейин гашлашамиз... (Кетмоқчи бўлиб эшикка томон юрди. Гринёва олдидан ўтди.)

Гринёва. Алексей, мени кутуб турасавми?

Потапов. Нима? (Жавоб бермасдан чиқиб кетди.)

Кружкова Кривошеиннинг олдига келди.

Кружкова. Мен сиздан миннатдорман, Игнат Степанич Сиз бугун...

Кривошеин. Ҳаммадан ҳам сизнинг шу миннатдорчилигиниздан құрққан әдим. Менинг үйимга нима учун келганингизни әнди тушиндим. Хайр! (Кетмоқчи бўлиб, эшик томонға жүнади.)

Зайцев (Полозова олдига чопиб бориб). Нина Ивановна сиз менинг гапимни анча нотұғри тушинибсиз.

Полозова. Сиз менинг гапимни тұғри тушиандынгизми ишқи либ?

Зайцев. Мен-ку тушиндим-а, хотиржам бўлинг.

Полозова. Аввалроқ тушинсангиз яна ҳам яхши бўлар эди.

Зайцев. Мен ўзимга тегишли хулосалар чиқариб олдим.

Полозова. Жуда соз бўйти. Оқ йўл, Зайцев. (Зайцевга қўл берди, у кетди.) Хўш, галиблар, кайфингиз қалай?

Кружкова. Жуда ҳам уста экансиз-ку Нина Ивановна?

Полозова. Лекин бу усталикка сен қачон ўрганар экансан? (Чўнтағидан Потаповниг ҳатини олиб беради.) Ўқи.

Кружкова. Нима экан? (Ўқийди.) „Менга тушган аниқ ма'лумотга қараганда, Кружкова Кривошениннинг уйига бориб, у блан станок тўғрисида гаплашибди Бувинг номини нима дейдилар?“ Ким ёзибди?

Гринёва. Потапов, Потаповнинг қўли.

Кружкова. Рост, мен Кривошениннинг уйига борган эдим.

Полозова. Гаплашиб эдинг ҳамми?

Кружкова. Гаплашиб эдим... Лекин станок тўғрисида эмас... Гарчи ўзим станок масаласида борган бўлсам ҳам...

Гринёва. Нина Ивановна, бу ерда бошқа чуқурроқ гап бор.

Полозова. Йўқ, Ирина... Агар бу сенинг маслаҳатинг блан бўлса, — хато қилибсан. Анна энди давлат арбоби. Давлат арбоби ўз йўли блан иш қилиши керак. Эсингда тут, Анна, шахсий иш блан жамоат ишини сра бир-бирига аралаштиракўрма.

Кружкова. Қўйсангиэчи, Нина Ивановна, бизда ҳозир жамоат иши блан шахсий иш бир-бирига шунча киришиб кетганки, ажратиш жуда қийин... Умуман олганда, гапинг тўғри, албатта, Нина Иванозна. Энди ҳеч уникига бормайман.

Полозова. Бор йўғи энди боргингда!

Кружкова. Энди бориб бўлмаса керак.

Потапов киради. Гринёвага ҳам Кружковага ҳам қарамай, тўғри Полозованинг олдига беради.

Полозова. Потапов, нега берухсат кириб келабердинг?

Потапов. Ўртоқ Полозова, шошиб турибман, кечираисиз.

Полозова. Гапинг борми?

Потапов. Бор. (Гринёва блан Кружковага қараб олди.) Майли-майли, халақит беришмайди. Заводимдан хотиржам бўлинг. Ҳаммасини бажараман. Партияният қарори менга қонун. Ўзим учун керакли хулосаларни ҳам чиқариб оламан. Бор гапим шу. (Полозованинг кўзига тикка қарайди.)

Полозова. Яхши, Потапов. Бюородаги гапларни яхши тушиндигми?

Потапов. Тушиниб оларман... Хайр. (Яна Гринёва блан Кружковага парво қилмай эшикка йўналади.)

Гринёва. Алексей, мени кутиб турсанми?

Потапов. Йўқ! (Остонада тўхтаб.) Уйга кетаётганим йўқ. (Кетди.)

Полозова. Ана энди ишлар битди!

Гринёва. Йўқ, Нина Ивановна, битмади... Юрагида кек сақлаб қолди!

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Потаповнинг уйи. Иккинчи күринишлаги жиҳозлар. Кечкурун. Гринёва тикув машинасида кўйлак тикмоқда. Виктор уёқдан-буёққа юриб турибди.

Виктор. Менингча, бутун айб сенда. Агар шу ўн икки йил мобайнида бунчалик эрка қилиб қўймаганингда эди, энди кетмаган бўлар эди.

Гринёва. Ажралишимизга катта сабаб бор.

Виктор. Бачканга сабаб.

Гринёва. Қараб тур, сен ҳам уйланарсан.

Виктор. Уйланмайдиганга ўхшаб қолдим.

Гринёва. Нима бўлди?

Виктор. Опажон, баҳтсиз йигит эканман. Кружкова ана у новча технологни яхши кўрар экан.

Гринёва. Дарров тарвузим қўлтиғимдан тушиб қолди дегин? У блан ҳеч гаплашиб кўрдингми?

Виктор. Гаплашганим йўқ ҳисоб.

Гринёва. Гаплашсанг бўлмайдими, ё сенинг ўрнингга мен гаплашишим керакми?..

Виктор. Гаплашакўрма, сра-сра... Менинг яна бир ҳафталик ўқишим бор, кейин бирор ёққа кетаман... Соғлиғимнинг мазаси йўқ...

Гринёва. Қаерга бормоқчисан?

Виктор. Саёҳатчилар блан бирга Қора дengiz бўйига.

Гринёва. Dengiz дардингга даво бўлармикан?

Виктор. Бирорга ванна фойда қиласди, бирорга саёҳат.

Гринёва. Мен ҳам сен блан кетсаммикан?

Виктор. Сенинг даодинг уйда битадиган дард. Ишимни қиласай. Ким келса ҳам мени безовга қилма. (*бошқа уйга кириб кетди.*)

Гринёва тикишда давом этади. Қўнғироқ овози. Гринёва, ўрнидан туриб, жиндак тўхтайди, соchlарини тузатгандан кейин эшик очгани чиқади. Кружкова блан бирга қайтади.

Гринёва. Тикишга ёрдам бергин...

Кружкова. Нима тикаяпсиз, Ирина Фёдоровна?

Гринёва. Кўйлак, Аня, кўйлак... Бу кўйлакка тўқ сариқ ёқа ярашармикан?

Кружкова. Шу кўйлакками? Ярашади.

Гринёва. Чўнтагини қанақа қиласай? „Икки ёнида чўнтак, севмаган йигит тентак“ деган ашулатамиздагидаقا бўлсинми?

Кружкова. Мен сизга ҳайронман... Шу топда шу гаплар кўнглингизга сифадими?

Гринёва. Иложим нима? Сенга арзга борайми?

Кружкова. Бардошингизга балли, Ирина Фёдоровна, парвойингиз фалак-а!

Гринёва. Йүқ, Аня... Икки ҳафтадан бери бошимни қайси тошга уришимни билмайман... (*Үёқдан-бүекқа юради.*)

Кружкова. Лекин у қаерларда юрибди?

Гринёва. Ростини айтайми? Икки марта заводга, кабинетига телефон қоқдим, ҳар сафар овозини эшитиш блан трубкани қўйиб қўяман.

Кружкова. Ўзи уйга келадими?

Гринёва. Бир марта ҳам келгани йўқ... Зайцевни юборибди. Майда-чуйдасини сўрабди. Қани ўша Зайцеви яна бир марта кўзимга кўринсинчи, адабини бериб қўяй... Заб ёрдамчини топибди-да.

Кружкова. Эшишимга қарагандা, станокни ишлай бошлишибди.

Гринёва. Сен Алексейнинг фе'лини билмайсан, агар бир ишга киришса, на ўзи тинади, на бошқаларга тиним беради. (*Мехрблан.*) Ишнинг кўзини билади...

Кружкова. Яхши кўрар экансиз-а, Ирина Фёдоровна?

Гринёва. Ҳамма бало шунда-да, Аня!

Кўнгироқ жингилийди. Гринёва эшик очгани кетади. Гринёва блан бирга қайтади. Чол янги кастюм ва ёқаси сал торроқ кўйлак кийган, қўлида катта папка.

Гринёв. Салом, Анна Сергеевна! (*Гринёвага.*) Министринг олдига кетаяпман. Алексей уйдами?

Гринёва. Йўқ, ота. Заводда ёки главкада бўлса керак.

Гринёв. Халигача заводдами? Қачон келсан уйда йўқ.

Кружкова. Ўзингиз унинг бошига катта ғалва солиб қўйдингизку.

Гринёв. Ҳақиқатан ҳам катта ғалва! Аввал кучининг борича қутилишга ҳаракат қилди-ю, охир кўнди. Мажбур бўлди. Энди ўзи ҳам хурсанд... Қачон учрашсак: „Ў-ў, Фёдор Степанич, келинг, келинг“ деб сўз бошлайди.

Гринёва. Бирон нарса дейдими?

Гринёв. Дейди... Ҳамма гапи иш тўғрисида... Яна: „Менга ишингиз бўлса заводга келаверинг, заводнинг ишларини уйда битиришни ёқтирамайман“, дейди... Эҳтимол уйдадир, деб бир кирган эдим. Мени министр чақириби, Алексей блан маслаҳатлашиб олмоқчи эдим... Кривошенин менга биринтириб қўйиши... Ипидан-игнасигача пухталаб чиқаяпмиз. Бу Кривошениннинг қиёмат одам әкан, техникани сув қилиб ичиб юборипти. Кечқурунлари уницида ўтиришамиз.

Гринёва. Ўтиришасизлар?

Гринёв. Ба'зан сурункасига бир неча кун...

Гринёва. Кривошенин сенга ёқиб қолибди шекилли?

Гринёв. Бўлмасам чи! Лойиҳамизга анча нарса қўшди. (*Кружковага.*) Лекин плакатингни олиб ташлабди.

Кружкова. Сайлор компанияси тамом бўлди.

Гринёв. Тамакини кўп чекадиган бўлиб қолибди... Аня, бир хабар олиб қўй.

Кружкова. Тамакисининг тутунига ҳушим йўқ.

Гринёв (*күп ма'ноли*). Шундай дегин? Майли, ихтиёриңг.
Мен кетдим бўлмаса. (*Кўнғироқ овози*.) Алексей бўлмасин?

Гринёва. Йўқ, унинг кўнғироги бошқача

Очгани кетди. Йўлакдан Гринёванинг овози: „Яна нимага келдингиаз?“ Зайцев блан бирга қайтади.

Зайцев (*Гринёва ва Кружкова блан жуда мулоийм кўришади. Гринёвага*). Алексей Кирьяничнинг тошириғи блан келдим.

Гринёва. Яхши. (*Гринёвага*) Ота, сен шошилиб туриб эдинг. Эшикни атайин беркитмай келиб эдим.

Гринёв (*ўтиратуриб*). Шошма... Мен ўртоқ Зайцевдан бир нарса сўрамоқчиман...

Гринёва. Ўртоқ Зайцев сенинг саволингга қаноатланурлик жавоб беролмас дейман!

Зайцев. Нега ундоқ дейсиз? Мен ҳам ишдан хабардорман.

Гринёв. Мен ҳозир министр олдига кетаяпман...

Зайцев (*ваҳмага тушиб*). Нега дарров министрга югарасиз? Фёдор Степанич, қўйинг шу министрни, борманг.

Гринёва. Ота, эшикни беркитиб келайми?

Гринёв (*турди*). Бормасам бўлмайди.

Зайцев. Сабр қилинг, Фёдор Степанич... Бироз сабр қилинг, бирга кетамиз.

Гринёва. Отам шошилиб турибди.

Зайдев (*Ҳавсаласи пир бўлиб*). Ҳа-а, ундаи бўлса майли!

Гринёв (*яна омонат ўтириди*). Мен ўтириб турман. (*Зайцевага*) Ишингизни тезроқ битиринг.

Зайцев. Бир пасда битираман, Фёдор Степанич. (*Гринёвага*) Алексей Кирьянич чертёжларни сўраб эди: кабинетда, стол устидаги папкада экан... Йўл-йўлакай буни ҳам олиб кел деди... Мана рўйхат. (*ўқийди*.) Икки дона уст кўйлак: бири йўл-йўллик, иккинчиси сийдам-кўк, уч-тўрт пайпоқ, зажегалка, ёзув столининг чап кутисида...

Гринёва. Бас!

Кружкова (*Гринёвага*). Фёдор Степанич, булар ишни битиргунча балконга чиқиб турайлик...

Гринёв. Тўхта, тўхта... ўртоқ Зайцев!

Зайцев. Ўзи ҳам тамом бўлаёди... Яна ҳалиги ўзи сақол оладиган устаранинг пичоқлари бор-ку, „Арктика“, ўша пичоқдан ҳам бир тўп, ёзув столининг ўнг қутисида экан. (*Рўйхатни Гринёвага беради*.) Ҳаммасини мана шу портфельга саласиз. (*Портфельни очмоқчи бўлади, қийналади*.) Кулфига бир бало бўлдими? Йўғе, очилди!

Гринёв (*ташвишланиб*). Нима гап, Ирина?

Зайцев (*енгилтаклик блан*). Ҳали хабарингиз йўқми? Алексей Кирьянич хотини блан ажралишган...

Гринёв. Сабаб?

Гринёва. Сабр қил, ота! (*Зайцевага*) Потаповга одеколон керак эмас эканми?

Зайцев. Одеколонни яқинда олиб кетиб эдим-ку.

Гринёва (*дүк аралаш*). Шундайми? Яна нима керак экан?
Зайцев. Алексей Кирьянич бошқа ҳечнарса дегандари йүқ.
Гринёв. Ирина...

Гринёва. Тұхтаб тур, ота. (*Эшикни очиб*) Пичоқ керак денг? Үша Потаповингизга айтинг: сизни яна бир марта бу ерга юборса, мен иккаланғызға ҳам шундай пичоқ топиб берайки, тұғри суяғингизға бориб тақалсан.

Зайцев. Бекорга койийсиз... Мендан илтимос қилиб эди-да...

Гринёва. Биз ҳам топшириқ берсак бажарасизми?

Зайцев. Жоним блан қўлимдан келганча...

Гринёва. Биздан сизга топшириқ: бу ердан қўлингиздан келганча тезроқ йўқолинг!

Зайцев. Мен қуруқ кетаолмайман! Топшириқни бажаришим керак.

Гринёва. Чиқинг, эшикни маҳкам беркитинг. Мен совуқ қотаяпман.

Зайцев. Ҳозир ёз-ку, ёз куни-я?!

Гринёва. Зайцев!

Зайцев. Чертёжлар қани? Мен топшириқни бажаришим керак.

Кружкова. Зайцев, кейин пушаймон қиласиз!

Гринёв (*турди*. Зайцевга жуда мулайдим, лекин қаттиқ). Сергей Сергеич! Үртоқ Зайцев! Сиздан хоним илтимос қиласяпти. Фаҳмингиз борми? Одобли, маданий бўлиш керак... „Йўқол“ дегандан кейин йўқолиш керак. (Зайцевнинг тирсагидан ушлаб.) Тушунинг ахир, сизга маданий қилишиб „йўқол“ дейишаепти. Хўпми? Хоҳласангиз мен ўзим қўлтиғингиздан олиб, зина поядан пастга олиб тушиб қўяй... Ҳурматли Сергей Сергеич, марҳамат қилинг. (Зайцевни туртиб останага элтиб қўяди.)

Зайцев. Мен устингиздан арз қиласман. Бу зўравонлик.

Гринёв. Нега зўравонлик бўлади? Қўлтиқлашиб чиқиб кетаяпмишку, (*Чиқадилар*.) Ирина, эшикни беркитибол.

Гринёв блан Зайцев кетади. Гринёва улар орқасидан эшикни зарда блан беркитиб, ўёқдан-бўёққа юради. Шу вақтгача балконда турган Кружкова қандайдир бақириқ овозларини эшитади ва панжарадан энгашиб пастга қарайди.

Кружкова. Нима дейсиз? Қаттиқроқ гапиrint! Қаттиқроқ гапиrint деяпман! Ҳозир! (*Ичкарига киради*) Зайцев портфелини эсидан чиқариб қолдириби.

Гринёва (*портфельни зарда блан олади, тез балконга ишади ва пастга иргитади*). Ол қопингни! (*Ичкарига қайтади, диванга ётади*.) Шу ҳам одам! Шу ҳам одам!

Кружкова. Хафа бўлманг, Ирина Фёдоровна. Хафа бўлганингизга арзимайди.

Гринёва (*Утиради*). Қани, энди келиб кўрсинчи! Менинг гапимга кирсанг, Аня, эрга тегма! Тегма... Эрларнинг ҳаммаси ҳам бир. Айтганини қиласанғгина яхшисан...

Кружкова. Мен ҳам шундай деб ўйлар әдим, Ирина Фёдоровна!. Кўп ўйладим. Алам қиласи, Ирина Фёдоровна... У ҳам

жуда ўжар. Райкомдаги сўзлари өсингиздами? „Ҳаммадан ҳам мен шу миннатдорчилигингиздан қўрқан эдим“ деди я! Улар жуда кеккайган бўладилар. Үндан үзимни тортганинг сабаби ҳам шу. Менсимасмикин, та’на қилмасмикин деб қўрқдим. Қарасам, мәдасига тегадиганман. У — билимдон, мен бўлса ҳали кўп ўқишим керак. Ўз дардимни айтиб, сизга халақит бераялманми?

Гринёва. Йўқ, йўқ... гапиравер.

Кружкова. Мен үзимни-ўзим одам қилишга қарор бердим. Уни бутунлай хаёлимдан чиқарай дедим... Йўқ, бўлмаяти... Ба'зан хаёл суриб кетаман. Қани ёнди келса-ю, қўлимдан ушлаб, „Аняжон, бир узоқ-узоқ юртларга бориб, айланиб келайлик“ деса. Яқинда отпускам бўлали, юр деса кетар эдим. Аввал поездда, кейин пароходда, кейин пиёда кетаберсак кетаберсак.. Қўлимдан ушласа-ю, денгиз бўйлаб етаклаб кетса. Мен ҳали бир марта ҳам денгизни кўрганим йўқ. Сизни чарчатиб қўймадимми?

Гринёва. Гапиравер, Аня, гапиравер.

Кружкова. Яна: ишқдан гапир-верса, гапираверса... Ошиқларнинг гапи ёд одамларга оддий кўринади, уларнинг кулгисини қистатади, лекин ма'шуқлар учун бу сўзлардан азиз нарса йўқ дун'ёда. Шундай эмасми?

Гринёва. Шундай. (*Турди.*) Худди шундай, Аня. (*Буфетнинг ёнига боради, очади.*) Қуп-қуруқ. Виктор бечора оч қоладиган бўлди.

Кружкова. У қаерда?

Гринёва. Дарс тайёрлаяпти... Виктор ошиқ бўлиб қолганга ўхшайди.

Кружкова. Кимга?

Гринёва. Сенга, Аня.

Кружкова. Қўйсангизчи, Ирина Фёдоровна! Яхши эмас...

Гринёва. Менингча ҳам яхши эмас... Аня, сен ўтириб тур, мен нон олиб келай.

Кружкова. Бирга борақолайлик.

Гринёва. Йўқ, йўқ... Ўтиратур, бирор киши келиб қоладими... Мен дарров қайтаман... (*Сумкани олиб чиқиб кетади.*)

Кружкова яна балконга чиқди, п’ижарага суюнди, пастга қаради Қаердадир чалинаётган ғамгин куй сал-пал зиштилиб турибди. Нариги уйдан Виктор чиқади. Кружкова ишқасдан, тўғри буфет ёнига боради, бир-биш кетин ҳамма хоналарни очиб кўради. Кружкова буёққа юз ўгириди, Викторни кўрди.

Виктор. Қуп-қуруқ.

Кружкова. Бирор нарса бордир. (*Ичкари кирди.*)

Виктор. Аня, сиз шу ердамисиз?

Кружкова. Шу ердаман. Ирина Фёдоровна магазинга кетди. Ҳозир келади.

Виктор. Шундай денг?.. Мен ўқиб ўтириб эдим.

Кружкова. Мен сизни кутубхонада деб ўтирибман.

Виктор. Ҳозир бу ер яхшироқ. Ҳечким йўқ. Тинч.

Кружкова. Дипломингиз қалай?

Виктор. Ярми битди.

Кружкова. Яхши чиқаяптими?

Виктор. Ёмон эмас. Энди бир ойча дам олмоқчиман.

Кружкова. Дам олмоқчиман?

Виктор. Жанубга бориб, айланиб келмоқчиман... Отпуска олтанингиз йўқдир ҳали?

Кружкова. Энди олмоқчиман.

Виктор. Абхазияда бўлганмисиз?

Кружкова. Йўқ.

Виктор. Қиримда-чи?

Кружкова. Ҳали денгизни бир марта ҳам кўрган эмасман:

Виктор. Отпускага бирга чиқайликми? Саёҳат қиласиз, сайд этамиз... Пиёда бўлиб олишиб Суҳимига борамиз. Мен сизнинг йўлдошингиз бўламан. Рост гап. (*Қўлидан тутади.*) Мана шундай қўл ушлашамиз-да, кетаберамиш.

Кружкова. Бўлмайди, Виктор, йўқ, бўлмайди.

Виктор. Нега?

Кружкова. Бўлмайди-да.

Виктор. Сиз худди мени бирорга таққослагандек гапирайпсиз.

Кружкова. Нега бундай дейсиз?

Виктор. Сиз Кривошенининг яхши кўрсангиз керак. (*Кружкова индамайди.*) Мен отам блан уникига борганимда хаёлимга шу гап келган эди.

Кружкова. Ирина Фёдоровна мунча узоқиб кетдикин? Мен кутишим керак.

Виктор. Демак, ўёқка бормайсиз?

Кружкова. Йўқ, Виктор... Ҳалиги... Менинг путёвкам бошка жойга... Москва атрофида бўлмоқчиман... Денгизни эса ёқтирмайман. (*Қўнғироқ овози.*) Бу ким бўлди экан?

Виктор. Ўзим очаман. (*Кетди.*)

Коридорда овоз: „Қани-қани, киринг!“ Кривошенин, унинг орқасидан Виктор кирди.

• Кривошенин. Салом, Аня Сергеевна.

Кружкова (ҳайрон). Салом. Сиз...

Кривошенин. Йўқ, йўқ, менга Алексей Кирьянич керак эмас.

Виктор. Ўзи ҳам уйда йўқ.

Кривошенин. Биламан... Уйингизга борсам, қўшниларингиз „Ирина Фёдоровнаникода“ дейишди. Сизни излаб келдим.

Кружкова. Мени?

Кривошенин Сизга айтадиган жуда кўп сўзларим бор.

Кружкова. Ажаб. (*Викторга.*) Танишмисизлар?

Кривошенин. Ҳа, танишмиз.

Виктор. Бир учрашиб эдик.

Кривошенин. Танишиб, жуда хурсанд бўлган эдим.

Виктор. Мен ҳам, жуда жуда... Ҳа, дарвоқи, ўтиринг.

Кружкова (шошиб). Иўқ, йўқ, ўтиранг! Инат Степанич, кетайлик. Виктор, опангиз мени уйни қараб туришга ташлаб

кетган эди... Ўзингиз уйда экансиз... Биз кетсак ҳам бўлади.
Хайр, Виктор. (*Кўл беради.*)

Виктор индамай қўл сиқади.

Кривошеин. Отангиз блан ҳеч бизникига келмайсиз, келиб туринг.

Виктор. Энди албатта бораман...

Кружкова (*шошилтириб*). Боради, боради. (*Кривошенига*).
Хайрлашақолинг!

Кривошеин. Э, айтгандек... Хайр, хайр, қадрли Виктор...
Сиз менга жуда ҳам ёкиб қолдингиз-да.

Виктор. Хайр... Мен ҳам сизни жуда яхши кўриб қолганиман (*Кружкова блан Кривошенин кетди*.) Сиз ҳам менга... Ҳў, ўша технологиянг бошингни есин! (*Ўз хонасига қириб кетди ва дарров кепкасини кўтариб қайтиб чиқди*.) Йўқ, Виктор Фёдорович, сабр қилгин, чида. Тишингни-тишингга қўймасанг ҳолинг хароб... Диплом-чи? Сатқайи саримга! Қочиб кетмайди. Ҳозир нима қилиш керак? Сухумига жўнаш керак! Қора денгизга қочиш керак! (*Эшикни тарақлатиб беркитиб чиқиб кетди*.)

Саҳна бироз бўш қолди. Эшик очилали ва Зайцев олиб келган портфельни кўтариб Потапов қириб келади. У пиджак кийған; галстукисиз, кўйлагининг ёқаси очиқ. Секин уйни айланниб чиқади, балконга назар ташлайли, иккала кўшни хонага ҳам бош суқиб кўради, кейин у хоналардан бирига қириб кетиб, бирордаги кейин қўлида папка, иккаки кўк кўйлак, пайпоқ ва бошқа маъда чўйдалар блан қайтиб чиқади. Нарсаларниң ҳаммасини стол устида турган портфелининг олдинга қўяди.

Потапов. Зажигалкани қаёққа қўйган эдим? Ўнг томондаги қутида эди-ку! (*Чиқиб кетади ва яна қайтади, буфетнинг қуттиларини очиб қарайди*.) Йўқ... Қаерга кетди экан? (*Буфетнинг устки хонасини очади*.) Қуп-қуруқ. Бир бурда нон ҳам йўға... Тўхта, тўхта... (*Графинни олди, ундаги арақни кўзи блан чамалаб кўрди*.) Бир қултум чиқадиганга ўхшаб қолди. (*Рюмкага қуяди, ичади, яна закуска ахтаради*. Бир ўрам кофега кўзи тушади.) „Софлиқнинг гарави“ деган кофе дуруст закуска. (*Яна ярим рюмка қуяда-да, графинни ачиниб-ачиниб жойигд қўяди*. Эшикка орқасини ўғириб турганича у рюмкани ҳам буштабошлайди. *Шу онда нон кўтариб Гринёва бешовқун қириб келади*.)

Гринёва. Кимнинг соғлигига кўтаратаяпсиз, Алексей Кирьянич? (*Потапов қайрилиб қарайди ва шошиб қолганидан рюмкани тушириб юборади. Рюмкани ердан олмоқчи бўлганида Гринёва уни тутуб қолади*.) Ўзим оламан... (*Рюмкани олади*.) Утири, ҳозир овқат келтираман. (*Буфетни кўрсатиб*.) Буфетда ҳамма нарсанинг суви қочиб, қотиб қолаяпти. Овқат совуқхонада... Портфелингни кабинетга олиб қириб қўй. (*Портфельни Потаповга узатди*.) Обормайсанми? Кабинетингга олиб кир...

Потапов. Мен овқат қилмоқчи эмасман.

Гринёва. Овқат қилдим дегин? Кўйлакларни нега олдинг? Эрталаб киярсан...

Потапов. Мен бу ерда ётмайман!

Гринёва. Шунақа дегин... Яхши қиласан... Ўзинг келганинг яхши бўлибди... Зайцевни юборишинг нимаси? Ёд одамнинг кўнглига нималар келмайди. Айтгандек, икки ҳафтадан бери қаерда ётиб юрибсан?

Потапов. Заводда. Зажигалкам қани?

Гринёва. Ёзув столининг ўнг қутисида, деган экансан-ку.

Потапов. У ерда йўқ!

Гринёва. Чап томонни қара...

Потапов. Қарадим... У ерда ҳам йўқ. Зажигалкамга жуда ўрганиб қолган экансан.

Гринёва. Зажигалкамга ўрганиб қолган экансанми? Мен эса кейинги ўн икки йил ичиде сенга ўрганиб қолибман. Сенинг ўйингга бундай гаплар келмаган бўлса керак?

Потапов. Менинг фикри-хаёлим иш блан банд.

Гринёва. Мен бўлсам доимо сени ўйлайман.

Потапов. Ўлаб-ўлаб етган жойинг нима бўлди?

Гринёва Етган жойим? Сен ўз ўйингга қайтасан, ё бўлмаса югурдакларингни орага солмай, бори-йўғингни олиб кетасану, қайтиб келмайсан.

Потапов. Гапинг жиддийми?

Гринёва. Жуда жиддий. Айтгандек, ажрашаман десанг ишинг осон.

Потапов. Я'ни?

Гринёва. Сен блан биз Загсадан ўтган эмасмиз. Фамилияларимиз ҳам Потапов—Гринёва. Осон... Газетада э'лон беришнинг ҳам ҳожати йўқ. Пул ҳам вақт ҳам кетмайди. Шундай эмасми?

Потапов. Шундайми?.. Хуллас, нима демоқчисан?

Гринёва. Шуни ҳам тушинмайсанми? Ё биргалашиб овқат қиласмиз... ё ҳозир кетасан.

Потапов. Овқатни нега ўртага суқасан? Мен энди бу уйда туроолмайман!

Гринёва. Сабаб?

Потапов. Чунки... Чунки...

Гринёва. Чунки сенинг хотининг райком бюросида сенинг хатоларингни танқид қилди? (*Овозини пасайтириб.*) „Хотининг“ деганимга аччиғинг келмасин, мен у вақтда сенинг хотининг эдим. (*Авлалги оҳангда.*) Шундайми?

Потапов. Нима деб ўйласанг, ўйлайбер... Лекин мен шу кунларда икки заказни бирданига бажариш блан овораман.

Гринёва. Келмаганингта сабаб фақат шуми?

Потапов. Ростини айтсам, ўртоқ Гринёва, очиқ гаплашишни хоҳлайсанми?

Гринёва. Албатта.

Потапов. Ҳўп, бўлмаса... Гапинг тўғри: сенинг бюродаги қилиғинг менга ёқмади. Сен менга хурматсизлик қилдинг! Мен энди сен блан бир қозондан ош ичаолмайман. Сен менинг иззати-нафсимни поймол қилдинг!

Гринёва. Қандай иззати нафсингни?

Потапов. Эркаклик иззати-нафсимни!

Гринёва. Тавба, эркаклик иззати-нафси эмиш! Менингча, сен блан мен учун бундан кўра ортиқроқ иззати-нафс бор: коммунистлар иззати нафси совет ходимининг иззати-нафси. Сен райком бюросининг қарори блан министрининг буйругини бажарайсан шекилли?

Потапов. Ҳа, бажарайман!

Гринёва (*сабр блан, босиқ*). Менингча, мен айтган гап блан у қарорлар орасида фарқ йўқ...

Потапов. Барibir, сенинг ўшандай сўйлашга ҳақинг йўқ! Сен менинг хотиним эканингни унитиб қўйдинг!

Гринёва. Мен сенинг хотининг бўлишдан ташқари, яна партия а'зоси ҳамман! Бу масалани қандай ҳал этиш керак?

Потапов. Мен ҳал этиб қўйғанман!

Гринёва. Тўғри ҳал этмабсан, партия а'зосига номуносиб йўл блан ҳал этибсан.

Потапов. Қўлимдан келгани шу! Рози бўлмасанг, Полозова га устимдан ариза бер. Полозовага гапинг ма'қул тушади, ёрдам ҳам беради. Фақат шуни билиб қўй: энди сен блан бирга туролмайман, юзингни ҳам кўргим келмайди! Истамайман! Овқат қиласр эмишми? Энди ҳар куни уйга келиб, сен блан гаплашиб ўтиришим керак экан-да? „Нима янги гаплар бор? Палвон кино комедияси сенга ёқдими?“ деб ўтирад эканман-да? Раҳмат, барака топ! Кино комедиямни чиқариб қўйдияв!

Гринёва. Сен бўлсанг у комедияни дарров фожиага айлантириб юбарајпсан.

Потапов. Шундай дегиа! Сенингчанима—үн икки йил бирга юриб, бирга турсак, бир-биримизга қадрли бўлиб қолдик деб қувонсангу, суюнган хотининг шундай ярамаслик қилса — чидаб туриш мумкиними?

Гринёва. Ярамаслик дейсанми? Сен буни ярамаслик деб биласанми? Барака топ.

Потапов. Ҳўш, ярамаслик десам нима бўпти?

Гринёва. Ишларинг чатоқ, Алексей! Сен хато қилдинг. Мен сенинг фикрингга қўшилмадим. Фикрингга қарши чиқдим. Лекин бу сен блан менинг шахсий масалам эмас-ку? Тушинсанг: бу кўпчиликнинг масаласи. Жамоат масаласи. Сен бу масалани майдада иш деб, майиший иш блан жамоат ишини бир-биридан фарқ қilmай қолибсан, Алексей. Сабр қил! Навбатим келганда мен ҳам гапимни гапириб олай, билиб қўй: мен сени яхши кўраман. Шунинг учун ҳам бу аҳволингни кўриб ҳаммадан кўпроқ мен вазилдим. Сен агар мени нима десанг шу гапингдан чиқмайдиган хотин деб ўйлаган бўлсанг — катта хато қилибсан. Сен ўзинг „Принципли бўл. Бошингга қилич келса ҳам тўғри йўлдан қайтма“ деб ўргатгансан. Ўзинг ўргатганингча иш қилсанега энди койиисан? Еки, сенингча, сўз бошқа-ю, амал бошқами? Бирорга насиҳат эту, ўзинг аксини қил—шундайми? Йўқ, бу яхши эмас Алексей, сен агар шуна тушинмасанг, айб менда эмас, ўзингда. Мен буни сендан аввалроқ тушинган бўлсан, мендан ўпка қилма.

ўзингдан ўпка қил, чунки айб ўзингда. Фикрим шу, Алексей. Яна ихтиёр ўзингда. Мен орқандан эргашиб борадиган мўмни қўзичоғинг бўлаолмайман. Мен сенинг яхши сўзларинг, чиройлик кўзларинг, савлатинг учунгина хотин бўлиб юрганим йўқ. Хатонгия тушинсанг, — чақиришингни кутмасдан ўзим қучоғинга отиласман, Алексей. Тушкинишни истасанг, сен мени әмас, мен сени ташлаб кетаман. Гап шу, энди кетсанг-кетабер.

Потапов. Ҳайдаб чиқараётганингми бу?

Гринёва. Йўқ, лекин йўлингни тўсмоқчи ҳам эмасман!..

Потапов. Ҳўп, ҳайр бўлмаса, Ирина...

Гринёва. Ҳайр, Алексей! (Потапов ёқа тугмаларини солади ва Гринёвага қарамай чиқиб кетади. Гринёва индамай орқасидан қараб қолади. Қолган портфелига кўзи тушди, қўлига олди, Потапов орқасидан югурди. Остонадан туриб қичқирди.) Алексей, кўйлак қолибди, кўйлак...

Жавоб бўлмади. Гринёва остонада жиндак тургандан кейин балконга ўтади ва панжара устидан әглиб пастга қарайди... Лекин кўча қоронги ва жим эди. Гринёва уйга қайтди, портфельдан кўйлакларин чиқарди ва хотинларга хос меҳр блан кўйлакни силай бошлади...

Парда

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Кривошеининг уйи. Бизга таниш каби нет. Лекин ҳозир кабинетнинг ўргасига катта стол қўйиниб, оқ дастурхон ёзилган устида идиш-човоқ, вино шиша-лар, гулдонлар. Яхшироқ қаралса, Кривошеининг уйида каттагина ўзарини бўлгани кўринази. Уй аввалгида ёқимлироқ бўлиб қолган. Ёзув столи устида туллар, лекин кефир идишида әмас, вазада. Ёзув столи ўртасида — катта фотография—Кружкованинг сурати. Китоб тақчаларига аввал балконини кенг эшигига осилган пардалардан парда ўйилан, Балкон ойналаридан язи кузги Москванинг кечки манзаралари из ёрқин Кремль юллози кўриниб турибди. Жимжит. Саҳнада—оддига ошкўрак тутган Гринёва ёлғиз ўзи турибди. У столдаги нози не'матларга ҳавас блан тикила-тикли дастурхон тузатмоқда. Кўнғирок чалинади. Гринёва чиқади ва бир нафасдан кейин Зайцевни ёргаштириб киради. Зайцевнинг қўлида катта бир даста гул. Гринёва унга ётибор бермай, дастурхон тузатишда давом этади.

Зайдев. Салом, ўртоқ Гринёва!

Гринёва. Нима?

Зайдев. Салом деяпман...

Гринёва. Ҳа-а, яхши... (Жим қолади.)

Зайдев. Уй өгалари қани?

Гринёва. Келганлари йўқ ҳали.

Зайдев. Гулни қаерга қўйсам бўлар экан?

Гринёва. Ошхонада сопол тувак бор.

Зайдев. Ўзим олиб чиқайми?

Гринёва. Бўлмаса ким олиб чиқиши керак?

Зайдев. Ўзим, ўзим олиб чиқишим керак. (Гринёва ошхонага кириб кетаётган Зайцевга энди назар ташлайди ва кулиб қўяди. Зайцев гулни тувакка солиб олиб чиқади.) Буни энди нима қиласман?

Гринёва. Столга қўйинг.

Зайцев. Столга қўйсам, ким олиб келганини қаердан билашади?

Гринёва. Бўлмаса ушлаб тураберинг.

Зайцев. Мен ҳайкалмидим, қаққайиб турабергани! (*Тувакни столга қўйди.*) Ёрдамим керакми?

Гринёва. Керак. Шишаларни очадиган штопорингиз борми?

Зайцев. Ҳарбири ҳақиқий хўжалик ходими ёнида албатта штапор олиб юради. (*Штапорни беради.*) Марҳамат.

Гринёва. Ўзингиз очинг.

Зайцев. Буни ҳам ўзим очайми? (*Шишани очади.*) Қачондан бери ҳаммага иш буюрадиган бўлиб олгансииз?

Гринёва. Ёшлигимдан.

Зайцев. Лекин мен сизнинг профсоюзингизда эмасман. (*Рюмкани тўлдириб ичади ва закускадан олади.*) Чанқаб қолибман, қаранг.

Гринёва. Бу қилиғингиз хунук, Зайцев.

Зайцев. Зарари йўқ. Сизнинг қилиғингизни хунук деса бўлади: меви уйингиздан қувиб чиқардингиз-а!

Гринёва. Қилиғингизга яраша қилиқ қилдим.

Зайцев. Аммо мен сиздан хафа бўлганим йўқ... Аксинча, сизга ихлосим ортиб кетди.

Гринёва. Сизнинг ихлосингизни ортдириш учун шундай иш қилиш керак!

Зайцев. Лекин бундан ортиғи — ортиқ. Қаттиқ қўллик хотинишига ярашмайди... ва умуман хатони бўйинга олабилиш керак. Мен бўйнимга олдим. Кривошенин бўйнига олди, келиб узур сўради, узурини қабул қилишди, натижаси — (*Столдаги нарсаларни кўрсатиб.*) мана, кўриб турибсиз.

Гринёва. Мендан ҳечким узур сўрагани йўқ.

Зайцев. Сиз ўзингиз узур сўранг... Директорнинг аҳволига қарасам, йиглагим келиб кетади.

Гринёва (*қизиқиб*). Диққат бўлаяптими?

Зайцев. Бўлмасамчи! Бўйдоқлик қуриб кетсин. Бугун кўйлак кир, эртага пайпоқ йириқ...

Гринёва. Фақат шунга диққатми?

Зайцев. Диққат бўладиган бошқа жиҳатлари ҳам кўл... Лекин дами ичиди.

Гринёва. Ўлгудек лақмасиз-да, Зайцев...

Зайцев. Мени Сергей Сергеич деяверинг. Ҳатто Серёжа десангиз ҳам қаршилигим йўқ...

Гринёва. Нега энди?

Зайцев. Ҳақингиз бор. Сиз менга кўнглингизни яқин тута сиз, бўлмаса ўша куни портфель блан елкамга туширағмидин гиз... Яқин кўрганингиздан қиласиз-да.

Гринёва. Лекин ўзим афсус қилиб қолдим.

Зайцев. Нимага?

Гринёва. Портфельнивг ичиди қаттиқроқ нарса йўқлигига.

Зайцев. Раҳимдиллигинги гизга қойилман да, Ирина Фёдоровна.
«Яна рюмкани тўлдириб ичади, закускадан олади.» Жуда чанқаб кетаяпман.

Гринёва. Яхши эмас, Зайцев.

Зайцев. Сергей Сергеич, денг.

Гринёва (кулиб). Серёжа!

Кривошеин блан Кружкова киради. Кривошеиннинг қўлида катта абажур.

Кружкова (Гринёванинг олдига шошиб бориб). Ирина Фёдоровна, жуда уят бўлибди-ку! Уй эгалари ўйнаб юришибди-ю, меҳмонлар бўлса хизматда.

Гринёва. Айби йўқ, Аня!

Кривошеин. Абажур оламиз деб тутилиб қолдик... Ўчакиш гандек абажурнинг хилини шувдай кўлайтириб қўйишибдики, биттасини ташлагунимизча жонимиз бўғзимишга келди... (Зайцевдан жиiddий оҳангда сўрайди.) Дурустми?

Зайцев. Қиёмат абажур...

Кривошеин. Жойига осиб қўйилса, уйнинг ҳуснига ҳусн қўшилар эди.

Кружкова. Майли, осинг... Ошхонада бизга иш ошиб-тошиб ётиди. Хўпми?

Зайцев. Сиз ос депсизу, биз йўқ депмизми! Ҳозир осамиз да.
Гринёва. Жуда ҳам лақмасиз да... Серёжа. (Кружкова блан бирга чиқиб кетади.)

Зайцев. Бир рюмкадан отиб юборайлик. Жуда чанқаб кетияпман... Эрталабдан бери оғзимга бир томчи сув ҳам олганим йўқ.

Кривошеин. Хўп. (Шишани олиб, винонинг камайиб қолганига назар солади.) Фиррамликларини қара-я! Тўлдириб қуймабдими?

Зайцев. Тўкилиб кетган бўлса ҳам эҳтимол. (Кривошеин қуяди, уруштирадилар.) Қаллифинг учун. Ишқилиб, уйни қўлдан кетгизмадинг а? (Ичадилар.) Энди осайлик. (Столга стул қўйиб, устига чиқади.)

Кривошеин. Йиқиласан...

Зайцев. Стулни маҳкам ушла. Бугун осмонга чиққим келиб туриди. (Столга чиқади.) Ў-ў! Мана бу баландликдан қарасанг, уйнингга баҳт қуши келиб қўнган. Олтин қафасга үшайди. Хурсандмисан?

Кривошеин. Бўлмасам чи! (Абажурни узатади.) Ушла!

Зайцев. Хўп.. (Абажурни жойлаштира бошлайди, тўхтайди, қайрилиб Кривошеинга қарайди.) Айтгандек, бу ерга Гринёва ҳам келади деганим ҳамонан Потапов айниди-қолди, бормайман деб туриб олди.

Кривошеин. Гринёванинг келишини нега айтдинг, нодон? (Зайцев турган столга муштлайди, Зайцев йиқилиб тушаёзади.)

Зайцев. Вой, секин!

Кривошеин. Ҳа тилинг кесилгур!

Зайцев. Бўлдими?

Кривошеин. Бўлди, та'бимни тирриқ қилдинг!

Зайцев. Тамом! Маҳкам тут! (*Пастга тушаб.*) Нега хафа буласан? Келмаса-келмабди-да. Нима иложимиз бор?

Кривошенин. Шунга ҳам ақлинг етмаганига ҳайронман. Мен бугун хурсандман, баҳтиёр бўлган кунларимда дўстларим ғам-ғуссада юрса, менга татимайди деяпман, татимайди, хўй, ҳафтафаҳам!

Кружкова киради.

Кружкова. Боплабсизлар-ку! (*Чирокни ёқади.*) Меҳмонлар ҳам ҳозир келиб қолишади.

Кривошенин. Ба'зилари келмас экан.

Кружкова. Ким келмас экан?

Кривошенин. Потапов. Гринёвани бу ерда бўлишини Зайцев айтиб қўйибди.

Кружкова. Нега бундай қилдингиз?

Зайдев. Хатомни бўйнимга оламан... Яхши қилмабман... Тўхтаб туринг, ўзим бориб олиб келаман. (*Столдан пастга тушади.*) Гринёва келмас экан, дейман.

Кривошенин (қўл силтаб). Энди фойдаси йўқ. (*Товақкалар кўтариб Гринёва киради. Ҳамма жим.*)

Гринёва. Абажурни боплабсизлар-ку!

Зайдев. Абажурни боплайман деб ўзим бопланаёздим. (*Кривошенинга.*) Бир чекиб юборамизми?

Кружкова. Ошхонага киринглар, бу ерни тутин қилманглар.

Кривошенин. Юр, Зайдев... Мана, ҳалитдан буйруқбозлик бошланди.

Зайдев. Бу депутат ҳали кўргилигингни кўрсатади.

Кривошенин блав Зайдев чиқадилар.

Кружкова (уларни кўзи блан кузатиб). Ирина Фёдоровна, ҳали ҳам кўзларимга ишонмайман, тушимми ўнгимми?

Гринёва. Ўнгинг, албатта. Шундай бўлиши керак эди. Муроди-мақсадингга етганингдан хурсандман. Айтгандек, Потапов келмайдими?

Кружкова. Келмайди.

Гринёва. Чакириб эдингларми?

Кружкова. Чакириб эдик...

Гринёва. Унамадими?

Кружкова. Йўқ... Аллақандай мажлиси бор эмиш...

Гринёва. Одамнинг келгуси келмаган маҳалда доим бирор мажлис чиқиб қолади... Ҳа, айтгандек, эсмидан ҳам чиқиб қолибди... Бугун Виктор келади. (*Соатга қараиди.*) Бу ерга келса хафа бўлмайсанми? Шу ерга кел деб хат қолдириб келган эдим.

Кружкова. Жуда соз бўлти... (*Кўнгироқ овози.*) Келишди.

Кетади. Полозова ва Северова блан бирга қайтади.

Полозова. Ў-ӯ, зиёфат жуда зўр-ку... Ольга Ивановна, булар ҳаммаси келин блан куёвнинг файрати натижасида. Хўш, Аня, хурсандмисан?

Кружкова. Хурсандман.

Полозова. Табриклайман... Афсуски, чакан қўйлакка материал битмай қолди-да.

Северова. Яқинда битади. Табриклайман, Аня.

Кружкова. Раҳмат, Ольга Ивановна.

Полозова (*столни ва уйни қўрсатиб*). Уй-рўзгор ишларига ҳам чакки эмас экансиз.

Гринёва. Бу ишларинг ҳаммаси сизнинг раҳбарлигингиз остида бўлаяпти, Нина Ивановна.

Полозова. Демак, раҳбарлигимиз ҳам унча чакки эмас экан-да? (*Ўтириди.*) Нима бало, Аня, бугун фақат хотин-қизлар йиғилишими?

Кружкова. Йўқ, Зайдев ҳам шу ерда...

Полозова. Дарров-а?

Кружкова. Яна келишади... Фёдор Степанич...

Полозова. Келса жуда соз бўлар эди-да! Ольга, Потаповинг қандай сур'ат блан ишләётганига назар солдингми?

Северова. Станок битсин, — биз ҳам Потаповдан орқада қолмаймиз!

Полозова. Станок уничи-ю, сур'ат бизники бўлади дегин?

Северова. Бўлмасамчи! (*Куладилар.*)

Қўнгироқ овози. Кружкова чиқиб, Гринёв блан киради.

Полозова (*ўрнидан туриб, Гринёвнинг қаршиисига боради.*). Салом, Фёдор Степанич, раҳмат сизга.

Гринёв. Раҳматни райкомга айтишимиз керак. Райком ердам бермаганда...

Полозова. Ҳа, майли, тортишиб ўтиришмайлик. Қани, Фёдор Степанич, энди нима ишлар қилмоқчисиз?

Гринёв. Ишдан кўпи йўқ. Ниятларимиз катта.

Полозова. Масалан?

Гринёв. Горбенко қайтиб келсин, биз учаламиз...

Полозова. „Учаламиз“ дейсизми?

Гринёв. Ҳа, Игнат Степанич Кривошеин блан учаламиз... (*Қўнгироқ овози.*)

Гринёв. Мен очақолай. (*Чиқади ва дарров қайтади.*) Ота, Виктор келди.

Гринёв. Қаердан келди?

Гринёв. Сенга айтиш эсимдан чиққан экан. Йўлга чиққанлиги тўғрисида телеграмма олган эдим.

Гринёв. Жуда пайтини топиб келибди-да!

Қўлида бир даста гул блан Виктор киради.

Виктор. Салом, ўртоқлар. (*Гулни Кружковага тиқдим эта-ди.*) Табриклайман, Анна Сергеевна. (*Қўлини сиқади.*)

Гринёв (*Кружковага.*) Ишни бошласак ҳам бўлар дейман, Анна Сергеевна.

Кружкова. Албатта.

Чиқады ва Кривошенин блан Зайцевин стаклаб киради.

Зайцев (*Полозавага*). Салом Нина Ивановна!

Полозова. Салом ўртоқ Зайцев. (*Гринёвга*.) Бу киши эндө сизга халақит берастгани йүқми?

Зайцев. Менда бундақа одат йүқ...

Полозова. Демак, одатларингизни ўзгартирибсиз-да?

Зайцев. Ўзгартириш түғрисида сиз томондан кўрсатма берилди-ку.

Полозова. Кўрсатма бўлмаса, сизнинг ҳолингиз хароб!..

Северова. Бўлмасачи! Шундайми, Сергей Сергеич?

Зайцев. Ольга Ивановна, сиз бизнинг камчиликларимизни ошириб юбораяпсиз.

Северова. Камайтирсам қани энди, бўлмаяпти.

Зайцев. Бўлиб қолар. (*Кривошеинга*.) Игнат, бошлайлик...

Томоқлар тақиллаб кетди...

Кружкова. Ўртоқлар, ўтиришларингизни илтимос қиласиз.

Гринёва. Гап деган бундек бўлса!

Кружкова. Фёдор Степанич, бу ёққа ўтинг, сиз раиссиз.

Кривошенин. Нина Ивановна, Ольга Ивановна...

Кружкова. Ирина Фёдоровна, Виктор...

Гринёва (*унинг ёнида бир стул бўш қолади*). Вой, мек йигитсиз қолибман-да?

Зайцев. Сизнинг ёнингизда мен ўтирибман-ку.

Гринёва. Сиз бир ёғимда ўтирибсиз.

Северова. Ўртоқ Зайцевнинг иши доим бирёқлама.

Зайцев. Мен ўёғингизга ҳам ўтиб ўтиришим мумкин... Ҳам уёқда, ҳам буёқда... (*Ҳамма ўтиради*.) Қадаҳларни тўлдиринглар. Ҳўш. Рухсатингиз блан куёв ва келин шарафига бир оғиз сўз айтсан. Ўртоқларнинг фазилатлари ҳаммангизга ма'лум. Камчиликлари масаласига келсак... Камчиликлари... Ҳарким ўз камчилигини ўзи йўқ қилиши керак, шундай эмасми, Ольга Ивановна?

Северова. Лақмалик қилманг, Зайцев.

Зайцев. Йўқ, йўқ, бу лақмалик эмас... Ҳа, айтгандек, нима деяётган эдим?

Северова. Камчиликлари масаласи...

Зайцев. Балли... Камчиликларини ўртоқлар ўзлари тушинишиб олишар... хуллас, келин-куёвимизнинг бахти учун ичайлик! Бахтга эришув масаласида батафсул кўрсатмалар бера олар эдим-у, лекин, афусски, бахт ҳар уйга ўз йўли блан киради. Келин-куёвнинг бахти учун!

Ҳамма ўрнидан туради, қадаҳ уриштиради чапак чалади.

Гринёв. Горько!

Ҳамма. Горько!,.. горько!..

Кружкова блан Кривошени ўпишади. Қўнғироқ овози. Ҳечким эшиштайди. Яна қўнғироқ.

Кривошенин. Ўзим очаман.

Кетди, эшик ярим очиқ қолди. Қаттиқ ва узоқ күнғироқ овози. Ҳамма жим.

Зайцев. Жуда ҳам баджаҳл меҳмон эканми? (Остонада Потапов пайдо бўлади.) Алексей Кирьянич! (Олдига югуриб боради.)

Потапов (Зайцевни четга итариб). Тўхтаб тур, Зайцев... (Гринёва ўрнидан туради.) Кутмасанглар ҳам келдим. Мана, мен ўзимни сизларнинг ихтиёргизга топширгани келдим. Яхши ёмон тапирган бўлсам — кечиринглар. Зайцев, бор, машинадан гулни олиб кел.

Зайцев. Ҳозир мен кўрсатма бераман. Виктор, малол бўлмаса, мишинадан гулни олиб келсангиш.

Кривошеин (кириб). Қани, Алексей Кирьянич, ўтиринг...

Потапов. Тўхтаб тур-э, куёв... Бир оғиз сўзим бор, айтиб олай, юрагимни бўшатиб олай. Кўнгилдаги бу гап блан индамай юаберишнинг иложи йўқ экан, тос ёрилиб кетгудай бўлаяпман. Қўлимдан келганини, ҳаммасини қилдим, лекин кўнгил тинчиғани йўқ, ором топгани йўқ. Ўйлаб қарасам—гуноҳкор эканман! Ніна Ивановна, кўзларингга тикиламану, ўзимни гуноҳкор сезман. (Гринёвга.) Ота, узур сўрайман.

Гринёв. Қўйсангчи, э!

Потапов. Йўқ-йўқ... Гуноҳкорман... Ирина, Иринажон, сидан узур сўрайман. (Гринёванинг олдига борди, елкасига қўшини қўйди.) Кўраяпсанми, Ирина, ҳамманинг олдида узур сўрайман, эшитаяпсанми?

Гринёва. Эшитаяпман... Ол қўлингни!

Потапов. Хоҳласанг, олдингга тиз чўкиб товба қиласман.

Гринёва. Алёша...

Потапов. Тўхта, тўхта, халақит берма, Ирина... Кўнглимиғи ғашлик кетди! Қадрдан дўсларим, елкамдан босиб турган итта тоғни ағдартиб ташлагандек бўлдим... Қадрояларим, юзим ёнгуб бўлди. Ҳайрият! Ҳайрият!

Гринёв. Москвалилар характери мана мунақа бўлади!

Полозова. Бу гапингни ураллилар, украинлар, белоруслар, кубанълилар эшитиб қолса хафа бўлишади. Уларнинг характери ҳам шунақа эмасми? Бутун совет халқининг характери қанака? Ёмак, москвалилар характери — совет характери экан, большевистик характер экан. Дўсларим, большевистик характер унун қадаҳ кўтараильик!

Ҳамма кадаҳ кўтаради.

Парда

С. КОСИМОВ, С. АЗИМОВ

САИД АҲМАД

Ў: ёк совет прозасининг ҳозирги кунда кен. китобхоналар гимаси орасида анчагина танилган, унинг ҳурматига сазовор бўлгани вакилларидан бири исте'додли ва умидли ёзучи Сайд Аҳмаддир.

Сайд Аҳмад (Сайд Аҳмад Ҳусанхўжаев) 1920 йилда Тошкент шаттирида хизматчи оиласида туғулган. У 1929—1939 йиллар да вомида ўрта мактаб ва тасвирий сан'ат билим юритида ўқиди. 1940 йилдан 1941 йилгача эса, Тошкент Давлат Педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида та'лим олди. У ўқучилик давридаёқ, адабиётга қаттиқ қизиқар әди. 1937 йилдан вактиматбуот саҳифасида унинг кичик-кичик ҳикоя ва мақолалари сила бошлади. Ёш адаб фақат кичик ҳикоя ва мақолаларини чекланмай, матбуотимиизда бевосита ишлашга 1938 йилдан „Муштум“ журнали ва сўнгроқ „Ёш Ленин“ таси редакциясида хизмат қилиди. Бу муҳит унинг шигардлари самарали та'сир кўосатди. Натижада, шу йилларнинг ада бирига ҳадсулоти ўлароқ, 1940 йилда Сайд Аҳмаднинг тўнгич асрори бўйиче „Тортиқ“ номли ҳикоялар тўплами нашр қилинди.¹

2 йилдан бошлаб, у Ўзбекистон Радио комитети сўнгги ёт бўлимида редактор, сўнгроқ Фарҳодстрой газетаси „Халқиши“нинг мухбири ва „Қизил Ўзбекистон“ газетасининг адабиётида бўлиб ишлади.

Давр ичиди ёзучи „Эр юрак“ (шоир Мирмуҳсин блан бирга „Фарғона ҳикоялари“² номли тўпламларини ўқучиларга мэтди.

Сайд Аҳмад, асосан, прозаик, лекин ба'зан у адабиётимизниң жанрларида ҳам қалам кучини синаған. Жумладан, у 1942 болалар учун эртак мотивларида „Шерзод ва Гулшод“

¹ Сайд Аҳмад Ҳусанхўжаев „Тортиқ“, ҳикоялар тўплами, Ўзбекистон нафисиёт давлат нашриёти, Тошкент, 1940.

² Сайд Аҳмад. Мирмуҳсин „Эр юрак“, ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1942.

Сайд Аҳмад „Фарғона ҳикоялари“. „Қизил Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ бирлашган нашриёти, Тошкент, 1948.

ЛЕНИНА 96
ГОС. ПУБЛ. Б. МЕ УЗ. ССР
ИМ. МАКОИ
2 1.17 800 Г

Балоси. 5 ч.

8-9

11
12
13
14
15
16
17
18
19
20
21
22
23
24
25
26
27
28
29
30
31
32
33
34
35
36
37
38
39
40
41
42
43
44
45
46
47
48
49
50
51
52
53
54
55
56
57
58
59
60
61
62
63
64
65
66
67
68
69
70
71
72
73
74
75
76
77
78
79
80
81
82
83
84
85
86
87
88
89
90
91
92
93
94
95
96
97
98
99
100
101
102
103
104
105
106
107
108
109
110
111
112
113
114
115
116
117
118
119
120
121
122
123
124
125
126
127
128
129
130
131
132
133
134
135
136
137
138
139
140
141
142
143
144
145
146
147
148
149
150
151
152
153
154
155
156
157
158
159
160
161
162
163
164
165
166
167
168
169
170
171
172
173
174
175
176
177
178
179
180
181
182
183
184
185
186
187
188
189
190
191
192
193
194
195
196
197
198
199
200
201
202
203
204
205
206
207
208
209
210
211
212
213
214
215
216
217
218
219
220
221
222
223
224
225
226
227
228
229
229
230
231
232
233
234
235
236
237
238
239
239
240
241
242
243
244
245
246
247
248
249
249
250
251
252
253
254
255
256
257
258
259
259
260
261
262
263
264
265
266
267
268
269
269
270
271
272
273
274
275
276
277
278
279
279
280
281
282
283
284
285
286
287
288
289
289
290
291
292
293
294
295
296
297
298
299
299
300
301
302
303
304
305
306
307
308
309
309
310
311
312
313
314
315
316
317
318
319
319
320
321
322
323
324
325
326
327
328
329
329
330
331
332
333
334
335
336
337
338
339
339
340
341
342
343
344
345
346
347
348
349
349
350
351
352
353
354
355
356
357
358
359
359
360
361
362
363
364
365
366
367
368
369
369
370
371
372
373
374
375
376
377
378
379
379
380
381
382
383
384
385
386
387
388
389
389
390
391
392
393
394
395
396
397
398
399
399
400
401
402
403
404
405
406
407
408
409
409
410
411
412
413
414
415
416
417
418
419
419
420
421
422
423
424
425
426
427
428
429
429
430
431
432
433
434
435
436
437
438
439
439
440
441
442
443
444
445
446
447
448
449
449
450
451
452
453
454
455
456
457
458
459
459
460
461
462
463
464
465
466
467
468
469
469
470
471
472
473
474
475
476
477
478
479
479
480
481
482
483
484
485
486
487
488
489
489
490
491
492
493
494
495
496
497
498
499
499
500
501
502
503
504
505
506
507
508
509
509
510
511
512
513
514
515
516
517
518
519
519
520
521
522
523
524
525
526
527
528
529
529
530
531
532
533
534
535
536
537
538
539
539
540
541
542
543
544
545
546
547
548
549
549
550
551
552
553
554
555
556
557
558
559
559
560
561
562
563
564
565
566
567
568
569
569
570
571
572
573
574
575
576
577
578
579
579
580
581
582
583
584
585
586
587
588
589
589
590
591
592
593
594
595
596
597
598
599
599
600
601
602
603
604
605
606
607
608
609
609
610
611
612
613
614
615
616
617
618
619
619
620
621
622
623
624
625
626
627
628
629
629
630
631
632
633
634
635
636
637
638
639
639
640
641
642
643
644
645
646
647
648
649
649
650
651
652
653
654
655
656
657
658
659
659
660
661
662
663
664
665
666
667
668
669
669
670
671
672
673
674
675
676
677
678
679
679
680
681
682
683
684
685
686
687
688
689
689
690
691
692
693
694
695
696
697
698
699
699
700
701
702
703
704
705
706
707
708
709
709
710
711
712
713
714
715
716
717
718
719
719
720
721
722
723
724
725
726
727
728
729
729
730
731
732
733
734
735
736
737
738
739
739
740
741
742
743
744
745
746
747
748
749
749
750
751
752
753
754
755
756
757
758
759
759
760
761
762
763
764
765
766
767
768
769
769
770
771
772
773
774
775
776
777
778
779
779
780
781
782
783
784
785
786
787
788
789
789
790
791
792
793
794
795
796
797
798
799
799
800
801
802
803
804
805
806
807
808
809
809
810
811
812
813
814
815
816
817
818
819
819
820
821
822
823
824
825
826
827
828
829
829
830
831
832
833
834
835
836
837
838
839
839
840
841
842
843
844
845
846
847
848
849
849
850
851
852
853
854
855
856
857
858
859
859
860
861
862
863
864
865
866
867
868
869
869
870
871
872
873
874
875
876
877
878
879
879
880
881
882
883
884
885
886
887
888
889
889
890
891
892
893
894
895
896
897
898
899
899
900
901
902
903
904
905
906
907
908
909
909
910
911
912
913
914
915
916
917
918
919
919
920
921
922
923
924
925
926
927
928
929
929
930
931
932
933
934
935
936
937
938
939
939
940
941
942
943
944
945
946
947
948
949
949
950
951
952
953
954
955
956
957
958
959
959
960
961
962
963
964
965
966
967
968
969
969
970
971
972
973
974
975
976
977
978
979
979
980
981
982
983
984
985
986
987
988
989
989
990
991
992
993
994
995
996
997
998
999
999
1000